


440  
1948

# ШАРК ЮЛДУЗИ

4



Издательство  
1948  
ТОШКЕНТ




R 440

# ШАРҚ ЎЛДУЗИ

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

4



АПРЕЛЬ



„ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН“ ВА „ПРАВДА ВОСТОКА“ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ  
1948





АЛИШЕР НАВОЙ

*ҒАЗАЛЛАРИДАН*

Ул шайх ки миябар уза афсунға берур тул,<sup>1</sup>  
Шайтондур ўзи, мажлисининг аҳли сурук ғул,<sup>2</sup>  
Ғафлатдин агар ва'з ила үйғотсалар элни,  
Ул айлар уютмоқ учун афсонага машғул.  
Бошдин аёғи минбарининг поюю<sup>3</sup> дастон,  
Ҳам ўзию ҳам ма'рифати жоҳилу мажҳул.  
Қўрмай хирад<sup>4</sup> асхобида бир фардни оқил,  
Топмай киши афсунида бир нуктани ма'қул.  
Ҳар не ки ҳадис оти қўюб барчаси мавзуу<sup>5</sup>,  
Накли ки машойихдин этиб бориси маж'ул.  
Юз пора қилиб минбари ўт ёқғали авло,  
Бу шарт илаким бўлса ўзи қотилу мақтул.<sup>6</sup>  
Иблис сифат эл сари майл этма, Навоий,  
То бўлмағасен зарқу<sup>7</sup> риё қайдидаб<sup>8</sup> мағлул.<sup>9</sup>

\* \* \*

Висол тухмини эктим, фироқи бар<sup>10</sup> топтим,  
Вафо ниҳолини тиктим, жафо самар топтим.  
Муҳаббат ўтини ёқтим висол шам'и учун,  
Ўзумни оқибат ул ўтда ўқ шарап<sup>11</sup> топтим.  
Мен ашк<sup>12</sup> бирла юдим ғайр нақшини кўздин,

<sup>1</sup> Тул — чўзиш, узуунлик.

<sup>2</sup> Ғул — бир турли афсонавий махлук.

<sup>3</sup> Поя — оёқ.

<sup>4</sup> Хирад — ақл, доиш (Хирад асхоби — ақл, доиш эгалари).

<sup>5</sup> Маж'ул — ясама, уйдирма.

<sup>6</sup> Мақтул — қатл қилинган, ўлдирилган.

<sup>7</sup> Зарқ — риёкор, икки юзлама, алдамчи.

<sup>8</sup> Қайд — кишин, банд.

<sup>9</sup> Мағлул — банд этилган, кишланланган.

<sup>10</sup> Бар — мева, самара.

<sup>11</sup> Шарап — учқув, ёлқин.

<sup>12</sup> Ашк — кўз ёши.

Валек ғайриға ўқ ёрдин назар топтим.  
Умид баҳрида ҳарнеча ғутта<sup>13</sup> урдум ким,  
Садаф күзимдину, күз ёшидин гүжар топтим.  
Дидим, бу рамзни англай, әвале хирад пириң,  
Бу нұкта кайфияти ичра бехабар топтим.  
Чу дарди ишқ биёбонларини қылдим қат<sup>1</sup>,  
Адам вилоядиdin нари юз хатар топтим.  
Навоийә, кечакундуз хату юзини тилаб,  
Шабона<sup>14</sup> навха била нолан саҳар топтим.



Ер бордию күнглумда аннг нози қолибтур,  
Андоқки қулогим тұла овози қолибтур.  
Күз хонасини қылди барандохта<sup>15</sup> бу ашқ,  
Күз борди, әвале хона барандози<sup>16</sup> қолибтур.  
Күнглум қуши то сунбулингиз домиға тушти,  
Булбұл киби ҳар гүл сари овози қолибтур.  
Ул қүш сафар айлаб не тарағ<sup>17</sup> гүлбунун очқай,  
Ким бөг аро бир сарви сарафрози қолибтур.  
Мен ишқ румузин<sup>18</sup> демай ўлдим, сафар этким  
Фарҳод ила Мажнуннинг ўкуш рози қолибтур.  
Тақлид қилиб күнглима ишқ ахли чекар ох,  
Ул бордию эл ичра саровози қолибтур.  
Хижрону висолин күпү оз дема, Навоий,  
Юз шукр де ким, күпі бориғ<sup>19</sup> ози қолибтур.



Гар аламимға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,  
Гар ғамима шумора<sup>20</sup> йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,  
Ранжима йўқ эса адад хост бу эрса нейлайнин,  
Дардима гар канора<sup>21</sup> йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.  
Жам' эмас эрса, хотирим жам' ўлуриға, зоҳидо,  
Ҳожати истихора<sup>22</sup> йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.  
Ердин элга комлар бу қи менинг сори гаҳи,  
Кўз учидин назора йўқ, бўлмаға бўлмасун, нетай.  
Маш'али васл ила улус шоми мунаvvару<sup>23</sup>. менинг

<sup>13</sup> Ғутта — шўнгиш (ғутта урмоқ — шўнғимоқ).

<sup>14</sup> Шабона — кечки, тунги.

<sup>15</sup> Барандохта қилмоқ — бузмоқ, совурмоқ, чочмоқ, ювиб ташламоқ.

<sup>16</sup> Барандози — салқити, қолдиги.

<sup>17</sup> Тарағ — хурсандлик, шодлик.

<sup>18</sup> Румуз — рамзлар.

<sup>19</sup> Бориғ — кетиб.

<sup>20</sup> Шумора — ҳисоб, саноқ.

<sup>21</sup> Канора — чегара, ниҳоят.

<sup>22</sup> Истихора — фол (түш блан фол кўриш).

<sup>23</sup> Мунаvvар — нурланған, ёргаган.

Бахтима бир шарора<sup>24</sup> йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.  
Қисми азалға шодмен бу ки фалак риояти<sup>25</sup>,  
Холима ошкора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай.  
Дедим: эрур Навоий ўз дардиға чорасиз, деди:  
Гар аламингға чора йўқ, бўлмаса бўлмасун, нетай,



Дилрабо сендин бу ғам ким менда бордур, кимда бор,  
Фурқатингдин бу алам ким менда бордур, кимда бор.  
Мазраи<sup>26</sup> айшим кўкармайдур самумий оҳдин,  
Йўқса бошдин мунча ғам ким менда бордур, кимда бор.  
Кўйма миннат ким, юзумдек пок юз ҳеч кимда йўқ,  
Бўйла ишқи пок ҳам ким менда бордур, кимда бор.  
Бахти ул ой қасриға қўймас йўқса дўди оҳдин,  
Бу каманди<sup>27</sup> ҳам-баҳам ким менда бордур, кимда бор.  
Қалб рўйандуд<sup>28</sup> ила бай'и этма васлин, эй кўнгул,  
Доғдин мунча дирам<sup>29</sup> ким менда бордур, кимда бор.  
Бор экин вобастай тавфиқ, йўқса эй рафиқ,  
Бу қадар шавқи ҳарам ким менда бордур, кимда бор.  
Эй Навоий, гарчи журумум<sup>30</sup> кўп турур йўқса, бу нав'  
Хисрави соҳиб карам ким менда бордур, кимда бор.



Бизнинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,  
Маломат даштида овора бўлмиш.  
Анга бас ким ёғор тош устида тош,  
Танида ёра узра ёра бўлмиш.  
Урарда дам-бадам хораға<sup>31</sup> бошин,  
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмиш.  
Бало тоғи аро ётқонда бемор,  
Хирад санжоби<sup>32</sup> хору хора бўлмиш.  
Қаро қилди нечук ким рўзгорим,  
Анинг ҳам рўзгори қора бўлмиш.  
Қадаҳ хуршиди қони ким ғамидин,  
Сиришким кавқаби<sup>33</sup> сайёра бўлмиш.

<sup>24</sup> Шарора — учқун, ёлқин.

<sup>25</sup> Риоят — хоҳиш, истак.

<sup>26</sup> Мазраи — зироат қилинадиган, экин қилинадиган жой.

<sup>27</sup> Каманд — белбоғ, камар.

<sup>28</sup> Рўйандуд — юзаки қараш.

<sup>29</sup> Дирам — танга.

<sup>30</sup> Журм — гуноҳ, айб.

<sup>31</sup> Хора — тош.

<sup>32</sup> Санжоб — мўйна.

<sup>33</sup> Кавқаб — юлдузлар

Навоий чорадин кўп дема сўзким,  
Фамингта чорасизлиқ чора бўлмиш.

\* \* \*

Баҳор андоқки булбул гулузори тоза истармен,  
Ким ул гулбонг ила ўзни баланд овоза истармен.  
Чу ул гул тоза-тоза ўт солур кўнглум аро, мен ҳам  
Ул ўтдин кўкрагим доғини тоза-тоза истармен.  
Чу йўқ андоза ишқим бирла шавқимга ул ойни ҳам,  
Жамолу меҳр ойинида беандоза истармен.  
Эритсам гар кўнгул чоки учун пайконларин<sup>34</sup>, тонг йўқ,  
Темурдин бу хисори<sup>35</sup> дард учун дарвоза истармен.  
Узори шавқи тифидин ўлуб қонлиғ кафан бирла,  
Анинг ҳар торидин ҳавро юзига ғоза<sup>36</sup> истармен.  
Фироқинг ичра розимен фалак жисмим уйин йўқса,  
Хилофи одат уй вайрон қилурга коза<sup>37</sup> истармен.  
Навоий назмининг авроқи<sup>38</sup> зулфингдек паришондор,  
Анинг жилдиға сунбул торидин шероза<sup>39</sup> истармен.

\* \* \*

Хил'атин<sup>40</sup> то айламиш жонон қизил, сориғ, яшил.  
Шу'лайи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориғ, яшил.  
Гулшан эттим ишқ саҳросин самумий<sup>41</sup> оҳдин,  
Ким эсад ул дашт аро ҳар ён қизил, сориғ, яшил.  
Шишадек кўнглумдадур гулзор ҳуснунг ёдидин,  
Тобадоннинг<sup>42</sup> аксилик алвон қизил, сориғ, яшил,  
ЛА'лигун май тут ки олтун жом бирла сабзада,  
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил.  
Фақр аро беранглик душвордур беҳад валек,  
Хирқада<sup>43</sup> тикмак эрур осон қизил, сориғ, яшил.  
Эй Навоий, олтину, шангарфу<sup>44</sup>, зангор истама,  
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориғ, яшил.

<sup>34</sup> Пайкон — ўқ, ўқ ёйнинг ўқи.

<sup>35</sup> Хисор — қўргон, қал'a.

<sup>36</sup> Ғоза — пудра, упа.

<sup>37</sup> Қоза — чайла.

<sup>38</sup> Авроқ — варақлар.

<sup>39</sup> Шероза — китоб муқаваси учун ишлатиладиган ипак, китоб саҳифаларини, варақларини бирлаштириш учун ишлатилиди.

<sup>40</sup> Хил'ат — қиёфа, ташки кўриниш.

<sup>41</sup> Самум — иссиқ шамол, гаримсар. (Самумий оҳдин — самум сингари иссиқ, дудлни оҳдин).

<sup>42</sup> Тобадон — эшик тепасидаги уйга ёриқ тушиши учун ишланган панжара.

<sup>43</sup> Хирқа — тўн, кийим.

<sup>44</sup> Шангарф — очқизил ранг.

## ҚИТ'АЛАРИДАН

Кымки махлук<sup>45</sup> хизматиға камар,  
Чуст этар, яхшироқ ўшалса бели.  
Күл қовуштурғучы бу авладур,  
Ки анинг чиңса эгни<sup>46</sup>, синса али<sup>47</sup>.  
Чун хушомад демакни бошласа, кош  
Ким тутилса дами, кесилса тили.

\*

Қамол эт қасб ким олам уйидин,  
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.  
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ<sup>48</sup>,  
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

\*

Умрин аблаҳ кечуруб ғафлат ила,  
Нұкта ўрниғаки тортар хуррос.  
Бир эшакдурки тағофил юзидин.  
Қилғай изҳор паёпай аррос<sup>49</sup>.

\*

Жаҳон ганжиға<sup>50</sup> шоҳ эрур аждаҳо,  
Ки ўтлар сочар қаҳри ҳангомида<sup>51</sup>,  
Анинг коми<sup>52</sup> бирла тирилмоқ эрур,  
Маош айламак аждаҳо комида<sup>53</sup>.

\* \* \*

Фалонға ажаб ҳол эрур ким халойиқ,  
Не қылса алар бирладур можароси.  
Сола олмас әл ошиға бир нахуд<sup>54</sup>, гар  
Тузулмас анинг бирла ул әл ароси<sup>55</sup>.

<sup>45</sup> Махлук — паст одам.

<sup>46</sup> Эгни — елкеси, кипти.

<sup>47</sup> Али — құл.

<sup>48</sup> Биайниҳ — сингари, ўхшайды.

<sup>49</sup> Қит'анинг мазмуны: билим олиш, ма'лумот, фикр (нұкта) тұплаш ўрниға тағфлат үйқисида ётиб ўз умрини бекорға ўтказучи нодон, аблаҳ одам, ҳанграшдан бошқа нарсани билмайдыган эшакка ўхшайды.

<sup>50</sup> Ганж — хазина, бойлик.

<sup>51</sup> Ҳангом — вакт, фурсат (қаҳри ҳангома — қаҳр, ғазаб вақтида).

<sup>52</sup> Коми — ихтиёр, хоҳиши.

<sup>53</sup> Ком — оғиз. Бу байтнинг мазмуны: уннинг (шоҳнинг) ихтиёри, хоҳиши блан тирик бўлмоқ, я'ни шоҳ қуллиғида умр кечирмоқ аждаҳо оғзида тириклик ўтказмак блан баробардур.

<sup>54</sup> Нахуд — ноҳот.

<sup>55</sup> Бу байтнинг мазмуни: әл ошиға, әл қозонига бир ноҳот қўшиб унга ёрдамлаша олмаганидек әл блан иттиғоқда, келишүдә хам яшалмайды.

Қазон, йўқки ул анда кафир эмастур.  
Ки бўлсун юзинга қазонлар қароси.

\* \* \*

Бийик ҳимматлик элга арз ҳол эт<sup>56</sup>,  
Замири нур пош элдин суол эт<sup>57</sup>.  
Ки бор абри баҳори<sup>58</sup>, гавҳар ағашон,  
Чоқин ҳам олам аҳлиға зарафшон.

\* \* \*

Розни<sup>59</sup> аспа чунки фош эттинг.  
Яна пинҳон бўлур қилма ҳавас.  
Кўнглинг ичра нафас кибидур роз,  
Қайтмас кимсадин чу чиқти нафас.

\* \* \*

Навоий ше'ри тўккоз байту, ўнбир байту, ўн уч байт,  
Ки лавҳ узра қалам зийнат берур ул дурри макнундин  
Бу ким албатта етти байтдин ўксук эмас<sup>60</sup>, я'ни  
Таназзул айлай олмас рутба ичра етти гардундин<sup>61</sup>.

\* \* \*

Навоий тама' тухмуни сочма кўл,  
Риё ашкидин<sup>62</sup> анга сув очма кўп.  
Амал мазра'ин<sup>63</sup> эккали ер-маер,  
Ҳавою ҳавас хирманин елга бер<sup>64</sup>.

\* \* \*

Риёйи ка'бадин<sup>65</sup> дайри<sup>66</sup> фанога,  
Кириб гар бутға зоҳир қилдим иймон,

<sup>56</sup> Мисра' мазмуни: ҳикмат, фазилат эгаси бўлган одамларга арзи-ҳол қил.

<sup>57</sup> Мисра' мазмуни: кўнгли пок бўлган одамлардан савол сўра.

<sup>58</sup> Абри баҳор — баҳор ёмғури.

<sup>59</sup> Роз — сир.

<sup>60</sup> Ўксук эмас — кам эмас.

<sup>61</sup> Бу байтнинг мазмуни: Бу ше'рким, етти байтдан кам эмас, мартабада (рутбада) ва аҳамиятда ҳам етти осмондан қолишмайди.

<sup>62</sup> Ашқ — кўё ёши.

<sup>63</sup> Мазра' — экин жойи (амал мазраи — мақсад, истак, идеал экини).

<sup>64</sup> Бу байтнинг мазмуни: ўз мақсадингни, идеалингни амалга ошириш учун тақабурлик, кибр, манманлик хирманини шамолга совур.

<sup>65</sup> Риёйи ка'ба — риёкорлик ка'баси.

<sup>66</sup> Дайр — бутхона.

Мени ёзгурма, эй шайхи риёйи<sup>67</sup>,  
Агар кофир эдим бўлдум мусулмон.

\* \* \*

Килибмен онча ис'ён ким, агар дўзах аро кирсам,  
Менинг беҳад гуноҳим бирла дўзах сар-басар тўлғай.  
Худоё, афв осонроқ дурур, йўқса ғазаб қилсанг,  
Магар ким ўзта дўзах, ўзга ўт, ўзга азоб ўлғай.

\* \* \*

Ниҳоний игна санчар ёрлардин,  
Адуваш<sup>68</sup> новак афганлар<sup>69</sup> кўп ортуқ.  
Мунофиқ шева золим дўстлардин,  
Муҳолиф таб<sup>70</sup> душманлар кўп ортуқ.

\* \* \*

Фоғил ўлма назардин итса аду,  
Шам' ўчирганда ел кўрунурму.

\*

Қиши айбинг деса, дам урмагил ким ул эрур кўзгу,  
Чу кўзгу тийра<sup>71</sup> бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму<sup>72</sup>.

## РУБОИЙЛАРИДАН

Қўрутма мени томуғдин<sup>73</sup>, эй зоҳиди ях,  
Жаннат манга бўлғуси, дебон урма занах<sup>74</sup>.  
Ким дўзах анинг ёди била жаннат эрур,  
Жаннат бари сенинг бландур дўзах.

\* \* \*

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин<sup>75</sup> сени кўп севармен, эй умри азиз  
Ҳар неча ки севмак андин ортуқ бўлмас,  
Андин сени кўп севармен, эй умри азиз.

<sup>67</sup> Шайхи риёйи — риёкорлик шайхи.

<sup>68</sup> Адуваш — душман.

<sup>69</sup> Новак афганлар — ўқ отучилар. (Адуваш новак афганлар — ўқ отучи очикдан очик душманлар).

<sup>70</sup> Муҳолиф таб' — қарши, энд табнатли.

<sup>71</sup> Тийра — қора, қоронғу.

<sup>72</sup> Зоҳир айламоқ — ёён қилмоқ, кўрсатмоқ.

<sup>73</sup> Томуғ — дўзах, жаҳаним.

<sup>74</sup> Занах — энгак, бу ерда лоф ма'нисида, урма занах — лоф урма демакчи.

<sup>75</sup> Сондин — саноқдан, ҳисобдан, беҳисоб, чегарасиз, севаман демокчи.

Эй боди сабо<sup>76</sup>, агар ҳаво айлагасен<sup>77</sup>,  
Гулшанға етарни муддао айлагасен.  
Сарв олида ер ўпид дуо айлагасен,  
Гул қошида қуллуғум адo айлагасен<sup>78</sup>.

## МАСНАВИЙ

(Парча)

«Маснавий» номи блан юритиладиган бу асар аслда шे'ри мактубдир. Алишер Навоий бу мактубни, ўз ватанини ташлаб кетишга ва турли ерларда дар-бадар кезиб юришга мажбур бўлган дўсти Сайд Ҳасан Ардашерга 1460 йилларнинг ўрталарида Ҳиротдан ёзди. Сайд Ҳасан Ардашер замонасининг катта олими ва шоири эди. Мактубда ишора қилинган ба'зи воқиалар шуни кўрсатадики, Алишер Навоий бу мактубда Хуросоннинг Абу Сайд Мирза ҳукмронлик қилган (1466 — 69) даврини тасвири қиласди. Навоий, бу даврда мамлакатнинг хароб бўлганини, халқининг жабру-зулм остида эзилганини чуқур қайғу блан билдиради. Шу блан бирга, дўсти Ардашерга ўз шахсий ҳаётининг чексиз оғир бўлиб, та'қиб остида қолганидан дарак беради ва «тарки ватан» («жуз жило») қилишдан бошқа чораси қолмаганини айтади. Бу мактуб XV асрнинг 60 йилларидаги мамлакат аҳволини ва Навоийнинг таржими-и ҳолини ўрганиш нуқтаи назаридан ниҳоятда қийматлидир.

Аён бўлғай олингда ҳангомаи,  
Битимак<sup>79</sup> манга фарз эди номаи.  
Санга ҳолатимни аён айламак,  
Бу азмим вужуҳин<sup>80</sup> баён айламак.  
Манга неча нав' ўлди бечоралиқ,  
Ки олимға тушти бу оворалиғ.  
Бир ул ким чу сўздиндур инсон шариф.  
Чу ҳайвонға сўз йўқтур улдур касиф<sup>81</sup>.  
Кўнгул дуржи ичра гуҳар сўз дурур,  
Башар гулшанида самар сўз дурур.  
Эрур сўз фалак жисмининг жони ҳам,  
Бу зулмотни обиҳайвони ҳам,  
Агар жон эмас бас недур ким масиҳ,  
Ўлук тиргузур деб қаломи фасиҳ<sup>82</sup>.  
Агар обиҳайвон эмас бас нечук,

<sup>76</sup> Боди сабо — тонг шамоли.

<sup>77</sup> Ҳаво айламоқ — кўтарилимоқ, қўзғолмоқ, учмоқ.

<sup>78</sup> Адо айламоқ — айтмоқ, бажармоқ.

<sup>79</sup> Битимак — битмоқ, ёзмоқ.

<sup>80</sup> Вужуҳ — важҳлар, сабаблар.

<sup>81</sup> Касиф — қалин, қуюқ, дағал, қўпол (латиф сўзининг зидди).

<sup>82</sup> Фасиҳ — фасоҳатли, чиройли, жалб этучи, (қаломи фасиҳ — жалб этучи сўз).

Топар жон зулолидин онинг ўлук.  
Не бўлгай анинг васфида эл сўзи,  
Ки ҳарне ки дерлар эрур чун ўзи.  
Бу сўз ки оғаринишдин<sup>83</sup> ашраф<sup>84</sup> дурур,  
Анинг доғи мовзуни алтаф<sup>85</sup> дурур,  
Жавоҳир неча хўбу дилкаш эрур,  
Вале назм силки аро ҳуш эрур.  
Сўз ичра ки ялғон, эрур нописанд,  
Чу назм эттилар, қилди доно писанд.  
Мен ул мен ки то турк бедодидур,  
Бу тил бирла то назм бунёдидур.  
Фалак кўрмади мен киби юдире,  
Низомий киби назм аро қодире.  
Не назми дер эрсам мени дардиюк,  
Ки ҳар ҳарфи бўлгай анинг дурри пок.  
Етар тангридин анча қувват манга,  
Ки бўлмас битирига фурсат манга.  
Бу майдонда Фирдавсий ул қурд эрур,  
Ки гар келса Рустам жавобин берур.  
Рақам қилди фархунда<sup>86</sup> «Шаҳномаи»  
Ки синди жавобида ҳар хомаи.  
Мусалламдурур зоҳираи ул иши,  
Ки ма'разга<sup>87</sup> келмайдурур ҳар киши.  
Деди ўз тили бирла ул кони танж:  
Ки си сол бурдам ба Шаҳнома ранж<sup>88</sup>.  
Ани дерга бўлса қачон рағбатим,  
Эрур анча ҳақ лутфидин қувватим.  
Ки ҳар неча нутқ ўлса қоҳил сарой<sup>89</sup>,  
Битигоймен ўттуз йилин ўттуз ой.  
Агар хосса ма'ни гар иҳом<sup>90</sup> эрур,  
Анинг кунда юз байти халвом эрур,  
Вале айт, деб ким манга тутти юз,  
Ки мен юз учун демадим икки юз.  
Не юз, не ики юз ки бу килки<sup>91</sup> тез,  
Аторуд била қилса зоҳир ситиз.  
Анинг сайри бир давр охир бўла,  
Фалак не латойифдин эткай тўла.

<sup>83</sup> Оғариниш — яралиш, бун'ёдга келиш.

<sup>84</sup> Ашраф — шарафли.

<sup>85</sup> Алтаф — энг латиф, энг иозик, энг мулоим.

<sup>86</sup> Фархунда — баҳтли, олижаноб.

<sup>87</sup> Ма'раз — нишона.

<sup>88</sup> Мисра'нинг мазмуни: «Шаҳнома» устида ўттиз йил машаққат чекдим.

<sup>89</sup> Қоҳил — суст (қоҳил сарой — суст куйловчи).

<sup>90</sup> Иҳом — ваҳимага солиш.

<sup>91</sup> Килк — қалам.

Бирав бўлса бир ишда бу нав' фард,  
Вале кўрмаса баҳра юз ранжу дард.  
Бўлуб Қоф важҳи<sup>92</sup> маошиға кон,  
Мураббиси анқоға ҳам ошиён.  
Үйи нотавон кўнгли янглиғ бузуқ,  
Бу ўй ичра андуҳу ғам озуқ.  
Майи базми барча юрак қонидин,  
Суруди ҳазин кўнгли афгонидин<sup>93</sup>.  
Десаким толай эски пулдин фароғ,  
Топилмай жуз а'зосида янги доғ.  
Маишат учун орзу қиласа сийм<sup>94</sup>,  
Ани топқай аммо эсарда насиим<sup>95</sup>.  
Киши жинси мулкида мардум гиё,  
Дирам сун'и авзо'ида кимиё.  
Киши бўлса андоқки, ўтти мақол,  
Бу янглиғ кишига бу нав' бўлса ҳол.  
Нечук майли оворалиқ этмагай?  
Бошин олибон бир тараф кетмагай?  
Яна бир буқим, зоҳир ўлмиш манго,  
Ки, чиқмиш Хуросон элидин вафо.  
Вафо азм айларда бўлмиш магар.  
Сахою муруват анга ҳамсафар<sup>96</sup>,  
Бу уч фи'л чиккоч ородин тамом,  
Яна бўлмиш уч фи'л қойим мақом.  
Вафо ерида зоҳир ўлмиш<sup>97</sup> нифоқ,  
Сахо ўрнида бухл<sup>98</sup> тутмиш висоқ<sup>99</sup>.  
Муруватқа бўлмиш ҳасад жойгир<sup>100</sup>,  
Зиҳи хуш элу мулкати дилпазир.  
Не мулку, не эл, энди таҳрир этай,  
Алар холатин васф бир-бир этай.  
Дема мулк ким вахшат обод зишт<sup>101</sup>,  
Тамуғ билгуруб ғойиб ўлгоч биҳишт.  
Тамошосини ким ки бунёд этиб,  
Сипохону рай мулкидин ёд этиб.  
Хисори аноу тааб маҳбаси,

<sup>92</sup> Қоф — важхи — қоф тогининг нарсалари. Навоий, ағсонавий қоф тогининг  
айқ бойликлари тириклигим манба'и бўлди демакчи.

<sup>93</sup> Байт мазмуни: Навоий уз ахволини шарҳлаб дейди, базмда ичадиган майн  
юрак қонидан, айтадиган куйи ҳам, кўнглида фион бўлгани учун, қайгули мунглич.

<sup>94</sup> Сийм — кумиш, пул.

<sup>95</sup> Насиим — шомол.

<sup>96</sup> Ҳамсафар бўлган — биргалашшиб сафар қилган.

<sup>97</sup> Зоҳир бўлмоқ — пайдо бўлмоқ.

<sup>98</sup> Бухл — баҳиллик.

<sup>99</sup> Висоқ — турар жой, ўрин.

<sup>100</sup> Жойгир бўлмоқ — жойлашмоқ, ўринлашмоқ

<sup>101</sup> Зишт — ярамас, ҳунук.

Сиях чолдин тиіфаруроқ баси<sup>102</sup>.  
 Імортотида ганждин йұқ асар,  
 Хазона хароба бұлуб сар-басар.  
 Мажосидда тоат била нур йұқ,  
 Ҳавониқда нон расми дустур йұқ.  
 Ҳам овқағни<sup>103</sup> садр амлек этиб,  
 Вале май учун күпракин ток этиб.  
 Ҳам эл манзилин шаҳ катакдек бузуб,  
 Товуғ ўрниға чуғз<sup>104</sup> ўлтурғузуб.  
 Мадорисда<sup>105</sup> илму салоҳу яқин,  
 Аннингдек ки дайр ичра ислому дин.  
 Қүнгүл жам'и аҳли муножот аро.  
 Аннингдек ки тақви харобот аро.  
 Элида кишилиқдин осор йұқ,  
 Шароратдин<sup>106</sup> ўзга падидор йұқ.  
 Не эл, не киши балки шайтону дев,  
 Қелиб барчаға да'б бедоду рев.  
 Бўлуб ломакон сатҳидин ҳонлари,  
 Адам<sup>107</sup> мулки буғдойидин қонлари.  
 Қаро пул учун айлабон қатл фан,  
 Улуктиң тама' айлаб аммо кафан.  
 Не вайронда эски таноби билиб.  
 Йилон соғиниб ганж да'ви қилиб.  
 Кизил олтун истаб қаро тоштин,  
 Фалак гўйи бир дона ҳашхоштин<sup>108</sup>.  
 Тутилса бирав ўғридуң деб жучун,  
 Тутубон иликлик кесмак учун.  
 Үлум келса бир зори бедил сари,  
 Мадад айлабон лек қотил сари.  
 Ҳирот аҳлиң элтиб ҳаводис ели,  
 Эсиб дай<sup>109</sup> елидек Самарқанд эль.  
 Бу мулк аҳли ул элга зору асир,  
 Бўлуб наҳ бу яғмо қалилу<sup>110</sup> касир<sup>111</sup>  
 Манга бу эл ичра не бир ҳамдами,  
 Ки бирдам иковлон дейишсак ғами.

<sup>102</sup> Байт мазмуни: қал'аси (құрғони) машаққат, қайынчалық қамоқхонаасы бўлиб, қоронғы қудуқдан ҳам баттарроқдир.

<sup>103</sup> Авқоф — вақфлар.

<sup>104</sup> Чуга — бойқуш.

<sup>105</sup> Мадорис — мадрасалар.

<sup>106</sup> Шарорат — ёмонлик.

<sup>107</sup> Адам — йўқлик (одам мулки — йўқлик ўлкаси).

<sup>108</sup> Ҳашхош — кўкнори.

<sup>109</sup> Дай — қиши, қиши чилласи.

<sup>110</sup> Қалил — оз, кам.

<sup>111</sup> Касир — бўлак, парча-парча.

Не шохики топса ишим ихтилол<sup>112</sup>,  
Мадиҳига күргузгамен иштиғол.  
Не бир аҳли давлатдин анча умид,  
Ки андин наво тобса бир ноумид.  
Не важҳи маоши муқаррар манга,  
Ки бўлғай фароғи мұяссар манга.  
Не бир ҳужра ким ком топқай<sup>113</sup> күнгул,  
Дами анда ором топқай күнгул.  
Не бир шўх васлиға ул моядаст,  
Ки азмим оёғига бергай шикаст.  
Не ёрики раижимни қилғай қабул,  
Не зорики ҳажримдин ўлғай малул<sup>114</sup>.  
Етишса ўлим ранжи беморлиғ,  
Сув бергунча қилмай бирав ёрлуғ,  
Сув бермак не ким, зоҳир айлаб ғулу<sup>115</sup>,  
Олурға агар бўлса жонимда сув.  
Сен эдингки, ҳар ишда ёрим эдинг,  
Не ғамки етар ғамгусорим эдинг.  
Сени ҳам сипеҳри мухолиф мазоқ<sup>116</sup>,  
Ўкуш<sup>117</sup> рөв ила солди мендин йироқ.  
Биравгаки юз қўйса мунча бало,  
Не бўлғай анинг чораси жуз жоло<sup>118</sup>.  
Заруратки ясаб сафар баргини,  
Тушуб йўлга қилғай ватан таркини.

---



<sup>112</sup> Ихтилол — визо' жавжал, аралашиш.

<sup>113</sup> Ком топмоқ — мақсадга етмоқ.

<sup>114</sup> Малул бўлмоқ — малол келмоқ, зерикмоқ.

<sup>115</sup> Ғулу — ҳужум қилиш, ғалаба қилиш.

<sup>116</sup> Мазоқ — осмон, кўк. (мухолиф мазоқ — тескари, қарши, душман, осмон).

<sup>117</sup> Ўкуш — кўп, зиёда, беҳад.

<sup>118</sup> Жало — ватанин тарк қилиш (жуз жало — ватанин тарк қилишдан бошка).

## УЙГУН

### ФАРХОД ШЕРЛАРИДАН

#### 1 СЕПОЯЧИ

Даҳшат солар ашаддий совуқ,  
Қор қуюни, бўрон авжида.  
Ерга тушмас туф, деган тулук,  
Муз чайқалар дар'ё мавжида...

Сепоячи сув кечиб белдан,  
Дар'ё блан ўйнар басма-бас.  
Чайқатади кўксига дар'ё,  
Гумон қилиб уни хору-хас.

Ютмоқ истаб қа'рига дар'ё,  
Урилади нуроний юзга.  
Уни бўрон ва қор қуюни  
Айлантироқ истайди музга.

Аммо сра бўй бермайди у,  
Олов чақнап икки кўзида.  
Юзлаб Фарҳод, минглаб арслоннинг  
Кучини ҳис қилас ӯзида.

Чекилади унинг зарбидан  
Бўрон, совуқ, қутирган дар'ё.  
Мардонавор ҳамлаларидан  
Ҳал бўлади асрий муаммо.

Аммо барча ҳайратда эди:  
Сепоячи; мудҳиш, бағри тош —  
Сирдар'ёнинг муз тўлкунига  
Қандай қилиб бералди бардош?

Сувда туриб тенгсиз совуққа,  
Қаңдай қилиб бераолди тоб?...  
Ватан ишқи, халқ ишқи уни  
Қыздирарди. бўлиб офтоб!...

## II. ЮЛДУЗЛАР...

Ойдин кеча... Дар'ё оқар ярқираб,  
Хўб тўлишган ёз туннинг жамоли.  
Ишдан бўшаб дам олади йигит, қиз,  
Ором берар Сирдар'ёнинг шамоли.

Чор атрофда қизиб борар тунги иш...  
Аммо ҳали Сир қўйнида ухлар нур.  
Шу сабабдан қиз кўзига ҳар юлдуз,  
Энг мунаввар маш'ал бўлиб кўринур.

## Қиз

Бунча ҳам кўп бугун кўкда юлдузлар!  
Жилвалари мафтун этар кишини.

## Йигит

Кўкдаги бор юлдуз чиқмиш, тамошо —  
Кимоқ учун фарҳодчилар ишини.

## Қиз

Ғоят гўзал! Юлдузларнинг ҳуснига,  
Тикиламан ҳавасларим қонгунча.

## Йигит

Мен аминман, гўзаллиги фалакнинг  
Фарҳод ГЭС нинг чироқлари ёнгунча...

1947 йил



ҚУДЛУС МУҲАИМДИЙ  
КОЛХОЗ БОҒБОНИ

Мичурин бобом каби  
Ма'дали бобомлар ҳам  
Боғ ичиди мунгкиллаб,  
Қўлда қайчи дамо-дам,  
Қистирган белга болта,  
Ёнида уруғ халта,  
Ниҳолларини хиллаб  
Пайванд солади дидлаб.  
Набирасини эртиб,  
Тажрибасин ўргатиб,  
— Манави дарахт беҳи,  
Тарс-тарс ёрилиб зөҳи,  
Та'ми хушхўр қимизак,  
Асл пайванди ўзак.  
Анави бодом, ёнғоқ,  
Мағзи болам сариф ёғ.  
Бу қатор пахта олма,  
Меваси пашмак ҳолва.  
У қатор қора гилос,  
Мураббога пором, мос.  
У ёқалов ион-жийда,  
Магиздек ширин жуда.  
Анавиёқ шафтозизор,  
Биркам ўттиз хили бор,  
Мушак, луччак, зарғалдоқ,  
Анжир, кўк пишар, ҳам оқ.  
Үёғи нашвоти нок,  
Орқаси узумзор ток.  
Ҳаммасини шу қўлим  
Блан экканман ўғлим.  
Силар соқол мўйлабин,  
Тўлдириб оғзи-лабин,  
Дер—боғни ўрни бир вақт,  
Гиёҳ унмаган бебаҳт  
Сув чиқмас тақири қия,

Юрмон, каламуш уя,  
Номи эди Шўртепа.  
Деса мумкин гўртела.  
Колхозимдан айланай,  
Ёрдам берди ҳарқалай.  
Қўпни кучи мўл экан,  
Ўғлим меҳнат гул экан,  
Юз метр баландликка,  
Ўша Шўртепаликка  
Бўғиб солдик анҳорни,  
Қазиб ариқ-канални,  
Ағдарма қилиб қирни,  
Ростлаб ўнқир-чўнқирни,  
Сув йўлин очдик равон,  
Яшнади чўлу явон.  
Инженери ўлмасин,  
Қўл-кўзи дард кўрмасин.  
Ариқни хўп ўхшатди,  
Хунарини ишлатди.  
Шўртепа бўлди сероб.  
Сувлар оқди шарқираб.  
Тепага тикдим капа,  
Қирни қулатдим чаппа.  
Шудгор қилиб текислаб,  
Кечакундузи ишлаб,  
Бирин-сирин экдим кўчат,  
Раис блан ўйнаб шарт.  
Беш йилда боғ қиласман,  
Олмазор, ток қиласман.  
Раисжон шошмай туринг,  
Эл оғзи ёғ қиласман,  
Болалар берди ёрдам,  
Файратда бобо ҳардам.  
Тилакка етди, ахир  
Бўстон бўлди шўрхок тақири.

ЖЕЙМС ГОУ ва АРНОД Д'ЮССО

## ЧУҚУР ИЛДИЗЛАР

Уч парлали пьеса

ИШТИРОК ЭТУЧИЛАР:

Гоней Тернер, негр қиз, чўси.  
Белла Чарлз, негр хотин, Лэнгдонлар оиласида оқсоч.  
Элсуорт Лэягдон, сенатор.  
Женевра Лэнгдон, кенжак қизи.  
Алиса Лэнгдон, катта қизи.  
Гоуард Меррик, ёзучи.  
Рой Максуэлл, Лэнгдонларнинг қариндоши, юрист.  
Бретт Чарлз, негр, иккичи жаҳон урушининг ветерани.  
Саркин, шериф.  
Чак Уоррен.  
Боб Айзи.

## БИРИНЧИ ПАРДА

Жавубий штатлардан бирининг кичкинагина шаҳарчаси четига тушган Лэнгдонлар уйидаги меҳмонхона. 1945 йил баҳори.

Енгилгина арқа ҳосил эт кас учта катта деразалар кариб саҳна орқасининг чап томонини банд этган. Дераза ойнилари айвонга очилган, деразадан гуллар чулғаб олган чиройли темир панжара, чўян стуллар блан столлар ҳамда печак гуллари ўраб олган тош зинапоянинг бир қисми сал кўриниб турибди. Айвон орқаси беғ, кўјинмайди.

Олдинда, чап томонда, устига мармар қопланган сервант (буфет)да вино куйилган хрустал графивлар кўриниш турибди. Бунинг устига Томас Сэлли ишлаган полковник Роберт Лэнгдовининг портрети осиглик, у ҳарбий формада.

Саҳнанинг ўртасида холлга олиб чиқзидиган арка. Чиройлик зинапоянинг тўртбеш погонаси кўриниш турибди. Зинанинг чап томонидә эшик, лекин кў-

<sup>1</sup> Қисқартирилган, Ҳамза номли Ўзбек Академик драма театри томонидан кўйилаётган варианти.

риммайди; зинапоянинг ўнг томонида уйният ичкарисига кирадиган бошқа бир эшик. (Бу ҳам кўринмайди).

Саднанинг ичкарисида, ўнга, бир вақтлар кутубхона бўлиб ҳозирда сенатор ётоқхонасида айлантирилган, уйга кирадиган эшик.

Ўй ясадоқ, қадимий ва гўзал мебиллар. Бир катта диван, унинг олдида кофе столаси; ёнинг кичкина столча кўйилган кресло. Яна бошқа бир стол, суючиқлари баланд учта стул. Ёзув столи. Ёнида қофоз ташлайдиган чарм сават; мана шу ст олга боллаб телефон жойлаштирилган, бу ҳам кўринмайди. Қимматбаҳо буюмлар ва ўтмишдан хотира бўлиб қолган нарсалар: бронза соат, қариндошларининг суратлари, бир вақтлар Париждан олиб келинган, ҳозирда эса, электр лампаларига мосланган керосин лампалар; ҳаммаси жой жойига дид блан кўйилган. Ўй бисоти ва унинг савлати бу ерда ан'аналарга эга бўлган бадавлат оила турганидан хабар беради.

Парда очилиши блан меҳмонхонага жушрўйгина, йигирма ёшларда бўлган негр қиз қўлида ёрталабки газета блан кириб келали газетани столга кўйга чиқиб кетмоқчи бўлади, кўзи пастаккина тувакдаги оқ гулга тушиб тўхтаб қолади. Қиз гулдан бирини узиб олиб чаккасига тақади ва, ёзув столи устида турган кичкина ойнага караб, ўзига жуда маҳлиё бўлади. Кейин кўлларини биқинига кўйиб жилмаяркан, ўзиги жуда қичик ва ниҳоятда танноз фаҳмлайди. Узоқ ойнага тикилади.

Холлдан чиқиб келган Белла Чарлзунинг киликларини тамоша қилиб туради. Белла — эллик ёшлардаги негр хотин. Белла Лэнгдонлар оиласида йигирма тўрт йилдан бери яшайди ва бу оиласда анча қалр-қиммат топган бўлиб буни ўзи ҳам билади. Шунинг учун ўзини викор блан тутади. Эгнида оқиш пальто, бошида шляпа; Белла кўчага чиқиш тараадусида.

Белла. Ўзингга муンча маҳлиё бўлмасанг, қоқиндавқ?

Гоней (бурилиб). Бугун ўғлингиз келади-ку..

Белла. Ўнгача, болохонага чиқиб ўринни йиғишириб қўярсан?

Гоней. Хўп, мэм.

Белла. Болохонани йиғишириб бўлганингдан кейин Лолле-га қарашиб юбор, бугун овқатга ўрдак пиширамиз, яхшилаб тозалаш керак.

Гоней. Хўп, мэм...

Белла. Мен кетдим. Ўғлимни кутиб олиш учун станцияга бораман. Эҳтимол, ҳарбий формада, орденлар тақиб келар, қаяқ-қа? Орқа томон блан юргин деб неча бор айтишим керак сенга?

Гоней бурглиб холи орқали чиқиб кетади; шу вақт сенатор Эл-суорт Лэнгдон кириб келади. У етмиш ёшларда бўлиб сенлари оқарган, омилона юзини қариллик ва ҳасталик ажинлари қоплаган. Ўзи бадавлат одам, бир вақтлар кучли сиёсий арбоб бўлган, энди ўтмишда бообру бўлган ҳамма одамлар синчари ўзининг қарид қолганига тан бермайди. У, қўлидаги ҳассасига суюниб чиқади, кўзларини юмилган. Эгнида қора шоҳидан жилеметка, олтин соатининг йўғон занжиси иккى томондаги чўнтакларидан осилиб туради.

Лэнгдон. Қани газета? Белла, газетани олиб кел! (Белла-ни кўриб қолиб.) Шу ерда экансан-ку.

Белла (стол устидағи газетаны олиб келиб беради). Мана газета, сенатор.

Лэнгдон. Ўғлингни күришга ошиқаяпсанми? Жексон элтиб күядими!

Белла. Шундай, сэр.

Лэнгдон. Яхши. (Креслога ўтириб газета ўқийбошлайди. Чүнтагидан чиройлик, катта күзойнак олади.)

Шу вақт зинағоядан шошғсина Женевра Лэнгдон тушиб кетади. Уйигирма иккى ёшларда, нозик, сочлари қора, чирой иккина қиз. Үзи ўйчан ва гоҳо тез. Ҳозир айни шундай кайфиятда.

Женевра. Бироз шошмай тур, Белла!

Белла. Хүп, мисс Невви.

Женевра. Мен сен блан станцияга бирга бораман.

Белла. О, йүқ, мисс Невви. Сизни боришингиз мумкин эмас.

Женевра. Бема'ни гап. Мени Бретт блан фәрләнмайды деб ўйлайсанми... Салом, ота. (Отасининг пешонасидан ўпади.)

Лэнгдон. Ташаккур.

Женевра. Кетдик, Белла.

Лэнгдон. Невви... (Женевра тўхтаб қолади.) Менимча станцияга бормасанг ҳам бўлади.

Женевра. Нима учун?

Лэнгдон. Қора одамни кутиб олиш учун ҳечким станцияга чиқмайди, агар буни эсингга солиб ўтсам Белла мени афу этар...

Женевра. Нима, одамлардан андиша қиласанми? Бечора сенатор Лэнгдон!

Лэнгдон. Бормайсан дедимми, бормайсан.

Женевра. Кечир, ота, бормасам бўлмайди... Агар бу бошқаларга ёқмаса на чора, гап қилишса қилишар, кетдик Белла. (Белла ҳайрон қараб қолади.)

Белла. Биз эҳтиёт бўламиз сенатор. Станцияда Неввани машинадан туширмайман. (Белла Женевра орқасидан чиқиб кетади. Лэнгдон кўзойнагини тақиб газета ўқишига тутиқади.)

Алисанинг товуши (зинағоядан). Эртанд ҳайрли бўлсин.

Белланинг овози (холлда). Сизники ҳам мисс Алиса!

Зинағоядан Алиса Лэнгдон тўшиб келади. Алиса ўптиз иккى ёшда, истараси иссиққина жусон. Үзига ишончи зўр ва ончагина меҳри-шафқатли аёл.

Алиса. Яхшимисан ста? Гоуард қаёқда?

Лэнгдон. Сўнгги ахборотларга кўра, айвонда ионушта қилаётган бўлса. Бу шамолликларнинг ғалати одати бўларкан, қизиқ, овқатни ялангда ейишади. Уларга на чибин халақит (ериди) яна пашша.

Алиса (отасининг бетидан ўтиб). Қалай, отажон, тузукмисан ўзинг? Бу қадар ажойиб кун бўлмаганига ҳам анча бўлувди.

Лэнгдон. Ўлгудай хунук, ғсят иссиқ, ўтган кунлардан ҳеч фарқи йўқ. Синглинг Бреттни кутиб олгани станцияга кетди.

Алиса. Невви?!

Лэнгдон. Ха.

Алиса. Бу бизга бирор кор-хол етказадими?

Лэнгдон. Демак сен буни ма'қул күрасан?

Алиса. Албатта йүқ. Яхши бўлмапти. (Кўча эшигининг қўн-ғироги чалинади.) Эй худоёб, бўлса-бўлмаса бу Рой! Уни жинимдан баттар ёмон кўраман, нега бугун каллаий саҳарлаб келди экан? (Генгий ходдан ўтиб кетади.)

Лэнгдон. Агар ҳечким очмаса, балким қайтиб кетар.

Максуэллниң товуши (холлдан). Салом, Гоней!

Максуэлл Рой киради. У қирқ беш ёшларда, икки юзи қип-қизил, „қаерга кирсам ҳурматим баланд, мени ҳамма қабул қиласди“ деган ўзига шончи зўр, маҳаллий жамоат ўртасида „куч“, кундан-кун обрўйи ошиб бораётган адвокат.

Алиса. Салом, азизим Рой!

Максуэлл. Азизим Алиса, кундан-кун очилиб кетаяпсан.

Алиса. Киравер Рой. Сени, келармикин деб чап қовоғим учаятувди.

Максуэлл. Қотирдинг. Биз жануб аёлларининг мана шу қилиқлари учун яхши қўрамиз-да... Салом, сенатор! Ўз оёғингиз блан юрганингизга хурсандман.

Лэнгдон. Кўп курки товуқдай қақақлайберма.

Максуэлл. О, бугун дейман, жуда кайфлари чоққа ўхшайди.

Лэнгдон. Хўш, бугун кимнинг жўжасини шўрвангга босдинг? Сенинг асабий, заиф каллангга яна қанақа ташвиш тушиб қолди?

Максуэлл. Ҳазилни ҳам боплайсиз, ҳақ гапни гапирдингиз. Бир савоб иш қилиб қўяй деб келдим. (Алисага.) Букун негриңгиз Бретт келадими?

Алиса. Шундай.

Максуэлл. Мен бир гап айтмоқчиман, бундан мамнун бўларсан, деб ўйлайман. Сен унга кўп яхшиликлар қилдинг, дорил-фунунни тамомлашга имкон бердинг, яна нималарни дир ҳам қилдинг...

Алиса. Жуда соз. Қани айт, нима гап ўзи?

Максуэлл. Кеча меникига поп Ричардсон келди. (Лэнгдонга.) Сиз уни танимайсиз, сенатор, у бу ердаги негрларнинг ҳаммасидан кўра бизга садоқатлироқ киши. (Алисага.) У, мендан: Бреттни негрлар мактабига директор қилиб тайинласак, бунинг учун мактаб кенгашининг бошқа а'золари ўртасида бўлган обрўйигиздан фойдалансангиз деб сўради.

Алиса. Буни ўзи айтдими?

Максуэлл. Биз Ричардсон блан шундай қилсак деб ўйловдик. Шундай қилиб, кеча кечқурун мактаб кенгашининг мажлиси бўлди, Бреттни директор қилиб тайинлашни таклиф қилдим. Табиий, ҳечким қарши бўлмади.

Лэнгдон. Азиз меҳрибоним Рой! (Алисага.) Бу гал сенга мактаб кенгашини пеш қилиб келибти-да.

Алиса (*Лэнгдоннинг сўзига э’тибор бермай*). Жуда оқилона иш қилибсан, Рой.

Максуэлл. Хурсанд бўлишингни олдинданоқ билувдим. Ахир, обрўйимизни шаҳарда мана шунаقا ишлар оширади-да.

Алиса. Афсуски, бу ишга Бретт боромайди.

Максуэлл (*шошиб*). Тушинмайман. Мактаб директори бўлиш қора йигит учун хўрлик деб ўйлайсанми? Хўш, азиз авлиёларнинг ҳурмати, айтчи; бўлмаса уни қандай ишга чўтлаяпсан?

Алиса. У, Чикаго дорилфунунига кетади, у ерда диссертацияси устида ишлади.

Лэнгдон. Нима?

Алиса. Биохимик бўлади.

Лэнгдон (*зўрга ўрнидан туради*). Эй худоё тавба! Бир стакан вино бер.

Алиса. Ота, биласанки, сенга ёқмайди...

Лэнгдон. Жаҳаннам! Вино бер деялман сенга!

Алиса. Сервантда бироз виски бор Рой! Ўтири, ота. .

Лэнгдон. Хўш, негр ўқиш-ёзишни билиб олгани учун уни фалсафа доктори қилиш керак-экан-да.

Максуэлл (*Лэнгдонга бир стакан вино бериб*). Марҳамат, сенатор.

Лэнгдон. Раҳмат. (*Ичади, ўзини босиб олгач*.) Буни федератив ҳукумат бошлаб берди, уни офицер қилиб етиштирди. Конгресс қонунига мувофиқ, у жентелмен бўлиб қолди.... Балки Бретт ўзгаргандир, бу хаёлингга келмадими! Европада оқ одамларни ўлдириб юриб ўзгармасдан қолмас. Қонун унга оқ танли одамлар этини найза блан илма-тешик қилишга ҳуқуқ бериб қўйди. У ҳар куни оқ одамларнинг парча-парча бўлиб осмонга совурилганини, оқ башараларнинг ўлим азобида тиришиб-буришганини кўрган. Шундан кейин, унинг қора виждонига нима бўлди экан? (*уртага жисимлик чўқади*.)

Максуэлл (*асабий*). Алиса, сенинг илғор ғояларингни мендан бошқа ҳимоя қиласидиган киши йўқ бу шаҳарда. Нега энди, ўзимизнинг саводли негрларимииздан бирини аллақаётқа жўнатиб юборамиз? Агар ҳамма негрлар шимолга кетишни ўйлаб қолсалар, биз нима блан қоламиз? (*Айрон томондан Гоуард Меррик кириб келади*. У қирқ ёшда. *Новча, қадди-басти келишган, қилиқлари пойтахт кишилариникига ўшайди*.)

Алиса. Салом, Гоуард! Қалай нонушта қилдингиз?

Гоуард. Жуда соз. Бу боғда сосиска шуқадар хушбўй, кофе шуқадар тамли әдики, нимасини айтасиз. Бугун куннинг нақадар гўзаллигини айтмайсизми?

Алиса (*кулимсираб*). О, албатта, гўзал!

Лэнгдон. Обу-ҳаво тўғрисида гапни бас қилайлик энди. Мистер Меррик бу бизнинг қариндошимиз, мистер Рой Максуэлл.

Гоуард. Танишганим учун бениҳоя хурсандман.

Максуэлл (*цўталиб олиб*). Мистер Меррик, янгишмасам, сиз шимолдан, шунақами?

Гоуард. Тўғри.

Максуэлл. Ёзучисиз, шундайми?

Алиса. Бу шимоллик бўлишдан баттароқ.

Максуэлл. Шунаقا ҳамма нарсани очиқ гапириб қўядиган „ёмон“ фе'лим бор. Сизнинг сўнгги китобингизни ўқувдим... Биламанки, сиз бу ерда меҳмонсиз, беодоб бўлишни истамайман.

Алиса. Гапиравер, азизим Рой, одобсиз бўлишдан қўрқма!

Максуэлл. Раҳмат, ундаи бўлса фурсатдан фойдаланиб қолай. Китобингизни холам блаи жияним Фердинанд ҳам ўқувди.

Алиса. Бечора Фердинанд! Мен унинг саводли эканини билмас эканман.

Максуэлл. Мистер Меррик, сизнинг китобингиз бизнинг жанубга бўхтондан бошқа гап эмас. Китобингизда бир персонаж, я'ни жанубдан шимолга кетиб қолган қиз бор... Уни шундай тасвир қилгансизки... ахир бу жанубнинг барча аёлларига ўйланмай қилинган бир туҳмат-ку.

Лэнгдон. Жиян дейман, нима қиласай буни, боплаб савалайми? Е дүэлга чиқасанми? Ўз секундантини айтсии бўлмаса.

Максуэлл. Сенатор, гоҳо ҳазилингизни ҳам ҳазм қилиб бўлмай қолади.

Лэнгдон. Мен бадавлат одамман, қариндошларимга ҳам ёқаслигимнинг сабаби шу эканини кўпдан биламан. Хўш, бу китоб сени нега ташвишга солиб қўйди? Ҳозирги замонда, ҳатто жанубнинг ўз ёзучилари ҳам жанубни ҳақорат қилмоқда. Бу улар учун қулай мавқу. Улар ўзларига ёқкан икки хил афсонани рўқ-ч қилмоқдалар, ё биз, бир қўлимизга гулу, бир қўлимизга шамшир тутиб кеккайиб юрибмиз, ёки сасиган батқоқликда чириб кетаётмиз деб айю-ҳаннос тортишади. Буларнинг иккиси ҳам ёлғон! Булар орасида қандай фарқ бор?

Максуэлл (*Гуардга*). Ҳайронман, жанубга бўлган муносабатнинг шунаقا экан, айниқса жануб аёллари ҳақида демоқчиман... буёққа нега келдингиз?

Гуард. О, мен ўз ихтиёrim блан келганим йўқ. Алиса мажбур этди.

Максуэлл. Чинданми?...

Алиса. Чиндан, Рой. Нью-Йоркга борганимда бу нотаниш олифтани ўзимга ром қилиб олдим.

Гуард. Бу бир адабий зиёфатда рўй берди.

Лэнгдон. Бу адабий зиёфат деганингиз нимаси?

Гуард. Бу шунаقا одамлар йигиники, ўлгидай ичишади, маст бўлишгандан кейин зиёфат қилган ёзучининг китобини мақташади.

Максуэлл. Алиса ичмайдику.

Гуард. Шубҳасиз. (*Алисага*.) Балки шунинг учун ҳам китобим сизга ёқмаган.

Максуэлл. Китобингиз ёқмади, деб айтдими?

Алиса. Ҳа, айтдим.

Гуард. Айтганда ҳам қандай, жуда ёмон ёзучи экансиз деди. Шундан кейин, Алисани ҳам зиёфат қилишга тўғри келди ва шундай қилдим ҳам. Овқат маҳалида жануб ҳақида биз тортишиб

қолдик.. Шундан кейин Алиса мени буёққа, жанубга келишимни илтимос қилди.

Максуэлл (дахшат өлан). Нима? (Алисага бурилиб.) Наҳотки шундай қилдинг, Алиса?

Алиса. О, шундай қилдим.

Лэнгдон (Гоуардга). Мана, иккى ҳафтадан буён шуердасиз. Энди жануб ҳақидаги фикрингиз ўзгардими? Ё ҳали ҳам Ричмондни забт қилиш учун генерал Грантга ёрдам қилаяпсизми?

Гоуард. Менку, ҳа—деярдим-да. Хўш, ўзингиз нима дейсиз?

Алиса (Максуэлл блан Лэнгдонга). Кечакорун шимолдан келган мана шу шаккок меҳмон, бизни масхара қилган жанубнинг мана шу ашадий танқидчиси, батамом таслим бўлди. Биласизларми, буни таслим бўлишга нима мажбур этди? Ой нурию, оқ гуллар.

Гоуард (Максуэлла мулойи). Хўш, энди нима дейсиз, бу холангиз блан бечора қариндошингиз Фердинандни қаноатлантирадими?

Максуэлл. Ҳарҳолда, сизнинг ақилли одам эканингига уларни ишонтираман. Биласизми, гап шундаки, биз жанубни яхши кўрамиз, у блан фахрланамиз. Унга ишонамиз... Албатта, бизнинг ҳам олдимизда ўз проблемаларимиз бор, буни сизга айтиб ўтиромайман, лекин биз, сизга айтсан, буларни бажаришга ҳаракат қиласиз.

Лэнгдон. Рой келаси йилга конгрессга сайланишни чутлаб юриди. Мана шунинг учун ҳам, эрталабдан буён бу ерда машқ қиласапти.

Максуэлл. Сенатор ҳазилни яхши кўради. Тўғри, чинакам конгрессга сайланишга ҳаракат қиласман. Бунга иштиёқим зўр. Мисол учун негрлар масаласини олинг. Энди ҳозирги негрлар ҳам илгариги негрлар эмас, — қаерга қарасанг ҳарбий завод. Албатта, бу савдогарлар учун яхши, аммо, биласизми, малайликка дурустроқ негр топиб бўлмай қолди. Сўнгги тўрт ой ичida, холам бир эмас, тўртта ошпазни бўшатди. Қаттиқ-қуруқ гап қилдингми, иш тамом, ҳамма нарсани ташлаб кетиб қолишади. Уруш аҳволимизни жуда танг қилиб қўйди, оқ ёшларимизнинг кўли урушга кетди. Кўрмайсизми, биз томонда оқлардан кўра, энди қоралар кўпроқ. Бунинг нақадар оғир эканини сиз ҳам тушунарсан деб ўйлайман.

Гоуард (мулойим). Албатта, тушунаман.

Максуэлл. Мистер Меррик, бир вақтлар келиб жануб ҳақида катта бир китоб ёзарсан деган умиддаман, чинакам, ҳақоний китоб.

Гоуард. Жоним блан.

Максуэлл. Амин бўлингки, биз ҳақиқатдан қўрқмаймиз. Сиз, жануб фойдасига ишлаётган ва жанубни ҳамма учун дилбар қилишни истаётган одамлар ҳақида ёзинг. Ишимизга ёрдам беринг. Алиса ва менга ўхшаган одамлар ҳақида ёзинг. (Олисдан паровоз овози эшишилади).

Алиса. Секин Рой. Поезд келаяпти. Бретт шу поездда келди.

Максуэлл (*соатыга қараб*). Тс-тс, йигирма минут кечикиб келаяпти.

Алиса (*Максуэлни құлтықлад*). Сени кузатиб құяман, Рой.

Максуэлл (*Сүнгги марта Гоуардга*). Агар маҳаллий шароитни тушунишда сиага... ёрдам... бераолсам... (*Алиса судраб олиб қиқиб кетади*.)

Лэнгдон (*үрнидан туриб*). Тентак, манқал Түғри, бизнинг ўз олдимизда проблемаларимиз бор, аммо буларни на Рой бажараоладиу ва на Алиса. Бизга күч керак, лекин ҳозир бизда күч йүқ, күриб туривманки менга ишонмайроқ қарайпесиз. Сиз жануб аристократини Нух замонидан қолган деб ўйларсиз, балки бундан күра нодон деган сұзни ма'құлрок күрарсиз? Түғри, мен шунақаман. Фикримча тарих менга қарши. Лекин мен, то ўлгунимча олий ирқнинг тозалиги ва имтиёзи учун курашиб ўтаман.

Алиса (*үйга киради*). Отажоним, тағын бироз вино қуиб берсам ичасамми?

Лэнгдон. Ҳайронман, бугун менга жуда меҳрибон бўлиб қолдинг?

Алиса. Чунки... бугун...

Лэнгдон (*Кресләгә ўтиаркан гудраб*). Нега энди қорашақшақдай ғужраясан, тилингдан „бугун“ тушмай қолди. Алиса, орқамга бекинма.

Алиса (*штоат блан*). Хўп, отажон.

Лэнгдон. Сен бу йигитга куёвга чиқмоқчимисан?

Алиса. Ҳамма гап шунда-да...

Лэнгдон. Фаҳмлавдим-а. Эрталаб бу ерга кирганингдаæk фаҳмлавдим. Ўзи; күзинг, юриш-туришинг „мен шу йигитга тегаман“ деб турувди... Меррик, қани бери келингчи... (*Гоуард яқин қелади*.) Мен сизни билмайман. Ота-онангизни ҳам танимайман. Билишимча ота-боболарингиз лўлилардан бўлса керак. Броқ, энди бундай нарсаларнинг аҳамияти қолмади. Сиз қизимга ўйланмоқчимисиз? Пул учумми?

Гоуард. О, пул менинг учун икки пул.

Лэнгдон. Ёзган китобларингизга пул тўлашадими?

Гоуард. Агар романимда иштирок қилганлардан бирортаси „йўқ“ деб қўйса, мана шу сўзининг ўзи уч доллар туради. Қани айтингчи, сэр, пул тўғрисида бу қадар кўп гапириш аристократга ярашадими?

Лэнгдон (*Алисага кўз қирини ташлаб*). Гапга анча чечан. (*Гоуардга*) Сиёсий ақидангиз?

Гоуард. Демократман.

Лэнгдон. Жуда соз. Илгари ўйланганмисиз?

Гоуард. Ҳа, ўйланувдим.

Алиса. Нега буринроқ айтмадинг менга.

Гоуард. Бунга жуда кўп вақт бўлди. Эсимдан ҳам чиқиб кетган эди.

Лэнгдон. Ажрашканмисиз?

Гоуард. Ү вақтлар йигирма икки ёшда әдим. Келин эса мендан ҳам ёш әди. Ҳадемай менинг прозам жонига тегди шекилли, шундан кейин, у бир ярамас шоир блан қочиб кетди.

Алиса. Гүё ҳечиарса бўлмагандай бепарво гапирасан-а.

Гоуард. Агар сен унинг бирорта поэмасини ўқиганингда әди, сен ҳам бепарво гапирав әдинг.

Лэнгдон. Назаримда, Алисани ҳам бирга олиб кетсангиз керак? Шимолда турарсизлар?

Гоуард. Бунинг зарурати йўқ.

Алиса. Балким биз, ярим йил бу ердаю, ярим йил Нью-Йоркда туармиз.

Лэнгдон. Овоққа тушганмисиз?

Алиса. Ота, суд қилмоқчимисан? Мунча дилозори бўлмасанг. Бундан кўра Гоуарднинг кўнглини кўтарадиган бошқа гап қуриб кетиптими? Ҳеч бўлмаса менга уйлангач баҳтили бўлишини айт!

Лэнгдон (ишонч блан). Тўғри, баҳтили әкан. (Алисага қараб жисм бўлиб қолади.) Бу Лэнгдонларнинг тамом бўлиши. Бу ном яна бир қанча вақт яшайди, аста-секин йўқ бўлиб кетади. Мана шундан кейин, Лэнгдонлар бир юз уч йил яшаган уй ҳам битади. (Жилемтасининг чўнтағидан катта бир занжирли соат чиқаради.) Буни сизга бермоқчиман. (Гоуард соатни олади.) Бу калитли, Юргенсон соати. Сиз бунақа соатни ҳеч кўрмагансиз. Бу отамнинг, мана бу портрети осиғлиқ турган жентелменнинг, соати әди. Сувратдаги олтин занжир ҳам, мана шу қўлингиздаги занжир. Соат блан занжирни отамга унинг амакиси, Жанубий Штатларнинг вице-президенти, Александр Стивенс тақдим этган. Агар сиз соатнинг, қопқоғини очиб қарасангиз унда: „Номус ўлимдан қаттиқ“ деган ёзувни ўқыйсиз. Аммо, сизлар учун бу сўзнинг аҳамияти йўқ, бир вақтлар биз учун „номус“ деган сўз ўлимдан қаттиқ әди. Сиз биздан хафа бўлманг, яхши йигит. Қариндошимиз Рой, ва ҳаробаликларда ўсиб ётган, я'ни конгрессда мажлисбозлик блан овора бўлаётган сассиқ алафлар учун ҳам, биздан койиманг. Булар, фақат бир вақтлар бўлиб ўтган олижаноб ан'аналаримизнинг соялари. Ҳа, бир вақтлар жануб, жануб әди, ўша кезларда у саҳоват ва олижаноблик макони әди. Вақти келиб, соатга қарангизизда, бизни яхши ниyat блан эслаб қўйсангиз бас.

Гоуард (ta'sirlanib.) Раҳмат сизга, сенатор, аммо, соатигизни қабул қилаолмасман, деб қўрқаман.

Лэнгдон. Олинг, олаверинг. Менинг ўғлим йўқ, сизга бермай кимга берай.

Алиса (Лэнгдонни ўпид). Мехрибон отажоним!

Лэнгдон. Болагинам, бундай маросимларда қилинадиган нарсаларни қилаолмадимми?

Алиса. Отажон, бу ҳаётингда сўзлаган барча нутқларингни энг сараси, агар бу конгресс ҳисоботига кирмай қолса жиноят бўлади.

Лэнгдон. Никоҳ қачон бўлади?

Алиса. Икки ҳафтадан кейин. Ет кишилардан ҳечким бўлмайди, ҳатто холам блан Фердинанд ҳам.

Лэнгдон. Яна холангни жазаваси тутарканда. (Эшик очилгани эшишилади, бир лаҳзадан сўнг шошиб Женевра киради.)

Женевра. Бретт келди! Бретт келди! Ана ўзи! Мен унга катта эшикдан киравер, дедим. Мана ўзи. Ростдан ҳам ажойиб бўлиб қолибдими? Лейтенант Бретт Чарлз!

Белла ўғли Бретт Чарлз блан кириб келади. Бретт — йигирма олти ёшларда,— келишган негр йигити. У ҳарбий формада салобатли, босиқ, ёшига нисбатан анча кексароқ кўринади. У, уйга киради. Белла эса мағур, уни останада кузатиб туради.

Алиса. Хуш келибсан, лейтенант! Эсон-омон келганинг учун хурсандмиз.

Бретт. Раҳмат сизга, мисс Алиса. (Лэнгдонга). Салом, сенатор!

Лэнгдон. Қани гапир, қалай урушдинг?

Бретт (кулимсраб). Буни бир-икки оғиз сўз блан айтиб бўлармикин, сэр.

Женевра. Ярадор бўлгани сра билинмайди, оёrim боягидек дейди. (Белла олдинга ўтиди.)

Белла. Ўғлим олти бор жангга кирипти, оёғининг ўн етти еридан яраланибдию, бут-бутун. Худо ўзи асраган!

Бретт. Тўғри айтасан, онажон. Мен блан бирга худо ҳам ажойиб окоплар қазиди.

Алиса. Бретт, бу киши мистер Меррик бўладилар.

Бретт. Сизни кўриб шод бўлдим, сэр.

Гоуард (қўлинин чўзиб). Хуш, кайфлари чоғми, лейтенант? (Қўл бериб кўришади).

Лэнгдон (улларнинг қўл беришшиб кўришганига изжирғаниб).

Бретт, мистер Меррик шимолдан бўладилар. Китоб ёзади.

Гоуард. Тўртта орден-а. Бошингиздан кўп нарсаларни кечиргандирсиз, дейман.

Бретт. Бугун мен бу чақаларни онам учун тақиб олувдим. Поездда йигитлар, бу чақалар блан сени дангал қиморга тикиб ўборса бўлади, деб кулишувди.

Алиса. Камтарлик қилма, Бретт. Орденларинг блан фақат онанг эмас, биз ҳам фахрланамиз. Ўтири, Бретт! (Бретт диванга ўтиради.) Анча озибсан.

Бретт. Бироз.

Алиса (ёнига ўтириб). Қарибсан ҳам. Кўриб турибман. Атиги уч йил ўтдию анча қарибсан... ажойиб ҳатлар ёзив турдинг...

Белла. Ўғлим, мисс Алиса юборган посиликаларнинг ҳаммаси-ви олдингми?

Бретт. Онажон, ҳаммасини олдим. (Алисага.) Ажойиб посиликалар юбордингиз, мисс Алиса.

Женевра. Бретт, Италиядаги уруш жуда ҳам даҳшатли бўлгандир. Қўрқмадингми?

Бретт. Дастлаб қўрқинчли бўлади, холос.

Алиса. Балким, Бретт бу ҳақда гапиришни хоҳламас, азизим? Эҳтимол буларни төзөрөк унитиб юборишни истар?

Бретт (*Алисага қараб, босиқ овоз блан*). Ҳарқанча бўлса ҳам, бу ҳақда гапиришим мумкин, мисс Алиса.

Лэнгдон. Бретт... одам ўлдираётганингда ўзингни қандай сездинг-а?

Бретт (*бироз жум турив*). Сэр, мени одам ўлдираётганимда фақат ўз ҳаётимни асрәтганимни сездим. Фақат мени ўлдирмоқчи бўлганларни ўлдирдим.

Лэнгдон. Ҳимм, ақлинг жойида.

Гоуард. Лейтенант, мен сиздан бирнарса сўрасам майлими? Армия ҳаёти сизга ёқармиди?

Бретт. Бунга жавоб бериш қийин, сэр.

Лэнгдон. Кўрқма, гапиравер. Улар сенга яхши қарашмагандир?

Бретт (*эҳтиёткорлик блан*). Негрни армияда кун кўриши қийин... ҳатто у офицер бўлса ҳам. Шунга қарамай, мен армияда кўп нарсаларни кўришга ва қилишга муяссар эдим. Армия менга имтиёз берди, илгари менда бунаقا имтиёзлар йўқ эди.

Лэнгдон. Имтиёз? Қанақа имтиёз?

Женева. Жуда қизиқсизлара... Ахир бугун хурсандчилик қиладиган кун-ку... Ё Бреттнинг қаҳрамон бўлиб қайтганини тушумаяксизларми? Уни ҳатто, делегация кутиб олди-я.

Бретт (*кулимсираб*). Мисс Невви, олти-етти кишини делегация деб бўлмайди. Улар мени домланикига таклиф қилишди.

Белла. Улар Бреттни тўғри станциядан олиб кетиши моқчи эдилар, мен уларга: соат ўн иккигача ўғлим ҳечқаёққа бормайди, зиёфат бўлса ҳали вақт кўп, аввало уйга борсии, уни мисс Алиса блан сенатор кутаяптилар дедим. Худди шундай деҳим. (*Бреттга*) Ўғлим, сен уерда, овқатдан сўнг, нутқ сўзлашинг керак.

Женева. Мен унинг нутқини эшитсан, қани энди. Шаҳри мизда биринчи бўлиб шуҳрат ордени олган Бреттнина, тушина-япсизларми?

Лэнгдон. Кўп валақлама!

Белла (*шошиб*). Юр, ўғлим, мисс Алисанинг рухсати блан яна ўша эски уйингни ясатиб қўйдим.

Алиса (*ўрнидан турив*). Мен ҳам бораман, агар мумкин бўлса..

Бретт. Рухсат беринг, сенатор.

Алиса. Зора менинг кутубхонам Бреттга манзур бўлса... (*Алиса чиқади, орқасидан Белла ҳам чиқади. Бретт нима қилишини билмай қотиб туради.*)

Лэнгдон. Бор, улар сенга гирди-капалак бўлиб юришсин.

Женева. Бретт, уйга қайтиб келганингга хурсандмисан?

Бретт. Албатта, мисс Невви. Онам блан сизни вокзалда кўриб танамга сифмай кетдим. (*Бретт чиқади, Лэнгдон ўрнидан туради.*)

Лэнгдон. Меррик, „ҳамма нарса бўлиши мумкин“ деган тап бу уйдагиларга одат бўлиб қолган. Лекин бу менга ёқмайди. Биз ўзимизга ёқсан нарсани қиласиз. Шуни бир билингки, жа-

нұбда ҳечким негр блан құл бериб сүрашмайды... Бизнинг оила-да қолмоқчи әкансиз, бу урф-одатнинг фойдали әканини эслатиб-үтишга мажбурман. (Айвонға ҹиңиб кетади.)

Женевра. Отам шунақа өски одам. Бретт блан құл бериб сүрашиб мени ниҳоятда хурсанд қилдингиз, сизни жуда-жуда яхши құриб кетдім.

Гоуард. Отанғиз ғоҳо үзини муғомбираona соддалика солади. Негр блан құл бериб сүрашиши ман' қиладиган жануб одатини мени билмайды деб үйлайды шекилли. Ахир мен истаган одамим блан құл бериб сүрашишим мумкин. Буни фаҳмламайды у.

Женевра. Демак Бретт сизга ёқади.

Гоуард. У умид юлдузи. Бундай одам блан яқиндан танишмоқ лозим.

Женевра. Ёзуичи бүлганингиз учун шундай деяпсиз. Бу мен-га ҳам ёқади, хүш, бу нима деганингиз үзи?

Гоуард. Бу нима деганингиз? Масалан күчада кетаётганим да негр менга йўл бериш учун үзини бир четга олишини сра кераги йўқ. Оқ одамни құриб ўлганининг кунидан зўрға тиши-нинг оқини кўрсатиб салом берса, мен алла-нечук бўлиб кетаман. Менга қолса: ҳой, бундай айирма ва қуллик рамзини менга ҳеч кераги йўқ, деб айттар эдим. Ахир оқ бўлганим учун айборманми? (Елласини қисиб.) Бу ўлкада иттифоқ бўлиб яшашнинг иложи йўқ! Сени ан'аналар гип бўғиб туради. Бретт-га ўхшаган одамларнинг борлигини билсанг киши анча енгил тортасан. Бу шундай деган гап.

Женевра. Ҳозир Бретт офицерлик формасида аллақандай ғалати ва анча салобатли бўлиб қолган. Болалигимизда бирга ўйнар эдик.

Гоуард. Бунга рухсат берилармиди?

Женевра. Шаҳримиздаги оқ болаларни сенинг тенггинг эмас деб, отам улар блан бирга ўйнатмас эди. Мана шунинг учун Бретт блан ўйнар эдим, биз жуда қалин эдик.

Гоуард. Мен Бреттнинг яқин дўсти Алиса деб ўйлабман.

Женевра. Алиса айтдими? Тўгри, Алиса илгари унга ҳар кун ёрдам қиласр эди. У вақтлар каттагина қиз эди. Алиса мен-дан саккиз ёш катта...

Гоуард. Сиз нечадасиз?

Женевра. Менми... О, муғомбир-эй, опамнинг ёшини билиб олмоқчимисиз? Агар сизга Алиса мени ҳали ёш, гўдак деган бўлса, тўгри айтибди, худо ҳаққи энди ўн учга кирдим. Хоҳ-лайсизми, Бретт тўғрисида тағин гапириб бераман? У, менга лақ-қа, чўртон, сазан балиқларини тутишни ўргатиб қўйган... Гаров ўйнайман, сиз чўртон балиқни тутолмайсиз. Илондан ҳам қўрқ-масликка ўргатган. Заҳарли илондан ҳам қўрқмасдим, кўрсам дарров ўлдирадим. Биласизми, Бреттдан бошқа ҳечким бунақа фойдали ишларни ўргатган эмас.

Гоуард. Кутиб олгани нега битта ўзингиз чиқдингиа?

Женевра. Ўзим ҳоҳладим чиқишни.

Гоуард. Невви, ажойиб қайин сингил бўласиз.

Женевра. Нима, нима?

Гоуард. Мен уйланмоқчиман.

Женевра. Сиз Алисага уйланмоқчимисиз?

Гоуард (кулимсираб). Нега ажабландингиз?

Женевра. О, йўқ, мен шунчаки шошиб қолдим... Сизни табриклиш им ё бўлмаса бирор бошқа иш қилишим керакми? Ё менинг бетимдан ўпиди кўясизми?

Гоуард. Менга сўнгиси ма'қулроқ. (Юзидан ўпиди қўяди.)  
Хўш, Невви, ё чакки қилибманми?

Женевра. Менимча сиз қийин ҳолга тушиб қолибсиз. Эр-как ўзидан кўра ақиллироқ хотинга уйлансан... Ё раббий, нималар деяпман? Биласизами, биз, Вашингтонда турганимизда Алиса турли-туман ғояларни юқтириб олган, кейин шимолга, ўқигани дорилфунунга кетди. Бу ердаги одамларнинг кўпи шимолга ла'нат ўқийди. Броқ, Алиса бошқаларнинг гапига парво ҳам қилмайди.

Гоуард. Дун'ёда бундан яхши фазилат борми?

Женевра. Броқ, Гоуард, Алиса ўта кетган ман-ман... опами ёмонламайман, уни жуда яхши кўраман, броқ...

Гоуард. Гапиринг!

Женевра. Йўқ, ҳали ҳам анча валақлаб қўйдим.

Гоуард. Невви, кўнглингида бор гапни айтаберинг.

Женевра. Гап шундаки, Алиса хўжайнлик қилишни яхши кўради. Ҳамма вақт... Агар сиз чилдирмасига ўйнамас экансиз, сизни четга суриб кўяқолади... Ифводан ёмони йўқ, тўғрими? Нималар деяпман-а. Балки мен онамга ўшарман, шафқатли ва заиф. Лекин гоҳо мен ҳам дангал иш тутаман,

Гоуард. Ёмонлаётганингиз йўқ. (Гоней холла киради.)

Гоней. Мисс Невви!

Женевра. Нима дейсан, Гоней?

Гоней. Белла менга бу ерни тозалаб қўй, деди.

Женевра. Нега турибсан бўлмасам, кир. (Гоней уйга киради.)  
Мисс Алиса қайтгани йўқми?

Гоней. Тепадалар, мэм. Орқа томондан қайтдилар.

Женевра. Гоуард, чиқиб Алисага айтай, асли сиз менини эдингиз-ку, у илиб кетди. Агар у тегмаса ўзим тегаман сизга. (Зинага қараб юради, кейин тўхтаб.) Биласизми? Алисани жиловлаб оларсиз деб ўйлайман. (Чиқиб кетади.)

Гоуард унинг орқасидан қараб қолади, кейин сигаретта чекади.  
Гоней кулдан тутади, Гоуард қўлидаги гугурт қолдигини кулданга ташлайди.

Гоней. Раҳмат сизга, сэр.

Гоуард (кулимсираб). Марҳамат. (Айвон томонга чиқиб кетади.)

Бретт (кириб). Мисс Алисани кўрмадингизми?

Гоней (ўзини йўқотиб). Менга қаранг, сиз Бреттмисиз?  
Адашмадимми?

Бретт (кулиб). Сиз-чи?

Гоней. Шу ернинг чўри қизи. Гоней! Карделия Тернер-нинг кенжা қизи бўламан.

Бретт. Эсимда, Карделия Тернер.

Гоней. Онам бўладилар. Биз Твин-Форкс ёнида турамиз.

Бретт. Мисс Алисанি курмадингизми?

Гоней. Тепадалар, тушкунча кутиб турсанг бўлади. Унча кўп керилиб кетма. Қани айтчи, шунаقا сирканг сув кўтармайдиган музмисан? Нима, менинг қаерим кам ундан?

Бретт. Гоней, яхши қиз экансиз, ўзингизни тутинг. Киши ўз қадрини билмоги керак, хўпми?

Белла (*киради ва шошганича уларга яқинлашади*). Йўқол бу ердан қишлоқи!!!

Гоней. Хўп, мәм! Хўп, мәм! (*Шошганича чиқиб кетади*.)

Белла. Ўғлим. Бу ярамас қиз, ўзига ҳам қиласди, бошқага ҳам.

Бретт. Ҳали ёш, она.

Белла. Бретт, ўғлим, менинг саволимга жавоб бер! Бирор корбод қилиб қўймагин тағин.

Бретт. Нима деялсан, она?

Белла. Ювош бола эдинг. Бўлакча бўлиб қолибсан, болам. Улар, оқлар буни тушинмайдилар... Нега бундай қиласан, сал нарсага тутақиб кетасан? Эҳтиёт бўл, ўғлим... Мистер Меррик сен блан қўл бериб сўрашганда сенаторнинг авзойини қўрдингми?

Бретт. Армиядаги ёнг яқин дўйстим бир оқ офицер эди. Биз, у блан, Неаполдаги мусофирихонада бир тушакда ётдик. Буни сенатор кўрса нима дер эдийкин?

Белла. Жумм!!! Бунаقا гапларингни қўй ўғлим... Сен чоҳ ёқасида туриб жарга қарайсан.

Бретт. Йўқ онажон, жарга эмас, юқорига қарайсанман.

Белла. Биз ҳақирларни худо ўзи севади, ўғлим!

Бретт. Йўқ! Энди ҳақирланганлар йўқ!

Белла (*ваҳима блан*). Тес-тес!

Бретт (*узини босиб*). Биз, бироз бўлса ҳам, ҳақиқатни кўрдик, она. Энди шундай қиласизки оқлар блан қоралар бирга яшасин, ҳамма жойда ҳақиқат бўлсин.

Белла. Ўзингга ортиқ бино қўйиб юборибсан, болам. (*Зина-поядан тушиб келаётган кимнингдир шарпасини эшишиб дарҳол гапини бошига томонга афдаради*.) Домланикига ҳеч ҳам борган эмасман. Эҳтиёт бўл, яна овқатни кўп еб қўйим бўкиб қолма.

*Кўлида қўйирчоқ блан Женевра тушиб қелади.*

Женевра. Бретт, буни таниялсанми?

Бретт (*кулимсираб*.) Танимай, албатта, мисс Невви.

Женевра. Кеча эски туски соладиган яшикни Белла блан титувдик, қарасам бу чиқиб қолди. Белла ташлаб юбормоқчи бўлди.

Белла (*Женевранинг қўлидан қўйирчоқни олиб*). Тўғри, мен ташлаб юбормоқчи эдим, броқ мисс Невви қўймади. Буни Бреттга сақлаб қўямиз деди. (*Кулади*.) Алҳамга ҳам ярамайди, юзининг ҳаммаёғи ямоқ. (*Женеврага беради*.)

Женевра. Буни Бретт ямаган. У вақт Бретт етти ёшга ҳам кирмаган эди. Бир нима бўлдию қўғирчоғимнинг юзини йиртиб олдим, шунда мени юпатиш учун ямаб берган эди. Эсингдами, Бретт?

Бретт. Албатта, эсимда, мисс Невви, Сарпа-Энннинг юзини темир панжарага илиб олувдингиз.

Женевра. Сарпа-Энн? Дарвоқи, биз шунаقا ном қўювдик. Сарпа-Энн.

Бретт. Мисс Невви, онам мен блан домланикига борса майлими?

Женевра. Албатта, бор бирга, Белла.

Белла. Раҳмат сизга, мисс Невви. Ўғлимнинг нутқини эшитмоқчиман. (Бреттга.) Нутқингни ўйлаб олдингми?

Бретт. Ҳа.

Белла. Яхшироқ ўйлаб ол. Айтадиган гапинг бама'но ва ҳаққоний бўлсин, уқдингми? (Чиқиб кетади.)

Женевра. Мана шу эски, алвости қўғирчоқ кўп нарсаларни эсимга солди... бир вақтлар биз жуда қадирдон эдик.

Бретт. Шундай, мисс Невви.

Женевра. Жуда мулоимсан.

Бретт. Кечирасиз, мисс Невви.

Женевра (сабрсизлик блан). Шунаقا бўлма. Энди ҳамма нарса ўзгарган, шуни ҳам тушинмайсанми? Мен бўлсан катта қиз бўлиб қолдим, сен ҳам йигит бўлиб қолибсан мана.

Бретт (бироз жисм тургач). Шундай, мисс Невви.

Женевра. Илгари ҳам шундай ёлғиз қолган кеэларимизда мени „мисс Невви“ деб айтармидинг? (Бретт жавоб бермайди.) Майли, Бретт, сен енгдинг. Сен оқлардан ҳечким дўст бўлаолмайди, деб ўйлайсан... Мен хато қилдим. (Чиқади, Женевра холл ёнига етмай туриб Бретт сўз бошлиди.)

Бретт. „Раҳим эт, кетма, сўзларингга интизорман“... (Женевра тўхтайди. Бретт сўзида давом этади, Женевра, биттабитта босиб, чеҳраси кулгин, оҳиста қайтади.) Қалбимни асраратан мана шу ерда, яшашим, ё ўлишим мумкин бўлган мана шу ерда, ҳаёт манба'и гуркираб оқмоғи, ё батамом қўримоғи лозим бўлган мана шу ердан ўз қалбимни қувғин қилмоғим лозимми!!“

Женевра. Бретт, эсингда бор экан-а. (Бироз жисм ўйлаб тургач ўқииди.)

„Айт, ялинаман, ёлбораман,

Нима деганинг бу?

Сўзларингдаги ғазабни тушинмайман,

Майли, бас қил энди!“

Бретт... „Кимсан?“

Женевра. „Тоза ва виждонли хотининг, худойим“ (Иккаласи кулиши). Бу сўзларнинг ёдда қолгани қизиқ, Бретт. Нега олам шунаقا қурилган, нега одамлар шундай қилишади? Ҳатто Беллага ўҳшаган... ва гоҳо Алиса ҳам. Нега ҳамма жойда инсонларнинг

биродарлиги ҳақида сўзлашадилару, амалда эса бутунлай теска-  
рисини қиласидилар? (*Ховогини солиб.*) Нега биз тўғрима-тўғри гап-  
лашаолмаймиз? Нега? Мен бунга қўшилаолмайман. Сра қўшилаол-  
майман!

Бретт (унга қарамасдан). Секироқ, Невви.

Женевра. Сен ҳам шундай бўлишининг тарафдоримисан,  
қани айт?

Бретт. Йўқ.

Женевра. Ундаи бўлса нега?...

Алисанинг товуши (зинапоядан). Бретт! (*Женевра бошқа то-  
монга юз ўғиради. Алиса киради.*)

Алиса. Бретт, мен сенга ғалати янгилик келтирдим. (*Женев-  
рага*). Сен, ҳали ҳечнарса деганинг йўқми?

Женевра. Йўқ.

Алиса. Жуда ғалати янгилик, Бретт. Чикаго дорилфунуни-  
дан стипендия оласан. Энди диссертациянг устида ишласанг  
булади....

Бретт. Шундай.. Бу қандай бўлди? Мен бунга ҳеч тайёр-  
лик кўрмавдимку... (*Алиса стол ёнига ўтади*).

Алиса (*стол яшигидан олиб*). Мана. Ўтган куни хат олдим.  
Улар сенинг аризангни олишлари бланоқ стипендияга киритишади.  
(*Хофозни узатиб.*) Армияда бўлганинг, шубҳасиз, катта ёрдам  
қилди.

Женевра. Госпитальдан уйга қайтишингни ёзганингдаёқ,  
Алиса ишга киришган эди.

*Боғ томондан Лэнгдон блан Гоуард чиқиб келади.*

Лэнгдон. Май ойи-ку, кун жуда қизиб кетди. Алиса, мөх-  
монга маслаҳат берсанг, у сенинг гапингга кирав, ўзига оқ кийим  
тиклириб олса.

Алиса. Ота, Бретт ҳозир университетга борадиган аризасига  
қўл қўяди.

Лэнгдон (*креслога ўтишаркан, масхараомуз*). Жуда соз. Де-  
мак, биз бу маросимнинг жонли шоҳидлари бўларканмиз-да.

Женевра. Гоуард, қаламингизни беринг, ёзучи ҳам шунаقا  
буладими.

Гоуард. Ёзучилар қалам олиб юрмаслигини алла қачонлари-  
билишингиз керак эди, Невви.

Алиса (*кулимсираб*). Ундаи бўлса, Бретт...

Бретт (*хофозни қайтариб*). Мисс Алиса, мен бунга қўл қўёлмай-  
ман. Кечирасиз, Мисс Алиса, мен Чикаго университетида док-  
торлик диссертацияси устида ишлолмайман. (*Лэнгдон дошини ор-  
қасига ташлаб кулади.*)

Алиса. Ота..

Лэнгдон. Қизим, ҳозирги афtingни ҳечқачон унитмайман.  
(*Бир лаҳзадан сўнг, ўзини босиброқ*) Бу қадар олижаноблигинг  
блан Бреттнинг ўз планлари бўлиши эҳтимоллигини хаёлингга  
келтирмаганинг қизиқ. (*Бреттга*.) Сенинг ҳам бирор ниятинг бор-  
дир, шундай эмасми?

Бретт (*истамайроқ*). Шундай, сәр..

Ләнгдон. Ҳалиги, мисс Алиса қилмоқчи бўлган иш, сени унча қаноатлантирумайди-а?

Бретт. Бундай демоқчи эмас эдим, сәр.

Ләнгдон. Қани, гапир, қандай планларинг бор? Ё революция қилмоқчимисан? Тортинмай айтавер.

Бретт (*оҳиста*). Йўқ, сенатор, мен революция қилмоқчи эмасман. Фақат, жанубда қолиб негрлар мактабига директор бўлмоқчиман.

Ләнгдон. Гапларинг чакки эмас, аммо мен ер остида илон қимириласа биламан. Бу ердаги негрларни қўлга олиб улар ўтасида норозилик түғдирмоқчисан, уларнинг миясини ҳар хил, бўлмагур ғоялар блан булғаб, галаён кўтармоқчисан.

Бретт. Йўқ, сәр, мен уларга ёрдам бериш ниятида...

Ләнгдон (*Алисага*). Мен сенга нима девдим? Урушдан бир арава ажнабий назарияларни олиб келибди. Нонуштамни ётоққа олиб кирсин. Ётаман. (*Кириб кетади, аммо товуши эшишилиб турди*). Агар у ҳақиқатни гапирсами, соchlаринг тикқа бўлиб кетар эди, у уерда оқ хотин блач ётмапти дейсанми... (*Уртага ўнғайизиз жиссмлик чўқади*.)

Алиса. Бретт, биз учун яхши бўлмади. Отам учун узур сўрайман

Бретт. Мени изоҳ беришим керак, мисс Алиса.

Алиса. Биз сен блан ҳамма вақт очиқ гаплашиб келганимиз... Букун эрталаб мистер Максуэлл келди, мен унга: сени мактабга директор бўлмайди, деб айтдим.

Бретт. Аввало бу ерда, жанубда, жуда кўп ишлар қилиш керак бўлади.

Гоуард. Лейтенант, тушунмайман, нега негрлар умуман шу ерда яшашади, нима учун бу ердан бошларини олиб кетишмайди?

Бретт. Шунинг учунки: ватани шу ер. Кишилар ҳар қанча оғир яшасалар ҳам, ўз уйим ўлан тушагим деган гап бор. Каттабувим Селия ҳароб бир бостиримда турди, турмуши оғир, на ўқиши билади ва на ёзиши. Шундай бўлса ҳам бу ердан кетгуси келмайди, негаки шу ерда туғилдим, шу ерда ўламан, дейди.

Алиса. Бу блан катта бувингга ёрдам...

Бретт. Уч йиллик айрилиқдан кейин, қайтиб келаётганимда, ўйлда ҳарбир нарсага диққат қилдим. Вагон ойнасидан биринчи пахта далаларини кўрганимда йиғлаб юборай дедим, ҳатто негрлар вагонида келаётганимни ҳам унудим...

Алиса. Бретт, мен сени негрлар мактабининг қолоқ ўқитучиси бўлиб қолишингни истамайман.

Бретт. Аммо мен, бу ерда муаллим бўлиб қолишини истайман. Биласизми, армиядалигимда менинг асосий вазифам; солдатларимни, улар ажойиб ҳаёт учун урушаётганиларига ишонтириш эди... Улар мени жинни дейишди. Ҳатто, ба'зилари нафрат блан қарашди менга. Бир хиллари эса, мени оқларнинг ювиндихўри, ба'зилари тўғридан-тўғри коммунист дедилар... Аммо йигитларим мени ерга қаратишмади, вақт келувдики, улар ўзларининг дов'юрак

эканликларини амалда күрсатиши, фашистларга қарши шердек курашдилар.

Алиса. Лекин энди сен армиядан бүшадинг-ку...

Бретт. Фронтда биз зўр умидлар блан яшавдик... Келажак учун жон олиб жон бердик. Энди бошидан бошласак ҳам ўша умидлар амалга ошмоғи керак.

Алиса. Сен қобиляятлисан, Бретт. Бунинг учун ўзингга, худбинлик бўлса ҳам айтиб қўяй, қолаверса менга ҳам қарздорсан.

Бретт. Сиздан қарзим кўп, мисс Алиса. Броқ мен жанубда қоламан, мисс Алиса. Агар менга мактабни беришмасалар, увақт пахта далаларида батрак бўлиб ишлайману, кечалари негрларни ўқитаман.

Женевра. Менимча, Бретт, тўғри айтади. Киши бирор айтганини эмас ўз хоҳишини бажармоги лозим.

Алиса. Невви, бунинг сенга даҳли йўқ.

Женевра. Йўқ? Даҳли бор. Яхшиси, Ройга телефон қилиб унга Бретт мактаб директори бўлиб қолишни истайди, деганинг дуруст.

Алиса (бирлаҳзадан сўнг). Нима қилсам экан, Гоуард?

Гоуард. Яхшиси Ройга телефон қил.

Алиса. Сен ҳам Бретт ҳақ деб ўйлайсанми?

Гоуард. Йўқ. Ахир киши ўз истагини қилишига халақит бермоқчи эмассан-ку? (Алиса бирор ўйчан туради-да кейин телефонга қараб юради.)

Алиса (телефонга). Уч-тўрту, етти. (Холлда Гоней пайдо бўлади.)

Гоней. Мисс Алиса, Лолла ҳаммани нонуштага чақирайти.

Алиса. Раҳмат, Гоней. Ҳозир кирамиз... (Гоней чиқади. Телефонга). Бу Алиса Лэнгдон. Мистер Максуэлл борми?... Салом Рой... Рой, менимча Бретт мактаб директорлигини олса жуда соз бўлар эди. (Бреттга қараб). Шундай, Рой, фақат сенга ўхшаган одамларгина ўз сўзида турадилар. Хўп бўлади, Рой, тузук, ўзига айтаман... катта раҳмат, хайр. (Турубкани қўяди, Бреттга) Мистер Максуэлл, хотиржам бўлсин, ўрин Бреттники деди.

Бретт. Раҳмат сизга, мисс Алиса.

Алиса. Маош ҳақида ҳечнарса демади...

Бретт. Йилига беш юз доллар.

Алиса. О!... Ўзимиз ҳам бирор нарса қилармиз.

Бретт (хурсанд). „Агар ўзимиз ҳам бирор нарса қилгудек“ бўлсан, у ҳолда даставвал янги мактаб солишимиз керак.

Алиса. Мактаб ҳам бўлади. Тўғри айтасан, бир янги мактаб солиши зарур. (Белла қўлқоп кийиб чиқиб келади.)

Белла. Худоё тавба, шу қўлқопни ўн йилдан бери кияман, қани йиртилса, Вашингтондан кетаятганимизда олувдик бу савилни. Лолла нонуштани тайёрлаб қўйди.

Алиса. Кетдик, Гоуард, кетдик, Невви. Белла хотиржам бўл, ҳамма нарса аввалгича қолди. (Бреттга бурилиб.) Бретт шу ерда қолади.

Белла. Ўзингга шукур. Ўғлимни эсон-омон қайтардинг, энди

унга инсоф бер, бу ерда ҳам тани-жонини соғ қил, биз ҳам унга күмак берайлик. Мисс Алиса блан уни парвариш қиласиз.

Алиса. Иккавларинг ҳам яхши ўйнаб-кулиб келинглар. Бретт сен уларга янги мактаб тўғрисида гапир. Биз сенинг орзунгни амалга оширишга тиришамиз. (Алиса, Женевра, Гоуард чиқашади.)

Белла. Нега бунақа галати қарайсан? Нималарни ўйлаяпсан?

Бретт. Эр киши ўйлаётганда сен заифсан, қўлингдан ҳечнарса келмайди...

Белла (унинг қўлидан қўғирчоқни тортиб олади). Йўқ! Йўқ! Гапирма бу гапларингни! Бундай нарсаларни хаёлингга ҳам келтирма! Қулоқ сол, ўнг қулоқ, сўл қулоқ эсингдан чиқармал! Қора қораю, оқ-оқ! (Кейин шошиб қўғирчоқни саватга ташлайди. Бретт жисцмига кузатиб туради. Белла асабий, титраган ҳолда бурилади ва ўзини зўргу босиб турив, қўлқопини кияди.) Юр, ўглим. Тағин домланикига кеч қолмайлик.

### Парда

## ИККИНЧИ ПАРДА

Декорация ўшанинг ўзи. Орадан бир ҳафта ўтган, кун пешиндан оққан пайт. Сенатор Лэнгдон ўз иреслосида ўтирипти, ённадаги стол устида шляпаси. Белла патнусда дори блан стакан олиб киради.

Лэнгдон (бошини кўтариб). Падарига ла'нат шу дорини! Қаердан ҳам шамоллаб қолдим? Кун ўлгидек иссиқ, пишиб кетдими, оёғим бўлса муз кесак-а.

Белла. Ҳовлига чиқиб ўтирангиз яхши бўлмасмикан, сенатор?

Лэнгдон. У ернинг пашибаси блан гули қурсин. Гуллар ҳам очилиб могорлаб кетди. (Кофе столчасидаги ихчам қилиб ўралган кичкина тугунчага дикқат блан қарайди).

Белла. Мистер Рой тўяна юборипти.

Лэнгдон. Барвақт, никоҳ эртага.

Белла (ўйланаркан тугунчага қарайди.) Мавлуд кунлари юборадиган кумуш қошиқлардан бўлса ҳам ажаб эмас.

Лэнгдон. Тўйга ҳам ўхшамайди. Нима дейсан, Белла? На меҳмонлар келади ва на шампанский ичилади, тўйдан кейинги саёҳат ҳам гумон.

Белла. Мисс Алиса, уруш бўлаяпти, энди тўй саёҳатига ҳам чиқмаймиз дейди.

Лэнгдон. Хотини эридан баттар... У Алисанинг уйнга кўчиб кирса керак... агар шу э'тиборга олинмаса, ҳаётларида ҳечқандай ўзгариш ҳам бўлмайди. Энди эски ҳашаматлар, тўй-тамошолар йўқ. Мисс София блан менинг никоҳим ҳали ҳам эсимда. Отам биз учун алоҳида вагон буютирди. Тараддудимиз биткунча вагон бизни кутиб турди. Вагон эса гуллар блан ажойиб қилиб безатилган эди, биз Орлеанга етиб боргунчча, уч нафар музикачи мисс Софиянинг жуда яхши кўрган куйларини чалиб боришиди.

Белла. Киройи тўй бўлса шунақа бўлса.

Лэнгдон. Гоҳо келиб-кетиб турмиз, дейишяпти. Баридир Нью-Йоркга кетиб қолишади, кейин ҳеч ҳам келишмайди. Букун-эрта Невви ҳам кетади. Белла, сендан бошқа ҳечкимим қолмайди, биргина суюнчиғим сенсан.

Белла. Ҳақ гап! (Күча эшигини очилгани эшиллади. Ҳолла Женевра киради ва зинапоя блан тепага чиқиб кетмоқчи бўлади.)

Лэнгдон. Мен блан сўрашмадинг ҳам, қизим.

Женевра (қайтиб уйга киради). Яхшимисан, ота! Лэнгдон. Қаерда эдинг?

Женевра. Бир ёққа борувдим. (Сигарет чекади.)

Лэнгдон. Кеча кечқурун қаерда эдинг?

Женевра. Кеча кечқурунми?...

Лэнгдон. Буёққа кирганинг билмадим-ку.

Женевра. Уйда йўқ әдим.

Лэнгдон. Суяб юбор, Белла, боққа чиқаман.

Белла. Яхши сенатор. Офтоб соатининг ёнига чиқиб ўтирасангиз бўлар...

Лэнгдон (шляпасини кийиб.) „О, жентелменлар, ҳаёт умри қисқа“. (Белла ўрнидан туришга ёрдам беради). Ешларнинг биздан бегона бўлиб кетганинг ўёқда турсин, Белла, энди тўнглик ҳам қилишади,

Женевра. Кечир мени отажон. (Ўлади.)

Лэндон (унга тикилади ва хўрсинади). Нега сен очиқ гапирмайсан? Нега мендан ўз сирингни яширасан? (Дераза томонга юрди. Женевра қўнғироқ ёнига келади ва ишидан тортади. Бирдан, Белланинг ўзига тикилиб турганини пайқаб бурилади).

Женевра Ахир, сендан афу сўрадим-ку, отажон... (Лэнгдон айвонга чиқиб кетади.) Белла, нега сўнгги кунлардә менга ғалати қараб қолдинг?

Белла. Сиз бирор нарсангизни йўқотдингизми?

Женевра. Ҳа, энг яхши лаб бўёғимни йўқотиб қўйдим.

Белла (чўнтағидан лаб дўёғини чиқазиб). Шуми?

Женевра. Шу. Раҳмат, Белла. Қаердан топиб олдинг буни?

Белла. Сиз ўз буюмларингизга эҳтиёт бўлинг. Ғалати жойларда қолиб кетаяпти. (Женевра ҳајрон бўлиб унинг орқасидан қараб қолади.)

Гоней (кириб). Чақирдингиэми, мэм?

Женевра. Ҳа, чақириувдим. Бреттни кўрганинг йўқми?

Гоней. Йўқ, мэм.

Женевра. Уйида йўқмикин, билмадингми? (Сервантга боради ва вино қуяди).

Гоней. У, Ҳовлиқма жаноб, менга қачон келиб, қачон кетишини айтмайди.

Женевра (бирдан унга қараб). Топиб айт, менга учрасин.

Гоней. Хўп, мэм. Аммо гапимга қулоқ солармикин. Кундан-кун ҳовлиқиб кетаяпти, жуда ўзига бино қўйиб юборган. Мени оғенининг училда кўрсатади.

Женевра (жсаҳли чиқиб). Кўп валақлама! Бор!

Гоней. Хўп, мэм.

Женевра (ўзини босиброк). Бор энди, топиб айт.

Гоней (чиқаркан). Хўп, мэм! (Газета ўқиб Гоуард киради.)

Женевра. Салом, Гоуард.

Гоуард. Аҳа, мен ҳам ўйловдим. Ёлғиз ичаяпман денг.

Женевра (стаканга қараб кулимсираб). Ёлғиз ичса кишининг жуда хўрлиги келар экан.

Гоуард. Йўқ, хўрлигинги келмай қўяқолсин. Менга ҳам қўйинг.

Женевра. Манг! Мен ҳечқачон ичган эмасман. Ўзим ҳам билмайман, нега қўйдим.

Гоуард.. Отангиз қани? Ўрта аср пропагандаси блан кўнглини бир кўтариб қўяй девдим.

Женевра. Гоуард, тавба, бу рўдапо газетани келтириб нима қиласиз? Буни ҳечким ўқимайди.

Гоуард. Мен жон деб ўқийман. Бу мени сизларнинг жамиятингиз блан таништирди. Шўрлик ферманинг бошига нималар тушганини, кампир мисс Роулэндсоннинг оёғи тузалиб қолганини шу газетани ўқиб билдим. Вилоятларда чиқадиган газеталарнинг саҳифаларида босиладиган майд-чўйда материаллар ҳам асраб келинган ёр мактублари сингари ҳузурли бўлади. Броқ, боз мақолалари тамом бўлак оҳангда. (*Женеврага газетани узатади.*) Мана, ўқинг! „Бизнинг негр-ветеранларимиз“. (*Женевера газетани ўқиётгандা.*) Буларнинг мақсадига тушунаолмадим. Улар ўзларини гўё виждоили қилиб кўрсатмоқчи бўладилару, аммо ҳар-бир жумласидан дўқ анқиди. „Биз негр-ветеранларимизни севамиз, албатта улар ҳам бизни севадилар. Уруш вақтида улар ҳарбий кийим кийиш имтиёзига эга бўлдилар, лекин биз блан улар ҳамтовоқ бўлишни минбад ўйлашмасин, илло, биз уларга италян дехқонлари блан француз радикаллари эмасмиз. Бу ер—Америка. Бизнинг ан'аналаримиз муқаддас, биз булар блан фаҳрланамиз“.

Женевра. Аҳмоқлар! Ҳамма вақт шунаقا бема'ни нарсаларни ёзитади. (*Газетани ерга ирғитиб ташлайди.*)

Гоуард. Бема'ни дедингизми? Йўқ, эҳтимол бу Бретт нутқига бир жавобдир. Эҳтимол, негр болаларининг ҳам Бреттга ўхшаб кетмасин деб қўрқишар. (*Газетани олади.*) Гаров ўйнайманки, отангиз ўқиса бема'ни демайди. Қаерда ўзи?

Женевра. Боғда. Биласизми, Гоуард, эртага отамдан никоҳ фотиҳаси оласиз, тагин, бунга путир етмасин.

Гоуард. О, ҳайронманда. Назаримда мени у бир томондан ёмон кўрадию, бир томондан ўлгудек ёқтиради ҳам.

Женевра. Сизга бувамнинг соатини бериб қўйгани учун катта пушаймонда, дейман.

Гоуард. Олганимга мен ҳам пушаймонман, қаерга қўйдим, у ла'натини, ҳеч тополмаётиман ўзини ҳам. (*Холл томондан Бретт киради, у ҳали ҳам ҳарбий формада.*)

Бретт. Мени чақирдингизми, мисс Невви?

Женевра. О, Бретт! (*Асабий.*) Сени нимага чақирганимни ўзим ҳам билмайман, ҳа, айтганча... ҳечқиси йўқ. Кейинроқ эсимга тушшиб қолар.

Гоуард. Бироз туринг, Бретт, мен ҳозир чиқиб кетмоқчиман.  
(Чиқаркан Женевра.) Ишқилиб, сенатор, мендан соат неча деб сүраб қолмасин да... (Женевра Гоуард чиқиб кетишини кутуб туради, кейин сумкасидан бир конверт олади).

Женевра (кулимсираб). Мана, Бретт, олдим, иш ўнгидан келди. Ўзимни хуфиёна иш қилаётган кишидек сездим. (Бретт конвертни олади ва унинг ичига қарайди). Юмшоқ вагонга олдим, боришига ҳам, қайтишга ҳам бўлади. Пулнинг ошкани конвертда.

Бретт. Раҳмат, Невви. Катта раҳмат... суриштиришмадими?

Женевра. Йўқ! Темир йўл вакили мени ўзига олаяпти деб ўйлаган бўлса керак... Атлантга — конференцияга кетаётганингни Алисага айтдингми?

Бретт. Йўқ ҳали. Душанба куни кечқурун кетаман-ку.

Женевра. Ундан рухсат сўрамайсанми?

Бретт. Руҳсат?

Женевра. Бундай демоқчи эмас эдим, мен фақат, бу унга ма'қул тушмас деб ўйловдим...

Бретт. Алиса йўқ демайди, агар куёвга чиқмаганда ўзи борар эди.

Женевра (шубъа блан). А?... у ерда узоқ турасанми?

Бретт. Конференция уч кун давом этади. (Уялиб.) Билет олиб берганингиз учун раҳмат.

Женевра. Бир марта раҳмат бўлса айтдинг, тагинми?

Бретт (қат'ий). Кечирасиз, ҳозир чиқиб кетганим тузук.  
(Эшикка томон юради)

Женевра. Бретт!!! (Бретт тўхтайди.) Нега асабийлашашапсан? Ё юмшоқ вагонга киритмайдилар, ё бирор кор-ҳол бўлармик ин деб қўрқаяпсанми?

Бретт. О, йўқ! Ҳечқандай кор-ҳол бўлмаслиги керак. Мен ҳали ҳарбий формадаман-ку.

Женевра. Бўлмаса нега бундай қиласан?

Бретт. Ўзим...

Женевра. Кеча кечқурун жудаям ўйнадик, букун яна қовоғингдан қор ёғиб қолипти... Шу ҳам қилиқ.

Бретт. Қечирасиз, мисс Невви.

Женевра. Тавбаз, яна „мисс Невви“лаб қолибсан... Мен биламан, биз хунук иш қилдик... Йўқ... шуқадар гўзал, жозибали оқшом эдикни, дарё бўйини айт, бирарм чиройли, роса саир қилдик, яйрадик, аммо бу биз учун тақиқ эди... Даҳшатли бир ҳол-а? (Кўққисдан.) Сен буни ҳато бўлди, деб ўйламайсан-ку?

Бретт. Йўқ.

Женевра. Ундан бўлса жуда соз. Букун ҳам борамизми, деб сендан сўрамоқчи эдим. Овқат-мовқат олиб ўйнаб келар эдик, қайиққа тушиб роса саир қилардик.

Бретт (қат'ий). Йўқ! Йўқ! Невви! Йўқ!

Женевра. Нега энди, Бретт?...

Бретт. Бундай қилма, яхши эмас. Буни оқибати нима бўлишини билмайсан.

Женевра (бир лаҳза жисм тургач). Сен буни ёнимиздан ўтиб

кетган машинадан гумонсираб гапирайсанми? Балки бизни кўриб қолишгандир, деб қўрқаясанми?

Бретт (*ғамгин*). Кўриши. Броқ танишмаган бўлсалар керак.

Женевра. Машина шуқадар тез ўтиб кетдикни бизни пайкашлари ҳам мумкин эмас эди. (*Сабарсиз*) Ҳечқиси йўқ. Ахир биз болалигимизда, эл кўзида очиқ ошкор ўйнар эдик-ку...

Бретт (*жуда эҳтиёткорлик блан*). Невви, бир вақтлар сени мисс Невви демай, бошқа ном блан атаган кезларимни энди уни-тишинг керак... йўқ, энди биз, ҳатто дўстлашаолмаймиз ҳам. Энди бу гал, мендан нега деб сўрама.

Женевра, Хўп. Нега?

Бретт. Йўқ, йўқ! Бу мумкин эмас, ҳатто шер юрак бўлса ҳам мумкин эмас. Кеча, кундузи, марка олай деб почтага кирувдим—чол Джон Вейлин ўша ерда өкан, мен унга: „мистер Вейлин, марҳамат, сэр“ демаганим учун, мени линча судига берам деб дўқ урди. Фронтда Америка офицери эдим, бу ерда қора негрман. Мен ба'зи нарсаларнинг ма'носини унитибман шекилли.

Женевра. Чол Вейлин блан нима ишим бор?

Бретт. Ўлар негрдан наманики кутса ҳаммасини қилдим. Армиядан қайтдиму оқ аёлнинг „изига“ тушдим...

Женевра. Бретт...

Бретт. Балки мен блан қандай муомила қилишни энди тушинарсан.

Женевра. Сен, гўё мени қўрқитмоқчи бўласан. Гўё сен ётсану, сендан қўрқишим керак...

Бретт. Сен менга дилбар эдинг.

Женевра. Аммо бир вақтлар менга: „Мен сизни севаман“ деган энг яхши киши сенсан.

Бретт. Мен бундай деган эмасман, лекин энди дейман. Худо ўзи қўлласин мени. Броқ дейману, бундан сўнг минбад, яна қайта тилга олмайман. Ҳатто дилимда ҳам қайтармайман... Мен сени кўпдан, ўзимни таниганимдан бери севаман.

Женевра. Бретт! Бу гапларинг учун ўқинмайман, ҳечқачон унитмайман. (*Бироз жисм тургач*.) Менга қара, Бретт! Қўлимдан фақат биргина иш келади холос, бу ердан кетаман. Атлантдан қайтиб келганингда мени бу ердан тополмайсан.

*Алиса зинапояда пайдо бўлади ва секин пастга тушив келади. Устида янги, широйлик қилиб тикирган кўйлак.*

Алиса (*хурсанд*). Қани ҳалиги, бизнинг куёвча?

Женевра. Богда.

Алиса (*дераза томонга юради*). У ерда нима қиласяпти?

Женевра. Отамга хира бўлаяпти.

Алиса (*дераза ёнига бориб чақиради*). Гоуард, буёққа кир! (*Деразадан қайтиб*). Никоҳ бўлмай туриб, расми келин ўз сарпосини куёвга кўрсатмагуч эди, ҳар қалай бу яхшиликка кўринсин. Кўрсатмай десам, ичим пишиб кетаяпти. (*Бреттга*) Бретт, рост айт, қалай? Сенга ёқадими?

Бретт. Жуда ҳам, мисс Алиса! Чинакам ажойиб қилиб тикибди.

Алиса. Раҳмат. Раҳмат, кўнглим тоғдек кўтарилди. (Боғдан Гоуард чиқади. Алиса унга бурилади.) Қани, Гоуард. Сен нима дейсан?

Гоуард (ҳайрон). Нимани?

Алиса. Вой тентак өй, кўйлакни-да!

Гоуард. А, кўйлакни... ўзингга ёқадими?

Алиса. Қалай, дурустми? Сенгачи?

Гоуард. О, жуда. Қани айланчи... (Алиса айланниб кўрсатади.)

Эгаси ҳам жойида.

Алиса. Невви, сени ҳам бир нарса дейишинг керак. Сенга ёқадими, йўқми, айт, бўлмаса юрагим торс ёрилади.

Женевра (самимий). Жуда ажойиб, Алиса! Бугун жуда-жуда очилиб кетибсан. Ўзинг хурсандмисан?

Алиса (ўпид). Хурсандман, баҳтиёрман. Худди тушимга ўхшайди. Бир кун келиб, сен ҳам шундай баҳтиёр бўласан. Балки, сен менчалик узоқ кутмассан. Бирон йигит келадио... ана ўшанда.

Женевра (ҳаяжонланиб). Қўйсангчи, бундай дема.

Алиса. Нима бўлди, жоним?

Женевра. Йўқ, бундай дема, зинҳор бундай дея кўрма!

(Ўзини зўрга йиғидан тутиб юзини иккинчи томонга буради ва зина блан чиқиб кетади. Алиса унинг орқасидан қараб қолади, кейин ҳайрон бўлиб Гоуардга тикилади.)

Алиса. Одатда одамлар тўй куни йиғлашар эдилар, мен буни билардим. Невви бўлса бир кун илгари бошлади. (Кўккисдан.) Ё унга бирор нарса бўлдимикан-а?

Бретт (шошиб). Ҳечнарса, мисс Алиса. Биласизми, мисс Невви сиз куёвга чиқиб кетсанги ёлғиз қоламан деб ўксиятган эди, шунинг учун... (гапни бошқа томонга буриб). Мисс Алиса...

Алиса. Хўш, Бретт?

Бретт. Сизга бир гапим бор эди.

Алиса. Йўқ, Бретт, менинг сенга гапим бор. Максуэллнинг сўзига қараганда, янги мактабни қўлингга олибсан. Мактаб кенгаша янги мактаб қуришга ҳам қарор қилибти. Бунга нима дейсан? Сен шуни айтмоқчимидинг?

Бретт. Бу жуда яхши гап. Аксар негрлар, ҳатто доктор Хэйн ҳам, янги мактаб солиб беришмайди, деярдилар.

Алиса. Мактаб солингунча анча вақт ўтади.

Бретт. Ҳечқиси йўқ, фақат курсилар ўрнига парталар қўйилган, водопровод ўтказилган, ҳақиқий мактаб бўлса бас!

Алиса. Албатта, водопровод ҳам бўлади.

Гоуард. Икковингизни ҳам табриклайман.

Бретт. Мисс Алиса, мен сизга бошқа нарса демоқчи эдим... Атлантда бўладиган конференциядан хабарингиз борми? У ерга бутун жанубдан одамлар келади.

Алиса (парвосиз). Ҳа, хабарим бор. Газетада ўқувдим.

Бретт. Қоралар ҳам, оқлар ҳам келишади, ҳамма масалалар

күрилади; энг яхши биноларни мактабга бериш, күпроқ мактаб очиш. Сайлов солиғини бекор қилиш. Фронтдан қайтган солдаттарни иш блан та'мин этиш. Мен шу конференцияга бормоқчиман.

Алиса (оҳиста). Шубҳасиз, буларнинг ҳаммасига қўшиламан, Бретт. Сен буни биласан. Аммо, бу конференцияни чақирган кишиларга ишонмайман. Уларнинг кўпчилиги коммунистлар.

Бретт. Мен коммунист эмасман.

Алиса. Бунга шубҳам йўқ. Бретт, шаҳримиздаги кишилар нима дейишаркин? Буни ўйламай бўлмайди. Ассан негрлар тўғрисида гапирайман. Агар қоралар блан оқларни бирлаштирадиган бу конференцияга қатнашгудек бўлсанг, негрларнинг яриими сенга бўлган ишончини йўқатади. (*Боғ томондан Белла чиқиб келади*).

Белла. Мисс Алиса, сизни сенатор чақираяпти.

Алиса. Хўп, Белла. Ҳозир чиқаман.

Белла. Бечора чол, букун аҳволи тангроқ.

Гоуард. Та'бини тирриқ қилиб қўйдим шекилли.

Алиса. Ундан бўлса, бирга чиқасан, кўнглини кўтаришга ёрдам бер. (*Бреттга*). Аттанг, Бретт. Ҳафа бўлиб қолдинг шекилли-а? Лекин менинг гапимга ишонавер, бундай нарсаларни сендан кўра кўпроқ биламан. Ахир, сен бу ерда роса уч йил бўлмадинг! (*Гоуард блан чиқади*).

Белла. Нима тўғрида гапирди, мисс Алиса?

Бретт. Атлантда бўладиган конференция тўғрисида. Боришимга кўнмаяпти.

Белла. Бораверасанми?

Бретт. Ҳа, боравераман.

Белла. Мисс Алисанинг гапига кирмай-а?

Бретт. Бу сафар кирмайман.

Белла дераза томонга кейин холла қарайди. Бреттга яқин келиб сўзлайди.

Белла (ғазаб блан шип-шиб). Яхши! Бор, Атлантга! Қаёқса хоҳласанг кетавер, катта кўча! Аммо, зинҳор, зинҳор қайта кўрма!

Бретт. Онажон!

Белла. Қайта кўрма! Йўқол бу шаҳардан! (*Чуқур қайғи блан*). Яна ўз халқингга ёрдам қиласман дейсан-а? Ҳали шуми қилган ишинг. Мен сени художўй, мўмин қилиб ўстирган эдим. Сен бўлсанг биринчи қадамингдаёқ оллонинг муқаддас қонунига оёқ қўяётиссан.

Бретт. Онажон, қулоқ сол... Мен ёмон иш қилаётганим йўқ...

Белла. Хўш, қаерда эдинг кеча кечқурун? Қаерда эдинг... Тилинг тутилиб қолдими?... лаб бўёғини чўнтагингдан топиб олдим... Қиз блан биргамидинг, айт... оёқ қиз блан бирга-я?

Бретт. Хайр, нима бўпти бирга бўлсам?

Кўккисдан Бреттнинг юзига бир тарсаки солади. Бретт қимир этмай тураверади.

Белла. Ё дорга осилмоқчимисан? (Узоқ жиимлик). Болам, мен сенга айтдымку. Келган кунингоқ, сени огоҳлантирудим.

Бретт. Ҳечнарса бўлгани йўқ, онажон. Ҳали бошлангани ҳам йўқ эди. Энди бутунлай тамом бўлди... бутунлай!

Белла. Йўқ, сен ҳали шу уйда экансан, ҳали шу шаҳарда экансан, бу тамом бўлмайди. Шошқолоқлик ва ақилсизликнинг нималигини билмайди, деб ўйлайсанми мени?... Тақиқ этганини билатуриб оқ қиз блан юрасан. Бирортаси сезиб қолса борми, ўшандада... (Узини босиб). Бундан кўра фронтда ўлганинг минг марта яхшироқ эди... (Чиқади).

Бретт оҳиста сенаторнинг креслосига ўтиради. Шу вақт бир томонидан сенатор Лэнгдон чиқиб келганини пайқамай қолади.

Лэнгдон. Нега курсимга ўтирдинг? (Бретт сапчиб туради. Лэнгдон орқасидан Алиса блан Гоуард чиқиб келади). Нега шу чоқ-қача формангни ечмадинг?

Бретт. Армия ўттиз кун кийиб юришга рухсат берган эди.

Лэнгдон (жашли чиқиб, бошидан шляпасини ечмай). Лекин, мен рухсат бермайман. Ечиб ташла! Агар менинг ўйимда турадиган бўлсанг ечиб ташла, уқдингми? (Ётоқхонасига кириб кетади).

Бретт. Майлами кетсам, мисс Алиса?

Алиса (тез). Бретт формангни кийиб юравер.

Бретт. Раҳмат, мисс Алиса. (Чиқади).

Алиса. Гоуард, сен оқибати нима бўлишини билишинг керак эди. Бу аҳмақона мақолани кўрсатиб чакки қилибсан.

Гоуард. Биласанми, нега аччиғланаяпти? Мақола унча кучли эмас, бўш дейди. (Дизанга ўтиради).

Алиса. Шундай экан, нега фашига тегдинг?

Гоуард. Отанг ўзи жуда антиқа одам. Кечирасан, азизим, балким унга иссиқ та'сир этгандир.

Алиса. Эҳтимол.

Гоуард. Балким жануб та'сир килаётгандир?

Алиса. Нима?

Гоуард. Гул жуда чиройлик ва нозик бўладию лекин илдизлари чуқур бўлади. Агар уларга қўққисдан кўзинг тушиб қолса кўрасанки... гуё бир-бирини гирибонидан бўғаётгандай чирмавиб, моташиб кетган... нега гапирайпман буларни? Берикел... (Ётоқхонанинг эшиги очилиб сенатор чиқиб келади).

Лэнгдон. Сра ўйқум келмаяпти. Агар ҳозир ухлаб қолсам туни блан мижжа қоқмай чиқаман. Бари бир бугун ухлаётмайман.

Алиса. Бояқиши отам. Буёқда келиб бироз ўтири, курсингда.

Лэнгдон. Шу курсини кўрсам кўнглим айнииди. Овқат қаҷон бўлади? Соат неча бўлди азизим?

Гоуард (қўйл соатига қараб). Учга яқинлашиб қолди, сенатор.

Лэнгдон (унга мароқланиб қарайди). Назаримда менинг совғамни олиб юриш малол келганга ўхшади, қўйл соатингизни тақиб юрибсиз.

Гоуард. Иүқ, сэр. Гап шундаки...

Лэнгдон. Балки желатка киймаганингиз учун тақиб юрмас-сиз. Урф-одат ҳам ўзгариб кетаяпти.

Гоуард (*үнғайсизланиб*). Очиини айтишга бироз хижолат тортаяпман, лекин уни қаергадир қўювдим...

Алиса. Гоуард...

Лэнгдон. Сиз соатни йўқотиб қўйдим демоқчамисиз? (*Қўн-ғироқ чалинади*).

Гоуард. Ётогимда бўлса керак, негадир тополмаяпман.

Алиса. Гоуард, буюмларингни пола-портиш ташлаб юрасан.

Лэнгдон. Азизим, бу кишидан ўпкалаб бўлмайди. Соатнинг унчалик аҳамияти йўқ, шунчаки, оддий бир ҳадия-да... (*Гоуардга*). Хижолат тортманг.

Гоуард. Илтифотингиз учун ташаккур, сэр. Лекин ўзимни кечиролмайман, аминманки соат ётогимда...

Лэнгдон. Албатта, албатта. Ётогингизда...

Алиса. Ҳад'яни ҳам йўқотадиларми. (*Гонеј ҳолдан ўтиб кетади. Қейин Максузлла киради*).

Максузлла. Салом, Алиса, салом Меррик! Қалайсиз сенатор? (*Лэнгдон бир нималар деб ғудранади*). Қалай шоди-хуррам кунларига тайёрлик чакки бўлмагандир? Сиз кўп бахтли эканси, мистер Меррик.

Гоуард. Ташаккур.

Максузлла. Сиз жуда олғир чиқиб қолдингиз. Модомики Алисанинг кўнглини эгаллабсиз, демак чакана эмассиз. (*Алисага*) Менинг арзимас ҳад'ямни олгандирсан, деб ўйлайман.

Алиса (чўчиб *Гоуардга қарайди, мулоимлик блан*). Ажойиб ҳад'я юборибсан, Рой! Худди бизга кераклик нарса экан. Хозиргина Гоуардга айтиб турувдим, умримда бунақа нарсани кўрмаганиман, деб... (*Гоуард дарҳол тугунчани олиб ёстиқ остига яширади*).

Максузлла. Раҳмат, бувим Гаскеллдан шуқадар хурсандманки сра қўяверасиз, бечора, ҳаққа жон таслим қилаётуб, менгатўрт дюжина жажжи қошиқчалар қолдириб кетувди. Яхши қилган экан, мана асқатиб қолди. Қалай, ё гапим чаккими? (*Йўталади*) Алиса, келажак-шоди хуррам кунларига доғ туширишни истамайман, лекин бу ҳақда сен блан гаплашиб олишим зарур, албатта зарур.

Алиса. Єраббий!

Максузлла. Бу гапни орқага ташлаб бўлмайди. Гоҳо ўз вақтида айтилган бир сўз ҳам...

Алиса. Нима гап ўзи, гапир, Рой!

Максузлла. Бретт. (*Үртага жисмлик чўкади*).

Лэнгдон. Албатта, энди буни ҳар тарафдан эшигаверамиз.

Алиса. Менингча Рой блан ҳолироқ гаплашсам бўларкан. Агар биз боққа чиқиб сузлашсак қарши әмасмисан?

Лэнгдон. Мени аччиғи келади деб қўрқаяпсанми? Қўрқма, унимни ҳам чиқармайман.

Максуэлл. Барибир, қачон бўлмасин, сенатор эшитмай қолмайди. Бутун шаҳарда дув-дув гап...

Алиса. Ёраббий, нима бўпти?

Максуэлл. У қайтиб келгандан бери бу биринчи бўлаётган шов-шув эмас... Бизнинг кўнгилчанг қораларга, негрларни яккалашиб қўйиш-ма'навий хато ва албатта бу узоққа бормайдиган нутқидан кейин бу шов-шувлар авж олди. Бундан ташқари менга айтишдики...

Алиса (*юмшок*). Бу сўзларни илгари ҳам эшитганман. Бретт Ричардсон эмас, ҳаммага икки букилиб салом бергани. Лекин Бреттнинг бирор кишига зарар етказганини билмайман.

Максуэлл. Кечаки, овқатдан кейин, нима қилганини билсанми?

Алиса. Йўқ.

Максуэлл. Мен худди мана шу нарсани айтгани келдим.

Алиса. Нима қипти?

Максуэлл. Қараки, халқ кутубхонасига кирипти...

Алиса. Нега энди кирмасин?

Максуэлл. У, хўроздай кеккайиб, тўппа-тўғри кўча эшигидан кириб борипти. Ҳамма кўрипти буни.

Гоуард. Кирган бўлса неажаб? Ҳайронман.

Максуэлл. Сэр, сиз буни тушунмайсиз. (*Алисага*) Айтишларига қараганда, тўғри мисс Чатэм олдига бориб дўқ урган. Китоб бер, деб талаб қилган эмиш. Бечора мисс Чатэмнинг эсхонаси чиқиб кетибди, ўзини зўрға тутиб: сендан, ё бўлмаса сенатордан хат олиб келган-келмаганини сўрапти. Мисс Чатэм унинг чўнтағида қурол бор эди деган эмиш.

Алиса. Бўлмаган гап!

Максуэлл. Улар шундай дейишаётпи.

Алиса. Бреттда қурол нима қилсин.

Максуэлл. Автомат тўппонча олиб келган бўлиши мумкин.

Гоуард (*мулойим*). Ҳайронман, нима учун ҳамиша автомат тўппонча дейишааркин?

Максуэлл (*совуққина*). Автомат—немисларнинг машҳур қуроли... (*Алисага*) Ҳарнечук унинг чўнтағида автомат тўппонча бор эди, дейишаётпи. Бўлмаса китоб ололмас эди, дейишаётпи. Улар, мисс Чатэм қўрққанидан дир-дир титраб, китоб полкаларига эўрга етиб борипти, дейишаётпи. Мисс Чатэм кутубхонада ундан китоб йўқ, деб айтишга ҳам қўрқкан эмиш, негаки Бретт мисс Чатэмнинг орқасидан дума-дум бораверилти. Мисс Чатэм китоб беришга мажбур бўлипти, уларнинг айтишларига қараганда, мисс Чатэм ҳаёти қил устида қолган эмиш.

Алиса. Ўзинг мисс Чатэм блан сўзлашдингми?

Максуэлл. Йўқ. Уйида ётипти. Уни кўрпа-ёстиқ қилиб ётқизиб доктор чақиришипти. (*Алиса қўнғироқ ишини тортади*)

Алиса. Рой, бўлмаган гап, мисс Чатэм тентак, шаллақи хотин, буни ўзинг ҳам биласан...

Максуэлл. Тўғри, мисс Чатэм камбағал хотин, лекин у, биз...

нинг мұтабар оиласларимиздан бирига мансуб. Бу ҳақ гап. Үлар әнді одамлар кутубхонага киришга құрқишиади, дейишаипти.

Гоуард (босиқ). Мистер Максуэлл, кимлар бўлди ўша сирли „улар“?

Максуэлл. Нима дедингиз?

Гоуард. Сиз ҳарбир гапингишни „улар дейишаипти“ деб тутатаяпсиз, мен уша уларни кимлар эканини билмоқчи әдим.

Максуэлл. Ҳамма..

Гоуард. Уларнинг айтишига қараганда ўша воқия юз берганда, кутубхонада бўлғанлардан биронтасининг номини айтаоласизми?

Максуэлл. Йўқ, аниқ билмайман, кимдир...

Гоуард. Ўзим ҳам шундай деб ўйлавдим-а.

Максуэлл (ўзини босиб). Сиз, маҳаллий аҳолининг түғри сўзлигига шубҳаланаисизми?

Гоуард. Ҳа, шубҳаланаман. Ўша сирли „улар“нинг ҳаммаси ёлғончи. Сиз ҳам ўшаларнинг бири. (Максуэлл ғазаб блан қотиб қолади. Гоней киради).

Алиса. Гоней, Бреттни чақириб юбор, буёққа кирсин.

Гоней. Хўп, мәм. (Чиқади).

Максуэлл. Мистер Меррик, мендан узур сўрашингишни илтимос қиламан. Сиз мени ёлғончи дедингизми?

Гоуард. Худди шундай. Ёлғончисиз! Ҳозирнинг ўзида бир арава ёлғон гап қилдингиз. Балким беихтиёрдир, ҳарҳолда ёлғон гапирдингиз.

Максуэлл (Лэнгдонга). Сенатор, уйингизда, бундай нарсаларга қандай чидайсиз?

Лэнгдон (ҳорғин). Мистер Меррик жануб кишиларининг назокат ва одатларини билмайди. Ўтмишдаги гиламфуруш боболаридаи, бу ҳам сафсата сотишни яхши кўради.

Гоуард. Сенатор Лэнгдон, кечак овқатдан кейин ўзим кутубхонада бўлувдим. „Нью-Йорк Таймс“ газетасини бу шаҳарда фақат ўша ердан топиш мумкин экан, холос. Бретт келганда ўша ерда әдим. Воқиани ўз кўзим блан кўрганман.

Алиса. Үндаи бўлса нега менга айтмадинг?

Гоуард. Сенга айтишини ҳеч ҳам ҳожати йўқ әди, чунки арзийдиган ҳечнарса, мутлақо ҳечнарса бўлгани йўқ. Ахир сен ҳозир Рой айтиб берган ваҳималарга ўзинг ҳам ишонмаётиссанку.

Алиса (оҳиста). Бретт кўча эшигидан кирдими?

Гоуард. Ҳа, кўча эшигидан кирди. У мисс Чатэмдан Қўшима Штатлар олий суди Холмснинг янги биографиясини сўради. Эҳтимол бу мисс Чатэмга ёқмаган бўлса, лекин у қўрқиб эс-песини ҳам йўқотгани йўқ.

Алиса. Орқасидан дума-дум әргашиб юрдими?

Гоуард. Кузатиб борди, агар бирга бормаганды, мисс Чатэм нарвонсиз китоб ололмас әди.

Алиса. Ўшанда кутубхонада бирор киши бормиди?

Гоуард. Эсимда бўлса, у ерда бошқа бир кампир ҳам бор әди. Тушундим. Ҳамма гап ана ўшандан чиқкан. Бретт кетган-

дан кейин, ҳалиги хэтин мисс Чатэм олдига борди, улар иккаласи әнгашиб олишиб, нималарни дир пичирлашди, эяди бўлса бутун шаҳарда дув-дув гап... шундан кейин „мисс Чатэмнинг кўнгли кетиб қолди“ деган гап тарқалган.

Максуэлл (Бретт кириши блан.) Сен балога қолдинг, бола!

Алиса. Рой, бас энди. (Бреттга.) Ҳечқандай бало-палоси йўқ, Бретт.

Максуэлл. Агар буни кеча кечқурун билганимда, касофати мактабинг учун ўйлаброқ қўл кўтарардим.

Алиса. Рой, бор энди, илтимос қиласман. Буни, икковимиз Бретт блан сенсиз ҳам гаплашиб оламиз.

Максуэлл (хафа). Энди албатта, кетганим тузук. (*Famfin Лэнгдонга қарайди.*) Сенатор ўзини тутоладио, мени йўқми?

Лэнгдон. Конгресснинг бўлажак а'золари ўзларининг жиззадай жизганогини чиқарган блан мурод ҳосил қилиб бўлмайди. Ма'қули бомбани керак вақтида портлатиш фойдалироқ.

Максуэлл (кетмоқчи эди, кейин тўхтаб Гоурдга тикилади ва дағаллик блан). Ўзингизга ишончингиз зўр экан, мистер Меррик. Яхши, оқилона гаплар қилдингиз. Аммо шуни айтишим керакки, сиздан кўра мисс Чатэмнинг сузларига кўпроқ ишонаман. (*Кетади. Алиса Бреттга қарайди.*)

Алиса. Бретт, кеча кутубхонага борибсан, шу ҳақда бутуғ шаҳарда дув-дув гап.

Бретт. Ҳали шунинг учунми, мистер Максуэллнинг: „каттабалога қолдинг“ дегани.

Алиса. Сен кўча эшигидан кирган экансан, мисс Чатэм шуни кўширтириб гап-сўз қипти.

Бретт. У ерда қоралар кирмасин деган ёзув йўқ экан. Буни кирмасимдан олдин текширувдим. (*Лэнгдон қовғани солиб жум туради.*)

Алиса. Демак, билиб-туриб кирибсан-да?

Бретт. Буни қонун ман қилмаган деб ўйловдим.

Алиса. Аввал мендан маслаҳат олсанг бўларди.

Бретт. Кечирасиз, мисс Алиса, наҳотки жамоат кутубхонасининг остонасини босмоқ учун ҳаргал сиздан маслаҳат сўрасам?

Алиса. Албатта йўқ... Аммо... қадамимизни эҳтиёт бўлиб, оҳиста ташламоғимиз керак.

Бретт. Нега оҳиста? Агар биз бир ерда тўхтаб турар эканмиз, орқага кетамиз.

Алиса. Шунинг учун ҳам шов-шув кўтариш шартми? Ўн икки ёшингдан бери доимо китоб олиб келасан. Ҳаргал олдимга келардинг, хат ёзиб берардим, бориб олардинг. Шундан яхшиси борми?

Бретт. Энди мен бола эмасман, мисс Алиса. Мактаб директориман.

Алиса. Балким сен ҳақдирсан. Мени на мисс Чатэм ва на бошқаси қизиқтиради. Аммо бу сен учун хавфли ва биз учун кўнгилсизликдан бошқа гап эмас. Бретт, сен ҳақми ё ноҳақми, ҳарнечук бундан кейин сенга кутубхонадан китоб керак бўлиб қол-

са, марҳамат... мендан хат ёэдириб ол. (*Бретт жавоб бермайди.*)

Бретт (*жим түргач, одоб блан Алисага бурилди*). Мисс Алиса, бордию менга күча эшигиданми ё орқа эшикданми киришга тўғри келиб қолса, ҳар гал маслаҳат сўраб олдингизга келишга ва'да беролмайман.

Алиса. Яхши, Бретт, кетсанг бўлади. (*Бретт кетмоқчи бўлади.*)

Лэнгдон. Бир пас тўхта! (*Бретт тўхтайди.*) Гонейни чақириб юбор.

Бретт. Хўп бўлади, сэр. (*Чиқади.*)

Шун тепадан Женевра тушиб келади. Бретт блан Женевранинг кўзлари бир-бира блан тўқнашади, Бретт ерга қараб чиқиб кетади. Женевра уйга тушади ва Бретт туфайли рўй берган бу оғир ҳолатни дарҳол фахмлайди.

Женевра. Нима бўлди сизларга?

Алиса (*паришонлик блан*). Ҳеч, Невви.

Лэнгдон (*кескин*). Меррик, соатни йўқотгансиз, деб ўйлолмайман. Бирор ким ўғирлаган уни.

Гоуард. Топилиб қолар. Айб менда, ўзим ҳам тузук-қуруқ қидирганим йўқ.

Лэнгдон. Эҳтимол... лекин аминманки уни Бретт ўғирлаган.

Алиса (*ҳаяжон блан*). Ота!

Женевра (*қўрқиб Алисага қарайди*). Алиса, нималарни деяпти?

Алиса. Жим, Невви!

Женевра (*Лэнгдонга*). Ота, ахир бундай сўзни айтиш даҳшат-ку. (*Гоней киради.*)

Лэнгдон (*хотиржам*). Буёққа кел, Гоней.

Гоней. Ҳозир, сэр.

Лэнгдон. Мистер Меррикнинг уйини кеча сен тозаладингми?

Гоней. Мен тозаладим, сэр. Яхшилаб тозалаб қўювдим.

Лэнгдон. У ерда занжирли соат кўрмадингми?

Гоней. Мистер сенатор, яна ҳаммаларинг соатни мени олди деб ўйлаяпсизларми?

Алиса. Йўқ, Гоней. Ҳечким ҳечқандай соат олгани йўқ.

Лэнгдон. Кечак мистер Меррикнинг уйига ким кирди?

Гоней. Худоё тавба, мистер сенатор, ким кирганини билмайман. (*Шангилаб*). Худо ҳаққи, мистер сенатор, ҳечқанақа соат кўрганим йўқ!

Лэнгдон. Ўпкангни бос, Гоней, биламиз сен яхши қизсан. Сени ўғри қилаётганимиз йўқ. Ўзингни бос. Ўлачи, мистер Меррикнинг уйига яна кимни кириши мумкин?

Гоней (*иккиланиб*). Масалан, Бретт... кирувди... аммо соатни Бретт олди деялмайман.

Алиса (*ковогини солиб*). Гоней, буни ҳозир ўйлаб топдинг.

Гоней. Йўқ, мәм. Рост. Белла кеча Бреттга; „тепага чиқиб эски деразани тузатиб қўй, ёпилмай қолибди“ деди. Бретт тузатиб қўйди.

Лэнгдон. Раҳмат, Гоней, энди бўлди, боравеғ! (У кетмоқчи бўлганда уни яна тўхтатади). Гоней, бу ҳақда Белла блан Бреттга оғиз очакўрма.

Гоней. Хуп, сэр. Қўрқманг. Мистер Ҳовлиқма кейинги кунларда мен блан унча гаплашмай қўйган. (Чиқади.)

Лэнгдон (Алисага). Хўш, мен сенга нима девдим?

Алиса. Ота, бу бўлмаган хаёл.

Лэнгдон. Мана уни ҳамма вақт оппоқ қилишинг шунга олиб келди.

Женевра (Алисага). У нима деяпти, нима деяпти? (Лэнгдонга разаб блан.) Сенинг бу қилифинг жуда ҳам хунук.

Алиса. Ўзингни бос, Невви!

Женевра. Кўрмайсанми, у нималарни ўйлаётпи?

Алиса. Биламан, Бреттда айб йўқ.

Лэнгдон. Айб йўқ, минг ла'нат! Мен бунақа нарсаларни дарров сезаман. Сен буни тушинмайсан. (Кўкрагига муштлаб.) Сезиб турибман. Буни мана бу еримда сезиб турибман.

Алиса. Беҳуда гап!

Лэнгдон. Агар менинг тажрибам сенда бўлса, сезгининг нималигини сен ҳам билардинг. Мен унинг уйири тинтиб чиқаман.

Алиса (тез унинг қўлидан ушлаб). Йўқ, тинтимайсан.

Лэнгдон. Қизим, ол қўлингни! Тинтийман дедим, тинтийман.

Алиса. Ота, яхши эмас.

Лэнгдон. Торт қўлингни! (Чиқади).

Женевра. Бирга кир, Алиса! Тинтигани қўйма!

Алиса. Бу ўйда ҳечқачон бунақа шармандалик бўлмовди. (Лэнгдон орқасидан чиқади.)

Женевра. Наҳотки Алиса Бреттнинг уйини тинтишга йўл қўйса?

Гоуард. Нима гап ўзи? Ҳечнарса бўлмайди.

Женевра (Гоуардга қарамай). Одам осганларини ҳеч кўрганимисиз?

Гоуард. Ҳечқачон.

Женевра. Бир кун мен кўрганимсан. У вақт ўн уч ёшда эдим. Менинг кўрганимни ҳечким билмайди, ҳатто Алиса ҳам. Бу дас'янинг нариги ёғида бўлувди. Кўнглим ёлғизликни тусадиу, якка ўрмонга бордим. Бир вақт шов-шув, уртўшалон бўлиб қолди... қарасам мен томонга бир гала одамлар келаяпти... уларни кўриб бекиниб олдим. Лекин ҳаммасини кўриб турдим. Уни уравериб ёзиб ташлашипти, усти паррон, қонга буланган, бўйнида чилвир... Улар уни дағаҳт остига олиб келишди, уни осиб қўйишгандан кейин улар аввалгидан ҳам қаттиқ хаҳолаб кулишди. У эса ипга осилган қўғирчоқдай саланглаб турар эди. Кимдир уни қуриқ шиша блан урди. Эркаклар, гўё уни тез ўлиб қолганига, энди қайтиб уни осишолмаганлариға алам қилгандай, роса сўкишди. Балким, мен бечора қора жасадни унитарман, аммо уни осган батшараға ўхшайди. Агар у, ҳозир кириб Бреттнинг уйини тинтиса, бу ҳам ўшанақа суд деган гап. У, бундай раҳимсизликдан ҳузур қиласди.

Гоуард (дадил). Сиз Бреттни яхши кўрасиз. (Жимлик.)

Женевра. Гоуард сиз жуда содда экансиз. Шунаقا, тушунмаймиз. Бу ҳақда оғиз очишнинг ўзи хавфли. Ажабо, бунақа ишда айбланган хотинларнинг бошига нималар солинишини билмайсизми? Ундан, негрдан ҳам баттар жирканишади!

Гоуард (мулойим). Мен ўз сўзларимни қайтиб олдим.

Женевра. Энди бунинг учун бир стакан вино ичсан ҳам арзиди.

(Гоуард сервантдан вино қуяди. Женевра ўтиради. Гоуард олиб келиб тутади.)

Женевра. Қўлим титраб кетаяпти. (Оҳиста ичади.) Мен ўз виждоним олдида иномусли бўлишни истайман... У жуда ажойиб одам Гоуард. Кошки сиз унинг нақадар қувватли, нақадар шафқатли эканини билсангиз эди... (Алиса блан Лэнгдоннинг товуши эшитилади).

Алисанинг товуши. Бундай дема, хизматчилар эшитса...

Лэнгдоннинг товуши. Тўғри, бу кундан ҳам равшан.

Алисанинг товуши. Ота!

Лэнгдоннинг товуши. Алиса сен полицияни чақир! (Чиқишади.)

Алиса. Йўқ.

Лэнгдон. Жуда соз, ундан бўлса ўзим чақираман. (Телефонга қараб юради).

Алиса. Ота, бироз сабир қил. Бордию, соат топилиб қолса, унда нима қиласан? Сезгинг бунга нима дейди? Ўсал бўлиб қолмагин тағин? Эсингда бўлсин, Бретт ялангёёқ батрак эмас, уруш қаҳрамони. Яна кейин ундан узур сўраб юрмагин. (Лэнгдон ғазаб блан қарайди). Ана ўшанда нима дейсан?

Лэнгдон (бир лаҳзадан кейин, ўзини босиб). Ўзинг биласан, полицияни ўзим ҳам чақиришим мумкин, лекин, сени чақиришини истар эдим. (Ётогига кириб кетади.)

Женевра. Ёраббий, у мақсадига етаман деб ўжарлик қилаяпти.

Алиса (енгил тортиб). Афсуски, отамнинг гумон қилишига бир чаккаси Бреттнинг ўзи сабаб. Бреттга бир бало бўлган. (Гоуардга.) Сен эшитувдинг, Бретт мендан конференцияга борсам майлими, деб сўравдик. Ўшандаёқ у мени алдаган экан.

Женевра (ниҳоятда эҳтиёт бўлиб, Алисага). Қандай қилиб алдаган?

Алиса. Поезд билети чўнтағида туриб... (қўлидаги қонвертни кўрсатиб.) Отам бу билетни сезиб қолди, бунинг устига, у билетни столининг устига ташлаб қўйибди.

Женевра. Унда бўлса нега уни алдамчи дейсан?

Алиса. Биз Бретт блан сўзлашганимизда конференцияга бормасликка рози бўлувди.

Гоуард. Кечирасан, жоним, лекин унинг рози бўлганини мен эшитмавдим. Унга бормагин деб, сен айтдинг. Бунинг фарқи катта.

Алиса. Қўйсангчи, Гоуард!

Гоуард. Мен фақат масала оникроқ бўлсин деяпман.

Алиса. Эҳтимол бу масалани қандай изоҳ қилишга боғлиқ-дир. Бўлмаса у, менга нега билет олганини айтмади? Қандай қилиб юмшоқ вагонга билет олди экан?

Гоуард. Бу шунаقا қийинми?

Алиса. Ҳа, унга ҳечким билет сотмайди.

Женевра (*бемалол*). Мен олиб бердим.

Алиса (*унга бурилиб*). Сен?

Женевра. Мен! Бретт менга пул берди, станцияга бориб ўзим олиб бердим.

Алиса. Невви?

Женевра. У мендан илтимос қилди.

Алиса (*қўрқиб*). Невви, буни ҳечким билмайдими?

Женевра. Ҳали ҳечкимнинг билмаслиги керакми?

Алиса. Нега энди бирдан Бреттга ёрдам қилишни ўйлаб қолдинг.

Женевра (*қизариб*). Балким сен Бреттга менгина хўжайин деб ўйларсан!

Алиса. Невви!

Женевра. Гап шундақа! Биз ёшлигимизда ҳам сен зўпидинлик қиласардинг! Унга нима қилиш кераклигини ҳамма вақт ўргатиб турасан! Қўй энди, у нима хоҳласа ўшани қилсин.

Алиса (*қовоғини солиб*). Гапларингга тушинмайман. Мутлақо тушинмайман. Мен Бреттни чақираман.

Женевра (*шошиб*). Кераги йўқ, Алиса, кераги йўқ. Яхши ёмас.

Алиса. Менимча унинг изоҳ бериши лозим. (*Кўнғироқ томон юради*)

Гоуард. Тўхта Алиса. (*Алиса тўхтайди*.) Сенга айтиб қўйишм керак. Агар мен Бретт бўлганимда эди, мен сендан... (*Гоуард бирдан сўзини кесиб қўяди*, Белла киради. Унинг қўлида патнус, патнусда конвертга солинган хат. Унинг юзи бўзданай оқарган, парвосиз).

Белла. Сизга, мисс Алиса.

Алиса. Ташаккур. (*Унга билет солинган конвертни беради*.) Белла, буни Бреттнинг уйига олиб кириб столининг устига қўй!

Белла. Хўп, мэм. (*Чиқади*).

Гоуард. Сени шунаقا бирвларнинг нарсасини олиб чиқиши одатинг борми? Бунинг учун ўзингни оқлайоласанми?

Алиса (*хатни очиб*). Йўқ, мен ўзимни оқламайман. Нега Бретт мен блан очиқ гаплашмайди? Илгари ҳамма сирини менга айтар эди. Тушинолмайман, нега менинг хоҳишимга қарши Атланта бормоқчи? Майли, мен унинг йўлини тўсмайман. Аммо... борса ана ўшандар... гаплашаман. (*Жим бўлиб қолади. Юзи тумтаяди*) Ераббий!!!

Женевра. Нима экан, Алиса?

Алиса (*конвертни кўзидан кечириб*). Имзоси йўқ, адреси ҳам.

Женевра. Қанақа хат экан бу?

**Алиса** (дүғиқ овоз блан хатни ўқиіді). „Алиса Ләіглсі! Сиз негрга ўйнашсаң! Сиз блан ұчким олишмоқчи әмгс, негаки сиз-нинг пулингиз күп. Аммо, әхтиёт бўлинг! Кече кечқурун, ўрмондан чиқиб келаёттанингизда, қора болангиз Чарла Бреят блан кўрдик. Эҳтиёт бўлинг!!!“ Ким ёсса ҳам аҳмоқ одам ёзипти.

**Гоуард.** Хатини ҳам жўрттага бузиб ёзган. (**Женеврага қарайди.** Женевра ҳаяжонда). Бирорта аҳмоқ ёзгани аниқ.

**Женевра** (ваҳмасини зўрга бессиб). Энди нима қилмоқчисан, Алиса?

**Гоуард** (**Женеврадан кўз узмай**). Нима ҳам қиларди, хат салганини унитади қўяди.

**Алиса** (**ҳайрон**). Йўқ, ҳеч ҳам унитмайман. Биз бу аҳмоқни кимлигини билмай қўймаймиз... Ҳозир Ройни чақираман.

**Женевра.** Йўқ! Чақирма! (**Алиса тўхтаб қолади, бурилиб Женеврага тикилади.** Женевра зўр ташвиш блан сўзиса давом этади.) Утинаман сендан, чақирма уни, Алиса!

**Алиса.** Невви, жинни бўлдингми?! Менга шуқадар дўқ қилсину, мен индамай турай, шундай қилсан яхшими, Невви?

**Женевра.** Ялинаман, Ройни чақирма. (**Алиса унга бир қараб қўяди, кейин телефонга боради.**) Бреттниг ҳурмати учун сендан сўрайман, чақирма! Унинг бошига тушган шунча балолар ҳам етар. (**Алиса телефон трубкасини олади.**) Хатни ким ёзган бўлса ҳам бари-бир, ҳечнарса қилолмайди! Исботи йўқ! Ҳечким ишонмайди! (**Алиса тўхтаб қолади.** Оҳиста Женеврага қарайди, бирдан шубҳаланабошлайди).

**Алиса.** Женевра, кеча кечқурун қаерда әдинг? (**Женевра индамайди.**) Айт қаерда әдинг?

**Женевра.** Бирёққа борувдим.

**Алиса.** Қаёққа, айт!

**Женевра** (**бўшашиб**). Кинога. Кинода әдим...

**Алиса.** Кинода? Қанақа картина өкан?

**Женевра.** О, сен кўргансан, Фредирик Марч... бу фильмда...

**Алиса.** Фредирик Марч ўтган ҳафта бўлувди-ку?

**Женевра** (**бўшашиб**). Шунақами?

**Алиса.** Бретт блан бирор ерга борганимидинг?

**Женевра.** Ҳа, борувдим.

**Алиса.** Илгари ҳам борармидинг, айт, куйдирма мени!

**Женевра.** Йўқ.

**Алиса.** Кече кечқурун у блан сени кўришдими?

**Женевра.** Афсуски... кўришиди.

**Алиса** (**чукур қайғи блан**). Афсуски!.. Қандай қилиб бординг? Е сени у мажбур қилдими, а?

**Женевра.** Йўқ, мажбур қилгани йўқ. Ўзим таклиф қилдим. Биз дар'ё бўйини айлангани бордик.

**Алиса.** Кечаси? Елғиз? Айлангани?

**Женевра** (**ғам емай**). Ҳа.

**Алиса.** Гапимга бирор кимса ишонади деб ўйлайсанми? Мен ўлсан ҳам ишонмайман.

**Женевра.** Нега энди ишонмасин?

Алиса. Сен уни ҳимоя қилмоқчисан!  
Женевра. Албатта.

Алиса. Нима учун ҳимоя қиласан уни?  
Женевра. Менга ёқади.

Алиса (*шипшиб*). Невви! Ахир уни сен ёнингга ҳам йўлатмас эдингу? Ераббий! Сен бунга мон'илик қилишинг керак эди.

Женевра. Мен унга мон'илик қилмадим, чунки у менга яқинлашгани ҳам йўқ.

Алиса. Ёлғон айтаяпсан.

Женевра. Йўқ, рост.

Алиса. Бўлмаса менга нега илгарироқ айтмадинг! Нима учун мендан яширишга уриндинг?

Женевра. Тўғри, лекин аҳмоқлик қилдим, асли яширадиган ҳечнарса ҳам йўқ эди.

Алиса. Ундаи бўлса нега қўрқиб кетдинг? Ё уялдингми?

Женевра. Йўқ, уялганим йўқ. Рост гапирайпман! Бутун гапни очиқ айтишим мумкин. (*Оҳиста, алам блан*). Мен энди тушудим, агар... у... агар.. у мени қучоқлаганд... мен унга қаршилик қилмас эдям. Балким хурсанд бўлардим.

Алиса. Синглим... синглим!..

Женевра (*соддагина қилиб*). Шунаقا, мен уни севаман шекили.

Алиса. Бас!, гапирма бу гапингни! (*Курсига бориб ўтиради*.)

Женевра. Нега сенга айтмай, мен уни севаман!

Алиса. Бундан кўра ўлганинг яхши эди.

Женевра. Ҳа, ўлганим яхши эди, иш бирёзлик бўлар эди. Аммо энди ўлишни истамайман... Фақат буердан кетаман.

Алиса. Тавба, қандай қалиб бу мажорани илгари сезмадим! У қайтиб келган куни... сен уни кутиб олдинг...

Женевра. Аминманки Ройни ҳам, бошқаларни ҳам чақирмайсан. Мени фош қилмай туриб Бреттни ҳечнарса қилолмайсан. Бу ҳечдам қўлингдан келмайди. Нима бўлганини тушунасану, кейин ҳаммасини унутасан. (*Алисанинг олдига бориб унга тикилади. Алисанинг елкасига қўлни ташлайди*.)

Алиса (*ундан четлануб*). Яқинлашма менга!

Женевра (*биroz жумур тургач*). Яхши, мен сенга яқинлашмайман. (*Бурилиб зинапоя томонга юради*.)

Гоуард. Икковига ҳам ачинаман, икковига ҳам.

Алиса (*оҳиста унга назар ташлаб*). Қандай қилиб бунга бепарво қараисан? Биласанми бунинг оқибати нима бўлади? У, жинни бўпти. Ақлини йўқатган... Бўлмаса нега бундай қилади? Йўқ! Уни мажбур этган! Албатта мажбур этган, экс ҳолда бундай бўлмас эди. У сиҳирлаб олган уни.

Гоуард. Бас қил!

Алиса. У сиҳирлаб олган.

Гоуард. Нима деяганингни ўзинг билмайсан.

Алиса (*ўрнидан туриб уёқдан-буёқка юради*). Албатта! Мен буни биринчи куниёқ сезишм керак эди... Ераббий! Қандай қилиб гафлатда қолдим-а? У, пок, ҳали кўзи очилмаган қизалоқ эди. Қандай қилиб уни ўзига яқинлаштириди... Тўғри, буни олдиндаи

ўйлаб қилган. У... У, ҳаммасини олдиндан ўйлаб қилган. Кутубхона, Атлантдаги конференция, ҳаммаси олдиндан ўйланган. Энди равшан, у ҳечкимни аямайди... Қўлидан келганини қиласди... (Юришдан тўхтаб бирдан телефон олдига келади ва трубкани олади). Полиция бошлиғи Сәркин конторасини беринг!

Гоуард (*Алиса томон қадам ташлаб*). Алиса, ўтинаман...

Алиса. Қўй мени, аралашма, Гоуард.

Гоуард (*яқинроқ келиб*). Яхши бўлмайди, улар Неввиви билб қолишади.

Алиса (*огир азоб блан*). Мен Неввиви ҳимоя қилмоқчиман...

Гоуард. Сен ҳалок қиласан уни!

Алиса. Қутқариб қоламан! (*Трубкага*) Сәркин!

Гоуард. Алиса, менга қулоқ сол!

Алиса (*телефонга*). Алиса Лэнгдон гапирайти. Мен қамоқца олишларингни сўрайман... Тўғри, Бретт Чарлзни. У, ҳозир бизни-кида... жуда соз. Тезроқ келишларингни сўрайман... Соат ўғирланган! (*Телефон трубкасини қўяди, ўзига тикилиб турган Гоуардга карайди. Стол ёнига боради ва ўзини босиши ниятида сигарет чекади*)

Гоуард (*хатиржамлик блан*). Бу нақадар осон! Фақат полицияга телефон қилинса бас. Демак биз, соатни у ўғирламаганини инкор этамиш экан-да.

Алиса. Ўша ўғирлаган.

Гоуард. Ҳалигина Бреттни жуда яхши ҳимоя қилаётувдинг, энди бўлса бирдан ўғрига чиқариб қўйдинг.

Алиса. Сен бунақа нарсаларни тушунмайсан.

Гоуард. Тўғри, тушинмайман.

Алиса. У, бузилган. Унинг қўлидан ҳамма нарса келади. Соат ўғирлаш унинг учун ҳеч гап эмас.

Гоуард. Ҳа-а-а, энди тушундим. Демак, у оёгини синдириб олган зотли отга ўхшайди. Бечора отнинг оёғини синдириб олгани учун ачиниш мумкин-у, лекин уни тирик қўймаслик керак эканда. Уни отиб ташлашдан аввал бироз ўйлаш яхши бўлмасмикин?

Алиса. Отам ҳақ экан. У, Бреттнинг ўзгариб қолганини дарров пайқаган.

Гоуард. Мана энди, отангни бутун ёвуэ ниятларига қўшиласан.

Алиса (*совуққина*). Отам, балким қариб қолгандир, броқ у ўз вақтида катта киши бўлган. Ҳечким ва ҳечқачон унинг олийжаноблигига шубҳаланган эмас.

Гоуард. Ўзинг айтаяпсан: „бир вақтлар“ деб, аммо сен бир вақтлар эмас, ҳозир, бизнинг кунларимизда яшаяпсан-ку. Ўтмишда отанг ким бўлмасин, энди у... Мен аввал отангни заарсиз деб ўйловдим, энди билсам, заҳарли илон экан. Бреттни қаматиш хаёлига келган минутдан бошлаб гўё у занжиридан бўшаб кетганга ўхшайди. Касалини ҳам, куни соз қолганини ҳам мутлақо унитди. Ниҳоят унинг зўр муваффақияти сени қопқонига илинтириди.

Алиса. Гапириб бўлдингми?

Гоуард. Йўқ, эрталабгача гапирсам ҳам тугамайди. (Бирдан

Алиса йиғлаб ўзини диванга ташлайди.) Ма, бурнингни артиб ол! (Дастрўмолини беради).

Алиса. Гоуард, сенга битта саволим бор, майлим??

Гоуард. Марҳамат. (Диванга ўтиради ва Алисага қарайди).

Алиса. Агар сен менинг ўрнимда бўлсанг, нима қиласдинг?

Гоуард. Тўғрисини айтсам билмайман.

Алиса. Агар сенинг синглинг бўлсаю, шу воқия сенинг уйингда юз берса, айт, нима қиласдинг?

Гоуард. Аминманки, полицияни чақирмаган бўлардим.

Алиса (қат'ий). Айт!!! Нима қилас әдинг сен?!

Гоуард. Оқилона иш тутишга ҳаракат қиласдинг. Мен Бретт блан Неввиини, бир-бирини яхши кўрганларини кўпдан бери пай-қаб юрибман. (Ўрнидан туради.)

Алиса. Менга бир оғиз ҳам индамадинг!

Гоуард. Ҳа, индамадим.

Алиса. Нега?

Гоуард. Бу менинг ишим әмас, бу ҳақда сен ҳам бекорга оғиз очдинг, сенинг ҳам ишинг әмас эди.

Алиса. Йўқ, менинг ишим. Бу ҳар-бир оқ танли одамнинг иши. Бўлмаса қандай қилиб оқ ирқнинг тозалигини сақлаб қоламиз? Агар шундай воқия юз бераркан биз уни қоралаймиз... Сен ҳайриҳоҳлик қиласяпсан, кўнгли бўш аҳмоқ!

Гоуард (фазаб блан). Сизнинг оиласигиз бошлаган ур-йиқитга қўшилмаганим учун-да.

Алиса (аламли). Ур-йиқитга!

Гоуард. Ҳа, ур-йиқитга! Агар сенга ёрдам керак бўлса, суд эшиги олдида ўтирган безориларни чақир. Ана ўшалар ёрдам беради сенга! Сени хурсанд қилиш учун ҳатто Бреттни ҳам осиб беришади. Эҳтимол бу сени қувонтирап!

Алиса (ундан юзини ўғиради ва титрайди). Сен блан гаплашишни истамайман, йўқол! (Гоуард ўнга тикилиб туради, кейин қўлидан ушлайди).

Гоуард. Алиса... Алиса, азизим. Ўртамиизда фақат биргина илинж қолди.Faқат биргина! Полиция келгач уни қайтариб юбор! Бреттни олиб кетмаслиги керак, у қамалиб қолса эртага мен никоҳга боролмайман! Полицияни қайтариб юбор! Биз Неввига ёрдам берайлик. Балким Бреттга ҳам ёрдам қилаолармиз. Худо ҳурмати маданий кишилар бўлишга уриниб кўрайлик.

Алиса (оҳиста). Мен ўз билганимни қиласман!

Гоуард. Ундей бўлса, мисс Алиса, бу гўзал жанубда—сизникида—тўрт ҳафта ўтказган ажойиб кунларим учун ташаккур. (Зинапоя блан чиқиб кетади. Шу вақт Лэнгдон чиқади ва уйни бир айланни курсига ўтиради.)

Лэнгдон (Алисани қайғили эканинн билиб).Хўш, нима бўлди?

Алиса (зўрга). Ҳозир полиция келади.

Лэнгдон. Яхши.

Алиса. Бреттни қамайди.

Лэнгдон. Шунаقا дегин...

Алиса. Ўзим чақирдим.

Лэнгдон (эжтиёткорлик блан). Қора малайнинг ҳуқуқи учув ҳозиргина олишиб турган шафқатли хонимга нима бўлди-а?

Алиса. Ўтинаман, ота, бас.

Лэнгдон. Эндиғина негрларнинг жиноят қилишига ишонмай-турган олтинимга нима бўлди? (Алиса ийғлаб отасининг олдига чўкалайди).

Алиса (ғамгин). Ота! Ота! Эртага никоҳ бўлмайди...

Лэнгдон. Тушиндим, сени ўлиб турганингни билиб ўзини тарозуга солиб қопти-да. (Алиса юзини ўгиради.) Бунинг учун ачинаман деб айтаолмайман... сен менинг қизимсан, Алиса. Сенга ёқмаса ҳам шуни айтиб қўяй, сен менга ўхшайсан. Сенга худонинг ўзи ёр бўлсин... Хўш, полицияни чақиришга сени нима мажбур қилди?

Алиса. Бас, гапирмай қўяқол...

Лэнгдон. Яхши, бунинг аҳамияти йўқ. Сен шу ерда, мелинг олдимда қоласан, энг муҳими шу. (Унинг бошини силаб). Эсингдами, кичкиналигингда, қачон мен сенатда сўзга чиқсан ҳамма вақт тепада ўтирас эдинг... сен мени дунёда энг мутабар киши деб билардинг... Онанг Парижда олиб берган оқ кўйлакни кийиб юрардинг. Президент Гардинг блан таништириб қўйганим эсингдами? Сен унга: мён сизни жуда ҳам ҳурмат қиласман девдинг. (Алиса кулимсираб ўрнидан туради.) Сен шу ерда қоласан! Мен блан бирга-ал

Алиса. Ҳа, ота. (Бирор жум бўлиб). Тепага чиқиб кўйлагимни ечиб тушай. (Кетаёлиб.) Нега кийдим, ўзим ҳам билмайман. Яхшиси киймаганим дуруст экан. (Лэнгдон Алиса кўздан ғойиб бўлишини кутуб туради. Кейин сервантга бориб ўзиги вино қўяди. Шошиб Гоней киради. У қўлини партуғининг чўнтағига тиқиб олган, ўзи эса шошган.)

Гоней. Мистер сенатор, сиздан бир нарса сўрасам мумкинми?

Лэнгдон. Албатта. Қани буёққа келчи, Гоней.

Гоней (чўчиб). Бир бало бўлганга ўхшайди. Сиз биласиз, мен тўғри қизман, мистер сенатор. Онам, Твин-Форксдаги қизлар ичиди энг тўғриси-сан, дейди.

Лэнгдон. Кўп валақлама, гапир, нима дейсан?

Гоней. Мана... (Чўнтағидан соат чиқариб беради.) Мана шу соатми? (Лэнгдон унгатикилиб қарайди).

Лэнгдон. Бўйнинг узулгур, бу ўша соат эканини яхши биласан-ку, қаердан олдинг'

Гоней (унинг назаридан қочиб). Мен, сэр... ғалати... мен...

Лэнгдон. Бреттнинг уйидан топдингми?

Гоней. Йўқ, сэр, йўқ! У ердан эмас... мен...

Лэнгдон (қўлидан ушлаб). Тўғрисини айтмаганингга қўймайман. Сен буни ўша қора аблахнинг уйидан топгансан!

Гоней. Қўйворинг мени.

Лэнгдон. Тўғрисини айт! Тўғрисини айт ла'нати!

Гоней. Сенатор, вой қўлим, оғриб кетди!

Лэнгдон. Ҳали қўлим оғриди дей! Айт менга, айт деяпман!

Гоней. Ҳўп, сэр, ҳўп. Ҳозир.

Лэнгдон. Тез бүл! Гапир тез!

Гоней. Ўша ердан, мистер Ҳовлиқманинг уйидан...

Лэнгдон (хурсанд). Ўзим ҳам ўйловдим-а! Баракалла, Гоней.  
(Чүнтагини кавлайди.)

Гоней (ҳаяжон блан). Шундай сәр, мен ҳамма вақт яхши бўлишни истайман.

Лэнгдон. Мана сенга ўн доллар, янги кўйлак олиб кий!

Гоней. Ростданми? Менга? Мистер сенатор.

Лэнгдон. Е керак эмасми?

Гоней (шошиб). Керак, сәр, керак. (Пулни олиб чўнтаға солади.) Раҳмат сизга, мистер сенатор. Раҳмат, раҳмат сизга! (Асабий.) Энди кетсан майлимни?

Лэнгдон. Майли, йўқ, тўхта!

Гоней. Сәр, рұҳсат беринг.

Лэнгдон. Ҳозир у ла'нати блан юзлаштираман. Мисс Алисанни ўзим чақираман, сен уни чақир!

Гоней (даҳшат блан). О, йўқ, сәр!

Лэнгдон. Сен қўрқма. Фақат Бреттга тўғрисини айтсанг бўлади.

Гоней. Мистер сенатор, у мени ёмон кўради. Мени нақ ўлдирап. (Йигламсираб). Қўйворинг мени, уйимга кетаман. Твин-Форкса!

Лэнгдон. Нега қўрқаяпсан?

Гоней. Қўрққаним йўқ. Тирноқча ҳам кўрққаним йўқ. (Гарлайди)

Лэнгдон. Бўлмаса нега йиглайсан?

Гоней. Қани йиглаганим, йигламаяпман-ку.

Лэнгдон. Бўлмаса нима бўлди сенга?

Гоней. Ёлғон айтдим, жуда-жуда ёлғон... Бретт эмас...  
Унинг уйидан топғаним йўқ .. у мени энди ўлдиради.

Лэнгдон (ғазаб блан). Қора аблаж! Нималарни деяпсан-а?

Гоней. Қўйворинг, мистер сенатор! Ўтинаман! Соатингизни қайтиб бердим-ку.

Лэнгдон. Ҳали шунақами? Бўлмаса ўзим ўғирладим-де?

Гоней. Йўқ, йўқ, топиб олдим. Топиб олдим деяпману сизга! Ертўладан топиб олдим.

Лэнгдон. Демак унга бераман деб ўғирлапсан-да.

Гоней. Йўқ, ўғирлаганим.. йўқ, ертўлада экан. Кирлар ора сидан топиб олдим... яшириб қўйгим келмади. Миям айниб қолган экан ўшанда... бўлмаса..

Лэнгдон. Сенга ўғирлагин деб ўша ўргатдими?

Гоней. Йўқ. йўқ.

Лэнгдон. Алжираб қолдинг, тилинг кесилгур!

Гоней. Ҳечким ўғирлагани йўқ!

Лэнгдон (қаттиқ афсусланшиб). Ла'нати негрлар! Кимга ишонишингни билмайсан киши... Аммо уни қамалиши керак. Ла'нати негрлар!

Гоней. Сенатор, мен ёмон қиз эмасман, мен...

Лэнгдон (унга тикилиб). Менга қара, сен блан ишим йўқ...

Фақат мана бу қора тилингни тийсанг бас, уқдингми? Агар аҳмодқона оғзингни очдингми, сев ҳам овоқга кетасан. (Эшик қўнғироғи чалинади).

Гоней. Ҳўп бўлади, кетсам майлими? Энди ҳечқачон оғзими очмайман. Ўлсам ҳам!

Лэнгдон. Очиб ҳам кўрчи, умрингни овоқда чиритай! Бор, эшикни очиб қўй. (Гоней чиқмоқчи бўлади.) Тўхта.. дарҳол Бреттни топ, мени чақирайти де... эшикни ўзим очаман. (Лэнгдон эшик очгани чиқади. Гоней орқасидан қараб қолади, кейин шошганича чиқиб кетади.)

Лэнгдоннинг овози. Марҳамат, жентелменлар!

(Ўзининг иккита одами блан полиция бошлиғи Сәркин кириб келади. Сәркин, е. қалари кен?, юзлари дағал, қорни чиққан ва қўпол одам. Белида тўппонча. Чак Уоррен блан Боб Айзи—унинг ёрдамчилари—соchlари сқарган, кекса ёшдаги кишилар, уларда ҳам тўппонча.)

Сәркин (шляпасини ечиб). Салом сенатор! Бизни мисс Лэнгдон чақируди.

Лэнгдон Марҳамат.

Сәркин (бу ернинг ясадоғлигига танғирқиб). Уйингиз чакки ёмас экан, сенатор. Қалай йигитлар, тўғрими? (Уоррен ма'қуллаб ҳуштак чалади.)

Лэнгдон. Ғалати иш бўлди, жентелменлар! Қора бола соат ўғирлаган.

Сәркин. Қиммат соатмиди?

Лэнгдон. Жуда ҳам қиммат соат. Камида минг доллар турар. (Уоррен яна ҳуштак чалади.) Соат ўйқолган уйга кирганилиги хақида гувоҳимиз ҳам бор. Ўзи шаҳардан кетмоқчи бўлган экан. Уйидан поезд билети ҳам топилди.

Сәркин. Менимча, шунинг ўзи ҳам кифоя.

Айзи. Ҳалиги ҳарбий форма кийиб, кеккайиб юрган негрми? Бу иш унинг қўлидан келади. Ёмон йигит баччагар.

Сәркин. Мен ҳам ундан шунақа нарсани кутувдим. У, бошқаларни ҳам бузаяпти. Ҳўп бўлмаса, қани ўзи?

Лэнгдон. Одам юбордим, ҳозир келади. Ҳатто у, ундан гумонсираётганимиздан ҳам бехабар. Уни қўққисдан ушлаб оласизлар. Ҳозир буёқка келади. (Учаласи ҳам аркананг орқасига ўтиб туришади. Алиса зинапоядан тушиб келади.)

Алиса. Сәркин жаноблари?

Сәркин. Шундай, хоним.

Лэнгдон (Алисага карайди. Чертиб гапиради.) Ўтинаман жаноблари, у блан яхшироқ муомала қилинг.

Сәркин. Албатта, сэр, албатта.

Лэнгтон. Қамаш ордерини қизим олиб беради.

Сәркин (Алисага мурожсаат қилиб). Шошилишнинг хожати йўқ, мисс Алиса. Истаган вақтингизда олиб берасиз. (Кулимсираб). Бизда бир қанча негрлар ордерсиз ҳам қамалиб ётишилти. Яхшилаб боқаяпсиз, уларни ёмон йўлга юриб кетишларидан ас-

раб қолаяпмиз. Биламизки... (Шу вақт Бретт кириб қелади. У, Сәркін блан унинг одамларини күриб тұхтаб қолади. Үртага бирлаҳза жисмлик чўқади.)

Сәркін. Гап шу, мен блан бирга кетасан, бола! (Айзи Бреттнинг орқасида пайдо бўлади, у Бреттга қочишга имкеният бермайди, унинг йўлини тўсади, Сәркін Бретт қўлига кишин солмоқчи бўлади.) Қани, қўлингни тут! Тут қўлингни қора тумшуқ! (Бреттга томон юради.)

Лэнгдон. Тұхтак жаноб! (Бреттга). Бунга жуда афсусланаман. Биз сенга ишонар эдик... Соатни олганингга иқрор бўлсанг гуноҳингдан ўтамиз. (Жавоб кутади). Яжши, жаноблар. Бу блан гаплашиб ўтиришнинг фойдаси йўқ.

Бретт. Мисс Алиса! (Унга томон бир неча қадам босади.) Мисс Алиса, наҳотки соатни мени олди деб ўйлайсиз?... Майлимни мени қамашса?... Мисс Алиса...

Сәркін қўлидаги кишин блан Бреттга қараб юради, Бретт қочмоқчи бўлиб интилади, броқ орқасида турган Айзи уни ушлаб қолади. Бретт боплаб туширади. Аммо, у яна қочмоқчи бўлганда унга Сәркін ёпишади. Бретт зўрбериб олишади, лекин учкишилашиб Бреттни йикитишади. Сәркін тўппончасини қинидан чиқаради.

Алиса (дахшат ичиде диванга қараб бирнече қадам ташлайди). Йўқ! Йўқ! Йўқ! (Шу чоқ Сәркін тўппончасини нг сопи блан Бреттнинг бошига бир иккى бор туширади. Зинапоядан шошганича Гоуард тушиб келади, Сәркін иккинчи марта Бреттнинг бешига туширишмоқчи бўлганда унинг қўлидан ушлаб қоледи. Сәркін четланади. Бретт қимирламай ётади. Сәркін. ўзидан ламнин, оғир нафас оларкан тўппончасини қинига солиб қўяди, Гоуардга аҳамият ҳам бермайди).

Сәркін. Қани, судранглар, йигитлар! (Ёрдамчилари ҳушидан кетиб қолган Бреттни судраб олиб чиқиб кетишади. Сәркін шляпасини олгач улар орқасидан чиқади. Гоуард Алисага буриади. Унинг рангги оппоқ оқарган.)

Гоуард. Хўш? Энди кўнглингиз ўрнига тушдими?

### Парда

## УЧИНЧИ ПАРДА

Декорация ўшанинг ўзи. Ўша куни кеч соат тўққизлар чоғи. Чироғлар ёқилган. Дераза ойналарин очик. Парда очилганда сенатор Лэнгдон сервант олдида вино қуяётган бўлади, афтидан унинг кайфи чоғ. Холл томондан патнусда кечки свқат кўтариб Алиса чиқиб келади.

Лэнгдон (*хурсанд*). Кел қизим, қани мен блан ичиб юборчи.

Алиса. Йўқ, ичмайман. (Кўлидаги патнусни кофе столига қўяди.)

Лэнгдон (вино қўйилган стаканинни кўтариб). Бирорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишдан кўра, ўз имтиёзларидан лаззатланиш нақадар ёқимли эканини вақти келиб тушуниб оладиган, гўзал ва доно қизим, Алиса учун ичаман.

Алиса. Советмай, тухимни ел  
Лэнгдон. Раҳмат, азизим. (Стаканни стол устига қўяди.)  
Ўтмишинга тавба қилиб, ўлимимга рози бўлиб қўювдим. Энди  
ўладиган аҳмоқ йўқ. Танамга энди иссиқ югорди. (Алиса юзини  
иккинчи томонга ўтиради.) Йигитингдан айрилиб қолганинг учун  
бир қанча вақт хафа бўласан. Эпчил харидор... Қачон кетади?  
(Диванга ўтиради.)

Алиса. Билмайман.

Лэнгдон (кошиқ олади.) Нега Лолла овқатдан бир соат ил-  
гари кетиб қолди?

Алиса (ундан узоқлашиб) Бошим оғрияпти дейди.

Лэнгдон. Эртага келса ҳайдаб юбор.

Алиса. Ҳайдамасак ҳам бўлади.

Лэнгдон. Нега?

Алиса. Агар бу ўйда одамларни ўғирликда айбласалар, энди  
ўзингга ҳам ишонч қолмади, дейди.

Лэнгдон. Ла'нати негр!

Алиса. Тухумни ел (Лэнгдон ейишда давом этади.)

Лэнгдон (кошиқни қўйиб). Белла қаёқда?

Алиса. Кўрмадим...

Лэнгдон. Бечора, жуда баҳтсиз әкан. Лекин бунақа нарса-  
ларга дадил бўлиш керак. Белла бизни кечирар, ахир...

Алиса. Билмадим-да.

Лэнгдон. Белла топилмайдиган хотин. У, ўтмишимиzinинг —  
садоқат ва саҳоватимиzinинг гувоҳи. Унга ўҳшаганлардан оз қол-  
ди. Унинг менга садоқати зўр.

Алиса (бир лаҳзадан сўнг, қизишиб). Нега урдилар? У йиқи-  
либ ётганда ҳам уришди. Нега улар мунақа қилишди-а?

Лэнгдон (унинг қўлидан ушлаб). Мен зулмни ёмон кўраман.  
Лекин негрлар жуда золим бўлишади. Агар уларга қиттак имко-  
вият бердингми, тамом, елкангга миниб оладилар. Уларнинг ўз-  
ларини кўп вақт қурбон бўлишига ҳам мана шу зўравонликлари  
сабаб!

Алиса. Ўлдириб қўйишларига оз қолди.

Лэнгдон (Алисага тикилиб). Хўш, пушаймон қиласяпсанми?  
Балки уни бўшатиб юборишларини истарсан? (Ташқари эшик қўн-  
ғироғи чалинади.)

Алиса. Бу ҳақда гапириб ўтиришни ҳам ҳожати йўқ. (Эшик  
томонга юради. Лэнгдон дивандан туради ва сигаретта чекади.)

Алисанинг товуши (холлда). Рой! Кир!

Максуэллнинг товуши (холлда). Бу жуда ҳам ёмон бўл-  
ди. (Максуэлл ҳаяжон длан кириб келади.)

Максуэлл. Сўнгги икки соат ичида ўндан ортиқ одам теле-  
фон қилди.

Лэнгдон. Сен, яхшиси оғзингни юм!

Максуэлл. Майор Бристоу ҳозиргина олдимдан кетди. Негр-  
лар маҳалласидаймиш... Соатни у ўғирлаганига чинакам ишона-  
сизми?

Лэнгдон. Тентак!

Максуэлл. Майли, нима десангиз денг, мен тентак! Броқ, майор Чарл Бристоу тентак әмас. Күни блан менга телефон қилғанлар ҳам тентак бўлишмаса керак. Менимча, сиз, сенатор, ари уясини қўзғаб қўйдингиз.

Лэнгдон. Куп вақиллама!

Максуэлл. Уруш қаҳрамони! Қаҳрамон дейишаяпти... У, урушда кўрсатган ботирлиги учун орден олган.

Лэнгдон. Ўғри, батарин, хароми!

Максуэлл. Бўлмаса бемаслаҳат, қамаш ордерисиз нега олиб кетиши? Биласизми, бу жанжални ба'зи бир газеталар қандай изоҳ қилишиади, ўйламадингизми буни? Ҳарбий формадалигига қарамаӣ уни урушди дейишди менга. Бу қилиқ кўпларга ёқмайди. Менга ҳам!

Лэнгдон. Букун кундузи гапинг тамом бошқача әди-ку.

Максуэлл (*аросима блсн*). Кундузи?

Лэнгдон. Ҳа, кундузи! Кутубхонага киргани учун айю-ҳаннос тортаятувдинг.

Максуэлл. Тўғри. Лекин уни қамайдилар, ўлгудек урадилар деб ўйламовдим. (*Алисаага қараб*) Алиса судияга телефон қилиб Бреттни тездан бўшатишни сўра. (Лэнгдон аччиқ кулади, *Максуэлл ғазаб блан унга қарайди*.) Бу ерда куладиган ҳечнарса йўқ, ҳурматли сенатор!

Лэнгдон. Ўтмас, қирпа, шаллақи сиёsatчи. Ҳамма вақт сўлагини оқизиб юргани-юрган.

Максуэлл. Гапириш осон, сенатор...

Лэнгдон. Гапириш осон эмиш, ла'нат сенга! Мен қўлимдан келганини қилдим. Мен у ла'натини жиноят устида тутдим, қутилдим.

Максуэлл. Сенатор, сиз бу олижаноб уйда ёлғиз турасиз. Сизни маҳаллий жамоат блан менчалик алоқангиз йўқ. Сиз қанақа шамоллар эсаётганини сезмайсиз... (*Алисаага жиддий*). Ҳали жуда кўп негр солдатлари қайтиб келишади. Биз буни ҳам на зарда тутишимиз керак. Сенатор мени қўрқиб кетдинг деяпти, очигини айтсан—ҳа, қўрқиб кетдим. Биз уларни ўзимиздан нафрлатлантираяпмиз, улар биздан ўч олишга ташна. Мен ҳозир судия Свитуэлл олдига бораман ва Бреттни бўшатишни илтимос қиламан. Бу менинг бама'ни илтимосимни сизлардан кўра судия яхшироқ тушинар деб ўйлайман. (*Соатига қарайди*.) Тўққизу ўттиз минут, уни ҳозироқ овоқдан бўшатдириб кечки поезд блан жўнатиб юбораман. У бедарак бўлиб кетади. Минбад қайтиб келмайди, шундан кейин ҳечким шов-шув ҳам кўтаролмайди. Шу блан тия кўрдингми, йўқ бўлади қолади.

Лэнгдон. Сен ҳаммаёни жим-жит қилиб қўйиб конгрессга сайланмоқчимисан. Мен ёлғизлигимни кўрсатиб қўяй сенга! Мен-сиз сени әшак бозорига ҳам даллол қилишмайди, шуни бир билиб қўй, бола!

Максуэлл. Букунги воқиадан кейин сизнинг ёрдамингиз блан ҳам сайланишинга ақлим етмай қолди. Хайир! (*Чиқиб кетади*.)

Лэнгдон (*Алисаага*). Чарчадингми қизим?

Алиса. Чарчадим, ота. Жуда ҳам чарчадим.

Лэнгдон. Бор, ухла!

Алиса. Кечинг хайрли бўлсин, ота. (Чиқмоқчи бўлади, шуҷоқ Беллани кириб унга ва отасига зўр нафрат ҳамда ғазаб блан тикилиб турганига кўзи тушади.)

Белла (оҳиста). Уни менга кўрсатишмади. Уч соат кутдим. (Алисага калидларни узатади.) Мана калидлар, энди бу ерда туролмайман, кетаман.

Лэнгдон (эҳтиёт блан). Белла, мен...

Белла. Менга гапирманг! Бир оғиз ҳам гапирманг! (Кўкрагини ушлаб.) Мана бу ерда оллонинг ғазаби ёнмоқда! (Кетмоқчи бўлади.)

Лэнгдон. Белла!.. Белла, қара! (Белла бурилиб унга жудуқ, бепарво қарайди.) Бу ер сенинг уйинг-ку, мана; мен, Алиса. Сен ўзимизникисан (Кулимсираб.) Сенсиз мен нима қиласман? Ким менга фамхўрлик қиласми?

Белла (Лэнгдон томонга бир қадам ташлаб). Тўғри, мен эдим сизнинг фамхўрингиз. Кўп йиллар сизга фамхўрлик қилдим. Дорилар ичирдим, чақирсангиз учиб ёнингизга келдим, хафа кезларингизда юпатдим, сизнинг барча инжиқлигингизни кўтардим. Сиз гўдак боладай инжиқ әдингиз, шундоқ, менинг меҳрим поёндоз эди сизга, поёндоз... Хориб-чарчаб, елкаларимни кўтаралмай қолганимда ҳам сўзингизни ерда қолдирмас эдим. Мен ҳеч бўйин товламас эдим, ўйлардимки, худо ўзи мени шу йўлга солган, деб. Броқ, сиз ўғлимни қаматиб қўйганингиздан кейин бу йўлимдан қайтдим. Агар сиз, мени сиз учун ўғлидан кечади деб ўйласангиз заҳарли илонсиз, бефаҳм ҳўқизсиз! (Бурилиб чиқиб кетаркан). Эвди мен бу ерда туролмайман.

Лэнгдон (қўлидаги чекиб бўлмаган папиросига қарайди, папиросини ташлайди). Эсингдами, қачон келувди бизнига Белла... ўшанда у туппа-тузук қизча эди... Мана энди бўлса кетди. Ҳатто, Белла ҳам, биринчи синовдаёқ бизни ташлаб кетди.

Алиса. Билмакчиман, соатни чинакам Бретт ўғирлаганми, қани айт?

Лэнгдон (қўрқиб). Нима?

Алиса. Соатни чинакам Бретт ўғирлаганми?

Лэнгдон (унга қаттиқ тикилиб). Агар ўғирлаганига ишонмасанг нега полицияни чақирдинг? (Алиса жавоб бермайди). Полицияни чақирган сенсан, мен әмас. Нега шундай қилдинг-а?... Нима бўлди ўзи? Бирор нарса бўлгану, мендан яшираяпсан. Нимани яшираяпсан мендан?

Алиса (қат'ий). Соатни ўша ўғирлаган! Үндан бошқа ҳечким олмайди! Керак бўлса буни исбот қиласмиз. Ўғирлаган ўша! Ўша!

(Алиса жисм бўлиб қолади. Шу вақт холла Женевра блан Гоурард пайдо бўлади.)

Лэнгдон (қайғули). Мана бу икки одам блан гаплашишга тобим йўқ. Хайр, қизим. (Ўз уйига кириб кетади. Гўё бу ерда Алиса йўқдай, уни парво ҳам қилишимай тушиб келишади).

Женевра. Қаерда бўлганимизни айтиб беринг Гоуард. Аминманки бу унинг кўнглини чог қиласди.

Гоуард. Улар уни очиқ суд ҳам қилишмоқчи эмас, Алиса, ҳозирча сизлар енгинглар... уни бизга кўрсатишмади. Сэркин жаллоднинг ўзи экан, Бреттни кафилга олмоқчи эдим, лекин полиция бошлиги кўнмади: „Тумшуғингни эзib ташламасдан тезроқ жўнаб қол!“ деб жавоб берди менга.

Женевра (*Алисани диққат блан кузатиб*). Тушиндим, полицияни сен чақирибсан-да.

Гоуард. Биз адвокат қидирдик, бир эмас учтасининг олдига бордик. Улар бизни яхши қабул қилишди, ҳатто лейтенант Чарлзни қамашга ордер бўлмай туриб ушлангани ва қамоққа олингавини өшлишиб ҳайрон бўлишди. Улардан бири; „Афсус ва надоматлар“ айтдику, броқ бу ишни ҳеч қайсиси ўз зиммасига олмади.. бизнинг ҳисобимиз шу буқунга, аммо ҳали олдимиизда бир гала вазифалар турипти. Эрталаб мен мусофириxonага кетаман. Агар рухсат берсангиз буқунча шу ерда қолсам.

Женевра. Жуда тулки экансан, Алиса. Сен унинг „даҳшатли“ жинояти тўғрисида ҳақ гапни гапирмадинг, аммо бошқа айбни тўнкаб қаматдинг.

Алиса. Буқун Бреттни озод қилишади. Уни кечқурун поездга ўтқазиб боришади. Уни станцияга олиб боришади... шундан кейин иш тамом .. (*Стол устидаги патнусни олжб холл тамон блан чиқиб кетади.*)

Гоуард. Ана халос! Демак унинг айбини исбот қилолмасангиз айбордан қутилишингиз керак эканда.

Женевра (*оҳиста*). Гоуард! Соат неча бўлди?

Гоуард (*соатига қараб*). Қеч қолдик, Невви.

Женевра. Бормасак бўлмайди, албатта боришимиз керак. Эҳтимол улгирамиз. Мен уни албатта кўришим керак. (*Холл томонга юради.*)

Гоуард (*унинг қўлидан ушлаб*). Кеч қолдик, поездга етолмаймиз. (*Аввал Невви шубҳаланади, кейин унинг ҳақлилигига шонади.*)

Женевра (*мулойим*). Яхши, эртага кетаман.

Гоуард. Ҳазир бўлинг, Невви.

Женевра. Мен уни топмай қўймайман, албатта топаман. Бордию бунга йиллар керак бўлса ҳам истайман.

Гоуард (*унга ҳурсанд бўлиб қарайди*). Чиндавми? Сиз уни топасиз. Кейин нима қиласиз?

Женевра. Кейин... (*Туттилиб қолади.*)

Гоуард. Кейин нима қилишни ўйламадингизми? (*Женевра жавоб бермайди.*)

Женевра. Унга тегаман. (*Бир лаҳза жим қолгач*). Агар у хоҳласа...

Гоуард. Невви, азиэм!

Женевра. Бу осон иш эмаслигини биламан, бу жуда қийин.

Гоуард. Агар сиз „қийин“ сўзини босиб ўтишингиз лозим бўлган ғовлардан иборат деб ўйласангиз, ҳали туш кўраяпсиз, азиэм.

**Женевра.** Бундан бошқа ҳеч чорам йўқ.  
**Гоуард (оҳиста).** Оқларнинг барча гуноҳини ювиб юбормоқ-  
чимисиз?

**Женевра.** Мен нима бўлса ҳам унинг олдига боришни ис-  
тайман. Мен унга: „Мен бу одамлардан воз кечаман, уларнинг  
зўравонлигини рад қиласман. Сен блан қоламан“ дейишни истай-  
ман... Тушунаяпсизми. Гоуард? Оғир! Нима бўлса ҳам энди бу  
уйда бир кун ҳам туролмайман... Мен ҳам тунги экспрессга ул-  
гийман. Узатиб қўясизми? Нарсаларимни йиғиштиргани ҳали вақт  
бор. (Тепага чиқиб кетади. Қаттиқ ҳаяжонланган Гоуард гилам-  
га тикилганича қараб қолади. Ҳолла Гоней пайдо бўлади. Кириши-  
га қўрқиб тургани билинид туради, у шошади.)

**Гоней (шип-шиб).** Мистер Меррик! (Гоуард унга қаради). Мис-  
тер Меррик, сиз сенаторни кўрмадингизми?

**Гоуард.** Кел бу ёққа, Гоней.

**Гоней (оҳиста кириб келади).** Сенаторга ишим бор эди. Агар  
ётган бўлса ҳам майли, бир нима қилиб кўрмасам бўлмайди.

**Гоуард.** Эрталабгача кутсанг бўлмайдими?

**Гоней (хўнграб).** Унга мана шу ифлос ўн долларни қайтиб  
беришм керак. (Бақириб). Сотқин пуллар... ифлос... шаҳарда негр-  
ларнинг гапларини эшитиб ер ёрilmадию ерга кириб кетмадим.  
(Кизишиб). Мен хонк бўлишни истамайман. У мени ёлғон айтиш-  
га мажбур қилди.

**Гоуард.** Гоней, Лэнгдон сенга ним учун ўн доллар берди?

**Гоней.** Соатни топиб олганим учун. Худо ҳақи топиб олувдим.

**Гоуард (оҳиста).** Соатни топиб олдинг?

**Гоней.** Тўғри олиб келиб унга бердим. Кейин полиция ке-  
либ Бреттни олиб кетди. (Пулни унинг қулига сукади.) Манг,  
мистер Меррик, буни сенаторга бериб қўйинг. Энди у чолни кў-  
ришга тоқатим йўқ. Онамнинг Олдига кетаман, жон деб қабул  
қилади. Ўтинаман, мистер Меррик, мана бу ифлос пулни олиб,  
менга жавоб беринг.

**Гоуард (пулни олади).** Яхши, Гоней, бериб қўяман.

**Гоней.** Раҳмат сизга, мистер Меррик. (Тисланиб ўзоқлашади.)  
Мен ёмон қиз эмасман, мистер Меррик.

**Гоуард (унинг орқасидан қараб қолади, кейин қўлиғаги пулга**  
тиклиади, яхшилаб буклайди, чўнтағига солмасдан туриб деволда-  
ги Лэнгдон суратига қарайди. **Мазоқ блан**). Балки мен хато қила-  
ётгандирман, лекин, назаримда, қизариб кетдингиз. (Пулни чўнта-  
ғига солиб тепага чиқиб кетади.)

Саҳна бир лаҳза бўш қолади, кейин деразалардан бирида  
Бретт пайдо бўлади. Унинг боши боғланган, эгнидсги ҳарбий қас-  
тиюм йиртилиб кетган, битта тугмаси стишмайди. У ёғир нафас  
олади. Авсал, бир қур уйни кўзидан кечиради, кейин оҳиста ҳолл  
томонга юради. Шу чоқ оёқ шарпаси эшитилади-да тездан ўзини  
терраса томонга тортади. Алиса киради, у чироқни ўчиради. Ке-  
йин унинг кўзи Белла тошлиб кетган калидларга тушади, уларни  
яшикка солиб қўяди. Кейин иккинчи лампани ҳам ўчиради, у, охирги  
лампани ўчирмисқчи бўлганда олисадан, жуда ҳам заиф, паровоз гўдо-

ги эшишилади. Алиса түхтаб қулоқ солади. Күнгли нотинчланиб хұмраяди.

Бретт (уйга кириб). Йүқ, мисс Алиса, мен поездә әмасман. (Алиса даржол қаддини түргилайды еа бурилиб ўзига яқиналашиб келаётган Бреттни күради.) Улар мени поездга ўтқазиб қўйишди. Агар қайтиб шу шаҳарда башарангни кўрсатсанг, осамиз, дейишди. Броқ, улар ҳато қилишди, поезд жўнаб кетмасдан туриб кетиб қолишиди.

Алиса. Хўш, нима керак сенга?

Бретт (ўзини зўрга тутуб). Нима бўлди, мисс Алиса? Энди биз гаплашаолмаймизми?

Алиса. Нега қайтиб келдинг?

Бретт. Мени биргина саволим бор сизга. Мен фақат; мени чинакам ўғри деб ишондингизми, шуни билмоқчиман. Айтинг! Қани?

Алиса (қат'ши). Кет бу ердан!

Бретт. Полицияни сиз чақирдингизми?

Алиса (бақириб). Йўқол бу ердан!!!

Бретт (босиқ овоз блан). Энди бўлди, мен шуни билмоқчи әдим... Одам ўз ўзини ҳимоя қилаоладио, негр эса йўқ. Одамда сезги бору негрда эса йўқ. (Фазаб блан.) Ла'нат сизга, Алиса Лэнгдон! (Алиса шошиб стол ёнига боради ва телефон трубкасини олади.) Ҳали менинг саволимга жавобингиз шуми... Майли полицияга телефон қилинг... Майли оссинлар мени... (Телефон ишини узуб ташлайди.) Яхши.. мана, охир сизнинг ҳаётингиз менинг ҳаётим блан тўқнашди. Агар душманимнинг кимлигини билсан мен уни ўлдиришим мумкин. (Алиса Бреттнинг юзига бир тарсаки туширади. Бретт унинг қўлидан маҳкам ушлайди, қилирлатмай қўяди. Алисанинг ҳанг-манги учиб қотиб қолади.)

Бретт. Йўқ, мен сизни ўлдирмайман, яшанг! Аммо, ҳар гал негрни кўрганингизда дир-дир титранг! (Белла киради, үнинг қўлидаги тугуни тушиб кетади ва чопганича улгр олдига келади).

Белла. Бретт, Бретт, ўғлим! (Зўр куч блан Алисани зўрга Бретт қўлидан ажратиб олади. Алиса кофе столига йиқилади. Белла ҳамон Бреттнинг қўлидан тупшиш туради.) Бор, менинг уйимга! Ўша ерда ўтириш, чиқма буёққа! Зинҳор чиқакурма (Бретт жисм.) Эшидингми, бор менинг уйимга! (Бретт кетади, Белла сервантга бориб бир стакан сув қўяди ва олиб келиб Алисага тутади.) Мана сув, ичинг.

Алиса. Даркор әмас, энди. Белла... сен боравер.

Белла. Ачинаман сизга, гўзал саройнинг оқ бадан ҳоними, ачинаман. Сиз юксак, дабдабали сўқмоқ блан кетиб бораяпсиз... Яхши, мана шундай яшайберинг. Шундай қаринг. Қалбингиз тошга айланунча, қудратли хукмронлигингиздан бошқа ҳечнарсангиз қолмагунча кишиларни жазолай беринг... (Чиқа бошлиди.)

Алиса. Белла.. (Белла тўхтайди.)

Белла. Демак худо биринчи ла'нат тошини отишни сизга буюрган экан-да...

Алиса. Лекин бунга йўл қўйиб бўлмайди.. Бундай нарсага сра йўл қўйиб бўлмаслигини ўзинг биласан.

Белла. Қани айтингчи, бундай нарсаларни бұлишига ким йүл құймаяпти. Бундай нарсаларнинг ҳаркун бұлишига сиз қудратлы оқ одамлар йүл құйяпсизлар.

Алиса. Сен нима ҳақда гапирайпсан, айт, нима ҳақда?

Белла. Ҳеч бұлмаганда мана шу икки тоза юрак ҳақида... ер юзида чинакам әвузлк бор, бу ҳар күн күринаяпти. Ҳохлаган қора танли аёлдан сұранг, хоҳ чиройлигидану, хоҳ әшидан. Ү сиз-га ана шу тоза, виждонлик оқ жентелменлар ҳақида гапириб беради.

Алиса. Бу томом бошқа гап, Белла.

Белла. Нега? Е бизни асилаодалар ұртасидан үзимизга жой талаб қилишимизга ҳаққимиз үйкемі? Оқлар ҳам биз блан өтса бүлади, биз ҳам арзиймиз. Бунинг учун бизни жазойиммизни худонинг үзи беради. (Зина пойыдан Гоуард тушив келади. Бир паст иккиланың туради, кейин тик Алисага келади.)

Гоуард. Алиса сиз соатни Бретт олмаганини яхши биласиз. Бунга исбот керакми? Үз ҳақингиздеги ҳақиқатни билишни истајисими? Е ҳали ҳам, отанғиз үйлаб топған бүхтонда қолавера-сизми? (Алиса жараб бермайды.)

Белла (умид блан). Мистер Меррик! (Гоуард Лэнгдоннинг әпек-хонасига бориб уни кенг очиб юборади).

Гоуард. Сенатор, марҳамат қилиб, буёққа чиқинг. (Лэнгдон ғазаб блан чиқиб келади.)

Лэнгдон. Алиса, марҳамат қилиб меҳмонта айт, ҳали бу уйда ҳечким ярим кечада менинг үйимга бостириб кирған әмас!

Гоуард. Менда сизга бир топшириқ бор, Гонейдан. Мана бу үн долларингизни қайтиб беришимни сүради.

Лэнгдон (қатиб қолади). Ня-и-и-маа?

Гоуард. Мана. Гонейга берган үн долларингиз. Үзингизта қайтариб берди.

Лэнгдон (Гоуардга тик қарайди.) Тушунмайман, нималар деб алжираяпти бу жаноб?

Гоуард. Сенатор, соатни қаерга яширдингиз?

Лэнгдон. Жинни бўпсиз!

Гоуард. Сенатор, соат сиздалигини яхши биламан. Агар ақилдан озмаган бўлсангиз, соатни қайтариб беринг менга. (Лэнгдон Гоуардга қараб тураверади.) Жуда соз. Демак үйингизни титишим керак әкан-да? Буюмларингизни титишим? Караватингизни қидиришим?... Чўнтакларингизни титиб димогингизни чоқ қилишим керак әканда?

Лэнгдон. Бу сизнинг қўлингиздан келишига ишонаман. Сизнинг бу қўполлигингиз мени ажаблантирумайди... Агар соатни истасангиз, мана соат! (Чўнтағидан соатни чиқаради.) Мана... Олинг...

Алиса (бир қадам ташлаб). Отә!

Лэнгдон. Шундай, мени ачинади деб үйлайсизми? Йўқ, мен уни овоқда чиритиб юборар әдим... агар қўлимдан келса уни осар әдим.

Гоуард. Сиз ҳам шу фикрдамисиз, Алиса?

Лэнгдон. Соат ҳечнарса эмас. Бретт тинчлигимиз учун ҳавф!

Гоуард. Отангиз ҳақ. Соат ҳечнарса эмас. Агар соат бўлмаганда бошқа нарсани ўйлаб топар эди.

Алиса (*Белла*). Белла, Бреттни айтиб чикарсан буёққа.

Лэнгдон (*қалтираб юрабошлийди*). Нима? Нима дединг? Қайтиб келдими у?

Алиса (*жим тургач*). Бретт келди, шу ерда.

Лэнгдон. Йўқолсин бу ердан!!

Алиса. Айт, кўрқмасин! Ҷақириб юбэр.

Белла Хўп, келсин деяпти, деб айтаман. (*Чиқади. Лэнгдон орқасидан қараб қолади*).

Лэнгдон. Менга қара, қизим. Бу қора аблажлар Европадан исён балосини юқтириб келишади, улар ўз қуролларини бизга, ўз ҳўжаларига қарши қаратадилар. (*Кичқириб*). Сени огоҳлантириб қўяй, шамол тураяпти!

Алиса. Бас, ота!

Лэнгдон. Сенга айтаяпман, бўрон яқинлашацияпти.

Алиса (*дадил*). Ҳал... Бўрон аллақачон бўлган. Энди қўлимиздан ҳечнарса келмайди... Ўз қизинги...

Лэнгдон. Нима?

Алиса. Невви. Невви блан Бретт... (*Лэнгдон ҳайрон Алисага қараб қолади*).

Лэнгдон (*шип-шиб*). Йўқ! Ёғон айтаяпсан! (*Бошини чайқади*). Ё қодири олам! (*Бретт чиқади*).

Бретт (*Алисага*). Онам сени чақираяпти, деди.

Алиса (*биroz жим тургач*). Ишонаманки, энди менинг гапларимнинг сенга та'сири ҳам бўлмайди.

Бретт. Юрагитизда борини айтинг, мисс Алиса.

Алиса (*охиста*). Бизнинг фарқимиз бор, сени тананг қора, мен бўлсан оқ. Сени ўзимга тенглашга уриниб кўрдим, сенга меҳрим катта эди, броқ кўнглимда сен ёт эканингни сезар эдим. (*Бретт Алисадан юзини ўгиради*). Йўқ. фақат ётгина эмас, мен сенга тўғрисини айтишим керак, юрагим сени мендан паст эканингни ҳар доим сезиб турар эди. Буни ўзимнинг олийжаноб ишларим блан тўсиб келдим. Мен ҳаққоний ва доно бўлишта уриндим, тоҳо бунга эришдим ҳам... (*Пауза*). Лекин, сен, менинг бу ўз-ўзимни алдаб юришимни бир зарба блан хароб қилдинг... ҳаммаси бир лаҳзанинг ичидәёқ ғойиб бўлиб кетди. Мен энди плантаторлар, оқ одамлар қонунига қайтдим. (*Пауза*) Айт, нима истайсан мэндан? Бретт?

Бретт. Ҳечнарса. Шунинг ўзи етади менга. (*Кетмоқчи бўлади*).

Гоуард. Лейтенант, бироз тўхтанг. (*Бретт тўхтайди*). Нега сиз мисс Алисага имкон беришни.. истамайсиз?...

Бретт (*қизишиб*). Қанақа имкон? Сиз мени бирор нарса сўрайди деб ўйлайсизми? Ё мен ўн минг доллар учун чек сўрайми? Ё ўғри өмаслигимга ҳужжат тилайми? Йўқ, менга энди ҳўжайинларнинг илтифоти керак эмас.

Алиса. Нима қиларимни ҳам билмай қолдим...

Бретт (*қўпол*). Қачон билувдингиз, ҳеч қачон билмайсиз. Сизга ўхшаган одамлар бор ерда ҳаммавақт полиция топилади.

Алиса. Бретт шаҳарда қолишинг мумкин!

Бретт. Мени дорга осишлари учунми? Сизнинг бундай илтифотингиз биз учун ҳақорат. (Яна орага жимлик чўқади. Женевра қўлида чемодан тенадан тушиб қелади).

Женевра (*Бреттни кўриб қолиб*). Бретт! (Унга томон юради). Сенинг келганингни менга айтишмади ҳам, нима қилди сени улар? Бретт, азизим!

Бретт. Ҳаммаси жойида, Невви.

Женевра (*ҳаяжонланаб, атрофга кўз ташлаб*). Бретт, бизни бу ердан кетишимиз керак. Биз бу ерда бир минут ҳам қололмаймиз. Бу ҳафли... кетамиз, сен блан бирга бўламан. Бир иложқилиб кунимизни кўриб кетармиз.

Бретт (*азоб блан*). Йўқ! Йўқ! Сен нималар деятганингни билмаяпсан.

Женевра. Жуда яхши биламан. (*Бретт ҳанг-манг бўлиб қолади*). Бретт, менга уйланишни истайсанми?

Бретт. Мен ҳечқачон сендан сўрамаган нарсани қилмоқчимисан. Менга тегасанми?

Женевра. Ҳа... (*Бретт аввал Женеврага, кейин Алисага қарайди. Женевра оҳиста бурилади. Алисанинг қути ўчиб дарғазаб бўзарип туради*).

Женевра (*Бошини чанглаб, қақшаб диванга йиқилган Бретт томонга қарайди ва унга томон боради*). Бретт, сенга нима бўлди? Бретт, менга қара! (*Бретт оҳиста кўзини очиб унга қарайди*). Бретт ўтинаман сендан!

Бретт. Букун кундузи на сен ва на мен эр-хотин бўлишни ўйлавдик. Хаёлимизга ҳам келмавди. Агар бу ўша чоқларда мумкин бўлмаган экан, энди ҳам мумкин эмас. (*Бошини чайқайди*). Йўқ, Невви, йўқ!

Женевра. Бретт, биз ўз дун'ёмизни қурамиз!

Бретт. Фақат хаёлдагина. Вақт келиб кўзинг очилар, ана ўшандаги эр блан хотин ўз дун'ёсини қураолмаслигини пайқарсан.

Женевра. Ажабо, мен сенга керак эмасми, Бретт?

Бретт. Сени бутун умрим севдим, лекин Европадан фақат ўйланиш учунгина келган эмасман. (Унинг қўлидан ушлаб.) Сен дун'ёнинг бошқача бўлишини истайсан, дун'ё унча яхши қурилган эмас, мен ҳам бошқача бўлишини истайман. Аммо уйланишимиз дун'ё тузалади деган гап эмас.

Женевра (*оҳиста ундан узоқлашади, атрофга қарайди*). Нима ҳам дейман энди, нима бўлса ҳам ортиқ бу ерда тураголмайман... ахир, биз бунинг имкони йўқлигини илгаридан ҳам билар эдик-ку, шундай эмасми? Мен бу кўҳна ва энка шаҳардан кетаётганим учун ҳам хурсандман. Мен бирор ҳунарнинг пешини ушлашим мумкин. Ўзимга иш топиб оламан. Энди умримнинг фойдасиз ўтишини истамайман. Хайр, Бретт, мени севганинг учун хурсандман. Буни ҳечқачон унитмайман. Бу доим

юрагимга мадор ва қувват бўлади. (*Гоуардга*) Мен тайёр, Меррик, агар малол келмаса, мени узатиб қўйинг.

Гоуард. Албатта. (*Женевра бурилиб Бреттга қарайди, иккичанади, кейин чиқиб кетади*). Мен Неввиин станцияга элтиб қўяман. (*Холла чиқиб Женевранинг чемоданини олади ва чиқади. Алиса Бреттга қарайди. Бретт стол устидаги соатни олади*).

Бретт. Шу соатми? (*Алиса жавоб бермайди*). Ажойиб соат экан. (*Соат қопқонини очади ва ундаги ёзувни ўқииди*): „Номус ўлимдан қаттиқ“. (*Алисага тикилади, кейин соатни қайтиб беради. Эшік очилиб ётогидан Лэнгдон чиқади. Бошида шляпа. Бреттни кўриб бирдан тўхтайди. Алиса*).

Лэнгдон. Сен мени енгилди, деб ўйлайсанми? Бахтимдан айланайки: ҳавфни олдини оладиган одамлар бор. Албатта улар Рой ва унинг шерикларига ўхшамайди. Улар шу ерда. Улар қуролланиб вақт соатини кутиб туришибди. Улар курашга ва ўлдиришга тайёр, уларда қурол бор. Мен уларга пул берганман, яна бераман. Ўшалар олдига бораман, менинг иттифоқчиларим ана ўшалар! (*Чиқиб кетади*).

Алиса. Ога! (*Орқасидан қараб қолади, кейин оқиста Бреттга қарайди*).

Бретт. Энди тушунди нғизми?

*Мағруф Ҳаким  
таржимаси*

Т а м о м

Ю. ҲАМДАМ

## БУЛОҚБОШИ ҚИШЛОҒИДА

Мустаҳкам хұжалик қүчоғида

Андижондан Хұжаобод районига бориладиган йўл жуда манзарали. Паст-баланд адлардан, узоқ бўлса ҳам яқин кўриниб турган қорли тоғлардан ўтиб, район марказига кириб борилади. Тошийўл жуда серқатнов.

Биз бормоқчи бўлган Булоқбоши қишлоқ советидаги Карл Маркс номли колхозни районнинг ёшидан-қарисигача билишади. Район марказидан шағал тўкилган, текис 7 километр йўлда юриб Булоқбоши қишлоғига кириб борасиз. Қишлоқнинг номи қулоғингизга чалиниши бланоқ, булоқ — сув сизнинг кўз олдингизда жилвала-нади. Қишлоқ ҳақиқатда ҳам баҳаво, бағри кенг, серсув.

Булоқбоши қишлоғида бир неча булоқлар бор. Шу қишлоқнинг кексаларидан Муллапарпи аканинг айтишича; 5 та — она булоқ, қишин-ёзин қайнаб тинмайди. Қишлоқнинг 5 кунларида бу она булоқларнинг суви илиқ бўлиб ёз кунларида эса муздай, тиниқ сув булоқбошидан қишлоқнинг ҳар бурчига оқиб боради. Муллапарпи aka бу сувларни та'rifлар экан:

— Қишлоқда она булоқнинг сувларида қўл ювсангиз ҳам сескан-майсиз, — дейди.

Булоқбошининг номини яна иккинчи тур блан айтганда, Узулма — я'ни сув ҳеч тўхтамасдан оқучи булоқли қишлоқдир.

Пахта пунктидан ўтганингиздан сўнг Карл Маркс номли колхознинг ерлари бошланади. Биз колхоз ерларига кириб борар эканмиз, кўз олдимизда, Тошкентда бўлган катта йиғинларда ҳам ҳурматли жой олган, кекса пахтакор, шу Карл Маркс номли колхознинг раиси Тоштемир отани тасаввур қиласиз. Ўрта бўйли, тўла келган, қариб қолган бўлса ҳам, бели букчаймаган, оғзи-юзи тўла кулги, соч-соқоллари оқ-қора аралаш бу кишини кўз олдимизга келтираолдик. Пахта пунктидан икки километрча юрганимиздан ке-

Йин азим туп сада тагига жойлашган, янги тиңда қурилған колхоз идорасы күзгә ташланды.

Идоранинг тепасига катта ҳарфлар блан вивиска ёзиб қўйилган. Цемент блан ишланган зинапоялардан чиқиб колхоз идорасига кирдик. Бир неча хоналардан иборат бўлган бу бинода бизни очиқ юз блан кутиб олдилар. Мана бухгалтерлар, табельчиларнинг қўллари чўт устида ўйнайди, улар ҳар хил сифрларни чўтдан оқ қоғозларга кўчириб ёзадилар. Бригада табельчилари эса кечаги иш якунларини аниқ ёзиб бош табельчига ташлаб далага — иш бошига қайтиб кетаётирлар. Колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Мамадали Мадёров блан бизни таништирдилар.

— Келинглар, келинглар, — дея ўртоқ Мадёров бизни ўз кабинетида қабул қилди. У, колхоз партия ташкилотининг 1948 йил кўклам экин кампанияси даврида қиладиган ишлар планини кўздан кечириб ўлтирган экан. Мана плannинг айрим моддалари:

Оммавий-оқартув ишлари бўйича:

1. Агитаторларни белгилаш — 5 марта.
2. Агитаторлар блан кружок ўтказиб туриш — 11, 21, 30 марта кунлари.
3. Агитаторларни колхозчиларга кўклам экин кампаниясида кўрсатадиган хизматлари даврида уларга лекция ва кўрсатма докладлар ўюштириш — март ойининг 5 ва 25 кунлари.

План юқоридагилар каби бир неча моддалардан иборат. Ўртоқ Мадёров плannинг қандай бажарилаётганлиги блан бизни таништирди.

— Тоштемир ака кўринмайдилар, у киши қаёқдалар,—деб сўрадик биз ундан.

— У киши эрта-саҳарлаб дала бошига чиқиб кетганлар. Ҳали кечга томон келиб қоладилар. Бугун, маҳаллий ўғитларни далага қандай олиб чиқилаётгани ҳақида бригадирлар блан кичкина иш мусоҳабамиз бор, — деди ўртоқ Мадёров.

Кечқурун бригадирлар, колхоз активлари йиғилдилар. Иккиси-уч бригадирнинг кўклам экин кампаниясига тайёргарлик ҳақидаги ахборотини эшитгандан сўнг, раис Тоштемир ака партия ташкилотининг секретари Мадёровдан сўз сўради.

— Ўртоқлар, — деб сўз бошлиди раис, — бугун биз, мана бригадирлардан Сайфиддин Мирбуваев, Салоҳиддин Холиқовларнинг ахборотини эшитдик. Бетларига айтишимиз керак, маҳаллий ўғитларни далага олиб чиқишидаги ишлари мутлақо қониқарсиз. Ахир, от-улов етарли бўлса, олиб чиқадиган ўғитларни теги бор бўлса, нега ўз вақтида олиб чиқилемайди, бунинг сабаби нима, Сайфиддин, — деб бригадирга қаради Тоштемир ака.

— Бригадир бунча шошасиз, ҳали вақт борку, деб кеча бешолтита одамлар ишга чиқишмади, — деди Сайфиддин.

— Уят сизга, ахир, сиз ишбошисиз, 3—4 одам ҳали вақт эрта деса сиз ҳам уларга қўшилиб жим тураверасизми. Уч-тўрт кундан бери планингиз бажарилмайди, — деб қизишиди Тоштемир ака ва сўзида дағом этди.

— Неча йиллардан буён пахта планини бажариб ҳурмат олиб келамиз, сиз ишлаёттандай ишлаш бизга ярашмайди. Ахир шу колхозни бойитган, одамларни түқ хўжаликка айлантирган бизнинг ўзимиз-ку. Сайфиддин бу йилги зўр ишга «Узибўлар» блан қарайдиган бўлсангиз, унда шу вактдан айтиб қўйганингиз ма'кул. Үрнингизга мустаҳкамроқ одамни ҳам ҳалқ қўрсатиб бераолади, машинанинг роли шофернинг, ишнинг роли эса бизнинг қўлимиизда, тўғриликда нажот кўп — деб, раис ўз ўрнига ўтириди.

Мусоҳаба қизиди. Бригадирлар кундалик ишнинг бориши ҳақида берган ахборотларнга, ўзлари ҳам қониқмагандек, эртага бундан яхши ишлаш учун қат'ий сўз бердилар. Ҳосилот советининг раиси Буваназар ака сўзга чиқиб:

— Мана бугун 27 февраль. Эртага ҳурматли Йўлдош ота Охунбобоевнинг ўлганига беш йил тўлади. Мен унинг хотирасини эртага, 28 февральда, кунлик иш графикасини тўла бажариб нишонласак деб таклиф қиласдим, — деди. Унинг таклифини ҳамма ма'қуллари ва ҳозирданоқ одамларни хабардор қилиш ва бу тадбирнинг амалий планларини белгилаб йиғилишдан тарқалдилар.

\* \* \*

Карл Маркс номли колхознинг тарихи ҳақида биз Тоштемир ака блан узоқ суҳбатда бўлдик. У, кўз олдига бирнечча йилларни келтириб ҳикоя қиласди:

1931 йилнинг январи сра ёдимдан кетмайди. 16 хўжалик, 8 та от, 61 гектар ер, «Январь» номида колхоз туздик, мени колхозга раис қилиб сайдилар. Астойдил ишлаб кичик хўжалигимизни кенгайтирабошладик. 1933 йилда эса колхозни Карл Маркс номига қўйдик. Чидам блан меҳнат қилиб, бирнечча йиллар давомида колхозимизни мустаҳкам хўжаликка айлантиридик. 1945 йилга келиб 61 гектар еримиз 941 гектарга етди. 381 хўжаликка эга бўлдик. 8 та отимиз 180 та бўлди. Колхоз тузганимизда 1 та ҳам қора молимиз йўқ эди, ҳозир эса 140 бош қорамолимиз, 1000 та қўйимиз бор.

Сра-сра эсимдан чиқмайди. 1931 йили 61 гектар еримизга пахта экиб, ҳар гектардан 8 центнердан ҳосил олган эдик ҳалос. 1940 йилда эса 710 гектар пахта майдонининг гектаридан 24 ярим центнердан ҳосил олдик.

Ўзингизга ма'лум, даҳшатли уруш бошланди. Урушга аввало сара йигитларимиз, Ватанини ҳимоя қилиш учун, йўл олдилар, биз эса азиз болаларимизни маҳсулотларимиз блан та'минлаб турдик. Совет Армиясига 24 та от бердик, 2 та автомашина юбордик, пахтамиз блан кийинтиридик, яраларига малҳам бўлдик.

Тоштемир ака ҳикоясини давом этдиратуриб қўзига ёш олди.

— Ҳа, нима бўлди Тоштемир ака, қўзингизга ёш олдингиз, — дедик биз унга.

— Оталик-да, ўғлим, сиз ҳам биздай кексайиб бир неча болаларнинг отаси бўлганингизда биласиз. Отанинг меҳри ҳам онани-

қидан қолиши майды. Биз ҳам Ватан йўлида битта полвонимиздан ақраб ўтирипмиз, — деди у кўз ёшини артиб.

Биз унга тасалли бердик.

— Тушунаман, кўзимга ёш олгим келмайди, нима қилайки, азат йигит эди, — деди Тоштемир ака.

— Шундай қилиб колхозга электр чироғи ҳам ўрнатиб олган экансизларда, — деб яна уни гапга солдик.

— Уруп тамом бўлиши олдиларида ўзимизнинг булоқ сувлагида электростанция қурдик. Шу орқали қишлоқни ёритдик. Биринчи марта-электр ёнганда тўй-тўй бўлиб кетди.

Билимдон, дәхқончиликнинг ҳақиқий агрономи, Тоштемир ака блан қилган суҳбатдан кейин руҳан хурсанд бўлади киши.

Эртасига биз у блан далаларни кўрдик. Мехнатсевар одамларнинг ғайрат қилиб ишлаётганларига шоҳид бўлдик.

### Ўқтам звеносида

Юз центнерчи звено бошлиғи норғул йигит Ўқтам бу йил яна мўл ҳосил учун астойдил бел боғлаган. У республика ёш пахтакорлар кенгашидан қайтгандан сўнг, район ёш пахтакорларининг кенгашида сўзга чиқиб:

— Ўртоқлар, 1948 йилда ишимиз тамом бошқача бўлиши жерак. Биз энди баҳоналарга ўрин бермаймиз. Ўткан йил, 5 гектар еримизнинг ҳар гектаридан 73 центнердан ҳосил берган эканмиз, бу йил 100 центнердан кам ҳосил бермаймиз. Бизнинг звено блан мусобақа ўйнамоқчи бўлган ўртоқлар гапирисинлар, деди, минбар ёнига ўтиб тик турганча тураберди.

Кенгаши залини бир дақика сукут босди. Бу мард йигитнинг сўзлари залнинг кейинроғида ўтирган Майисхонда катта жасорат пайдо қилди. У қўл кўтариб:

— Менга сўз беринглар! — деди-да, президиумдан жавоб кутди. Раислик қилаётган район партия комитетининг секретари ўртоқ Ёдгоров:

— Қани, марҳамат, сўз сизга,—деди, Майисхонга.

Қиз сочини бошига ўраб олган. У, Ўқтамнинг сўзларидан, унинг чақириғидан ниҳоят та'сиранган кўринади. Майисхон сўз бошлади:

— Ўртоқлар, гапнинг ростини айтганда, мен бошлиқ бўлган звенонинг а'золари кенгашига мени юбораётганда ўйнасанг илфорлар блан мусобақа ўйнагин дейишиди. Чунки биз ўтган йили алам ичига қолганимиз. Колхозимиз ҳам, звеномиз ҳам, планни бажаролмай шарманда бўлган. Бу йил эса мени звено бошлиғи қилиб сайдилар. Ўтган йилги аламимиз учун, — деди ва қўлини тикка турган Ўқтамга узатиб, — Ўқтам ака, бўлти, сизнинг звенонгиз блан мусобақа ўйнаганимиз бўлсин. Ҳар гектаридан 100 центнердан деяпсиз. Биз чоғимизга қараб ҳар гектардан 80 центнердан қабул қиласиз. Ҳўп десангиз сўзимиз-сўз, — деди.

Кўпчилик орасида мусобақа шартномасига қўл қўйдилар.

Кенгашдан сўнг Майисхон нега ухласин, энди у тамом бошқа хаёл блан яшайди. Чунки 600 дан ортиқ ёш пахтакорлар мажлисида берган ва'дасини сра эсидан чиқармайди.

\* \* \*

Утган йилгилардан ҳам кўра, бу йил Ўктам ишни яна қизитиб юборди. У кенгашда қўл беришган, мусобақа шартномасига қўл қўйган қора кўз, буғдойранг, бийронгина қиз Майисхонни сра унитмайди.

Ўктам бошлиқ звено ўтган йили яхши мудаффақиятларга эришган. 5 гектар ердан 73 центнердан ҳосил топширган, берган ва'дасини уддасидан чиқсан, энди бу йил, Майисхон блан мусобақа ўйнаган йили, мусобақа шартномасини бажаролмай қолса уят бўлади.

Ахир Ўктамнинг ўзи айтди-ку — «Номус ўлимдан қаттиқ».

Ўктам 5 гектар ерини икки марта ба ҳайдатди. МТС тракторчилари унинг ерида ҳайдав ўтказганларида у кечакундуз ухламади. Ҳайдов сифатини текширди. Ерни яхши ўғит блан ўғитладилар.

— Тўғрисини айтганда ўзим от-арава минишдан бўшамадим. Ерга қанча кўп ўғит солинса шунча фойда бўлади. Кенгашдан сўнг, икки метр чўкурликдаги, 500 метр масофадаги зовурни қазидик. Замбиллар блан ерларга 50 тонна тупроқ соддик.

Мен биламан, Майисхон ҳам жуда ғайрат блан ишлаётир, — деди Ўктам. — Мен-ку, ҳали унинг ишини бориб кўрганим йўқ. Лекин айтиб беришди. Кизи тушкур ҳам, кечакундуз тинмайған эмиш.

\* \* \*

Далаларда навбаҳорнинг наш'аси келиб қолди. Ариқ-зовурлар тозалаб, ерларга ўғитлар олиб чиқиб солаётган азамат бебаҳо халқнинг меҳнатини кўрар экан, киши хурсанд бўлади. Майисхонлар, Ўктамлар бир эмас, уларнинг ҳарбири ўзбек халқининг 1947 йилда Ватанга берган ва'дасини бажаролмай пахтадан қарздор бўлиб қолтанини биладилар. Улуг Сталин олдида юзимиз ёруғ бўлсин деб қилаётган ғайратлари зойи кетмайди. Чунки улар меҳнат ширин ҳаёт келтиражагини биладилар. Ўктамнинг звеноси 47-йилда 5 гектар ернинг ҳар гектаридан топширган 73 центнердан ҳосили учун 2 минг 834 меҳнат кунига ишлаб, 32 минг 527 сўм пул олди. Устама мукофот, 8 тонна дон, саноат моллари, чой, мой олдилар. Уларнинг турмуши яхши. Шунинг учун ҳам астойдил меҳнат қиласидилар.

Ўктам ишда, курашда енгиб чиқадиган норғул йигит, унинг звено а'золари ҳам астойдил ишга берилган азаматлар, улар ишлаганда чинакам меҳнат қиласидилар, бу йил уларнинг бош қашишга ҳам қўллари тегмайди.

### Одамнинг қўли гул, боғ яратади

Бу колхоз боғлари блан ҳам машҳур. Ёз чоғлари азамат колхозчилар ўзлари яратган боғларида сайр қиласидилар.

Ҳали боғлар гуллагани йўқ. Лекин, биз Карл Маркс колхозининг узуммэор, анорзор, гулзор боғида бўлдик. Ишкомларда ҳали узум йўқ, лекин мўл узум ҳосил кўзга кўриниб тургандан. Ўтган иили бу узум боғларининг ҳар гектаридан 220 центнердан ҳосил олинганини ҳикоя қиласидилар.

Булоқбошининг шифобахш сувлари бу боғни ҳам обод қиласан. Катта дарбозадан киришингиз блан тез оқаётган булоқ суви баҳри дилингизни очади. Тўлиб оқаётган ариқ бўйида қадди баланд шийпон солинган. Шийпон ёнида эса ҳовуз, ҳовузда эса балиқлар, хуллас бу боғнинг боғбони ким десангиз шу азаматлар, ҳурматли Тоштемир аканинг номини тилга оладилар. Ариқ бўйидағи қатор гуллар тулини айтмайсизми.

— Гуллар очилганда келинг, чаман бўлиб кетади. — дейди гулустаси Қарим ота.

Колхознинг 13 гектар олмазори ҳам бор. Олмаларнинг қатор экилганлиги олмазорнинг яна ҳуснини очган.

### Аҳдимиз — аҳд

Йўлдош ота Охунбобоевнинг хотирасига 28 февраль куни колхоз баҳорги ишларнинг бир кунлик графикасини тўла бажарди.

— Аҳдимиз—аҳд. Ишимизни ривожи учун кечакундуз тинмаймиз. Бу йил яна мўл ҳосил учун бел боғлаганмиз, — деди Тоштемир ака.

Совет ҳукумати аҳдини бажарган меҳнат қаҳрамонларини ҳамиша ҳурмат қиласиди, уларни тақдирлайди. Тоштемир ака 1944 йилда Ленин ордени блан мукофотланди. Чунки у уруш йилларида Карл Маркс номли колхоз давлатга етказиб берган минг-минг тонна пахталарни ўстиришда оммага бошчилик қилаолди, меҳнатни ўюнтираолди. 1945 йилда эса «Ҳурмат белгиси» ордени олди, яна ҳурматта сазовор бўлди. Ўзбекистон Олий Советига бўлиб ўтган сайловларда Булоқбоши қишлоғида колхоз тузиб, ўз ҳалқига фидойлик қилган Тоштемир ота Раҳимов 170-нчи Булоқбоши сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат қилиб сайланди.

— Мен умримнинг барини ҳалқимиз учун хизматга багишлаганман. Ҳалқимизнинг хизматкориман, ўртоқ Сталиннинг депутат ҳалқ хизматкори, деган сўзларини ҳамиша ёдимда сақлагайман; биз аҳдимизни бажариб келган одамлармиз. Чунки улуғ Сталин бизнинг ишимизни доимо кузатиб туради. Биз унинг меҳрибончилигидан миннатдормиз, — дейди Тоштемир ака.

Хушҳаво, Булоқбоши қишлоғидаги Карл Маркс номли колхоз а'золарининг шонли ишлари сатрларимиздан яна жой олгуси, албаита.



# ЖЕШЛАР САХИФАСИ

ЮСУФ ШЕРЖОН

## ТРАКТОРЧИГА

Сталин номини ёд этиб дилга,  
Кўлга қурол ушлаб элга онт ичдинг.  
Ватан деб қайтмасдан бўрондан асло  
Шиддатли жантларнинг қисматин ечдинг.

Тинди жанг. Бошланди биз кутган ҳаёт,  
Қишлоқда, шаҳарда гигант қурилиш.  
Далалар, кел дейди, қучоқ очади,  
Бошла, деди деҳқон, зафарга юриш.

Бу йилнинг энг буюк саҳифасига  
Келажак иқболи чизилган, дўстим.  
Фаровон турмушнинг шу зафар йўли  
Доҳи қўли блан ёзилган, дўстим.

Юр, колхоз боғларин қиласлик гулзор,  
Кечак танкист, бугун тракторчисан.  
Зафар байроғини кўтар кўкларга  
Рульни маҳкам ушла, толма, ишла шан!

Колхоз боғларида Ил'ич чироғи  
Бахт қуёшидек нурини сочсин.  
Мардона бел боғла! Пахта мўл бўлсин!  
Бу йил колхозимиз плани ошсин!

Урганч



ПУЛАТ МҮМИН

**СТАЛИННИ ЧАҚИРАМИЗ МЕҲМОНГА**

Яшнаган колхозимиз  
Сталиннинг номида.  
Турли узумлар пишар,  
Ёз бўлса ишкомида.

Пахтазори ҳосилдор,  
Чўзилган ҳар томонга.  
Колхознинг бир боғи бор,  
Донғи кетган жаҳонга.

Бу боғни парваришлар  
Уста Ниёз бобомиз.  
Кўмаклашамиз ҳардам  
Биз ҳам кичик боғбонмиз.

Кузда рўда теришиб,  
Бирга қиласиз қўндоқ.  
Бизнинг ишдан бобомиз  
Хурсанд бўлади ҳар чоқ.

Ёз чоғи узумларни  
Ташиймиз сават-сават.  
Болдан ҳам ўтиб кеттан,  
Узумлар ширин-шарват

Даройи, чарос, кишиши  
Олтин каби ҳусайнини  
Мазасин тотган сайин  
Эҳ, кўнглингиз тусайди.

Ишкомларда узумлар,  
Ерга теккудай боши.  
Буларга маза берган  
Узбекистон қуёни.

Узумлардан сархиллаб,  
Бобомиз блан бирга,  
Қўп совғалар юбордик,  
Москвага, Сибирига.

Узоқ қутбда юрган,  
Пионерлар, дўстлар ҳам,  
Боғимиз майизидан  
Улар кўришган баҳам.

Боримизнинг довруғи  
Тарқалган ҳар томонга.  
Шу ёзда чақирамиз  
Сталинни меҳмонга.

МАННОН ФАНИ  
**БЕГОБОД**

Менга таниш дар'ё бўйлари,  
Фарҳод тоғи, ям-яшил ўтлож  
Ёшлигимни сенда ўтказдим.  
У вактда эдинг бир қишлоқ.

Адрларда лола терганман,  
Баҳор бўлиб унгандагиён.  
Тол чивиқли жийрон тойчорим,  
Менга эди севикли ҳамроҳ.

Алифбени — Ленинни сенда,  
Қўзим очиб таниганман — мен.  
Кичик партага, кўрккам мактабим.  
Ҳамон-ҳамон ёдимлассан—сен.

Энди кўрсам кўркинг ўзгача,  
Қишлоқ эмас, бўлибсан шаҳар.  
Жиловланган азим дар'ёдан  
Улка бўйлаб ёруғ нур оқар.

Боболарнинг афсонасида,  
Та'рифингни биламан аниқ.  
Орзуйимиз рӯёбга чиқди,  
Ботир халқим маҳтовга лойиқ.

ҚУДРАТ ҲИҚМАТ

**ИККИ ШЕ'Р**

МЕҲНАТ ЛАВҲАЛАРИ

Тоңдан то шомга қадар,  
Пахтазорни оралаб,  
Колхозчи — теримчилар  
Пахта йиғар саралаб.  
Сайхон дала тўшида  
Тоғ-тоғ хирмон пахталар.  
Водиларга шу'ласи  
Тонг нуридек тарқалар.  
Кишлоқ йўллари кафтдек,  
Туташ адр—қирғоқча.

Япроқларда ўйнар ел,  
Фир-фир эсиб ҳар ёққа.  
Машиналар устига  
Оқ тепалар ортилган.  
Каноб арқонлар блан  
Чандиб, пишиқ тортилган.  
Катта равон йўллардан  
Куюн сингари учар.  
Пахта пункти томон  
Гўёки қишлоқ кўчар.

## БУВИМНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Бувим блан Санобар  
Курт тутишди баробар.  
Катта уйнинг тўрида,  
Ипак қуртлар сўрида  
Үрмалашар вишиллаб,  
Тут баргин ер пишиллаб.  
Санобарнинг вақти чоғ,  
Барғ келтирди бир қучоқ.  
Бувим деди: Ой қизим,

Энди сенга шу сўзим:  
Қуртлар кирди даҳага  
Ўрнак бўлиб Яҳяга  
Читирга тарааддуд қил,  
Ўз ишингнинг кўзин бил!  
Бу йили биз уч марта  
Қурт тутиб, мамлакатга  
Топширамиз пиллани,  
Пилла эмас — тиллани.



## МАВЛОН ИКРОМ

### *MEXR*

Она меҳри гўё кенг чаман  
Бола эса ундаги бир гул.  
Ота бўлиб парвона, боғбон  
Ўз боғига беради кўнгил.  
Эркалашар суюб ўғилни  
Қувнағил сен, бўталогим, деб.  
Ва ўпишар жажки қўлинини  
Чақалогим, қўзичоғим деб.  
Бола эса, қувноқ ва тетик  
Иккисига боқар галма-гал.  
Ҳали тили чиқмаган — чучук  
Алла нима дейди ҳар маҳал.  
Бола ўсар, улғаяр албат.  
Ота-она севгиси агад  
Гавҳар каби қалбида қолар.

Фарғона



# ТАНЖИД ВА ПУБЛИШИСТИКА

ХОДИ ЗАРИФ

## ЛУТФИЙ ВА НАВОИЙ

Улуғ мутафаккир Алишер Навоининг билмдан олим бўлиб етишуви учун ўзидан илгари ўтган олимларнинг фалсафий, аҳлоқий ва тарихий асарлари қанчалик асос бўлган бўлса, буюк шоир бўлиши учун ҳам шунчалик кенг адабий бир замин бор эди. Урта асрларда мусулмон шарқининг кўпчилик илмий ва адабий асарлари расмий тил ҳисобланган араб ва форс тилларида ёзилган, Навоий бу тиллардаги асарлардан мукаммал фойдаланабилган ва яхши фойдаланган. Ўзбек тилида илмий ва адабий ижодиётнинг (ёзма равишда) Алишергача қарийб тўрт юз йиллик тажрибаси ва традицияси буюк Алишерни ўз тилини улуғлашга, бу тилни камолатга эриштиришга ва шу тилда юксак бадиий асарлар яратишга етаклади...

Алишер Навоий ва унинг замондошлари томонидан ёзилган илмий асарлар туфайли билганимиз XIV ва XV асрнинг қатор ўзбек шоирлари ўзбек адабиётининг ривожланши йўлида унумли хизмат қилдилар. Форс тилидаги илмий ва бадиий миросдан тўлиқ фойдаланабилган, ўзи ҳам шу тилда ижод этабилган бу туркигўй ўзбек шоирларига ўз она тилидаги ше'риятни юксалтириш учун имконият ва адабий замин илгариги асрларга нисбатан кўпроқ эди...

Бу даврда ўзбек шоирларининг бир қанчаси дун'ёвий лирика яратиш йўлида тақдир этиларли анча иш қилдилар. Улар ўзбек тилида ғазалчиликни қизитиб юбордилар, ҳаётий аҳамиятга эга бўлган, ўтмишга нисбатан реал турмуш блан боғланган қасидани ўзбек адабиётида жонлантирдилар: Шарқ классик адабиётидаги назирачилик татаббу' традицияси ўзбек поэзиясининг та-комиллашувида катта роль ўйнади.

XIV—XVI асрнинг биринчи ярмида ўзбек тилида пухта ишланган бадиий гўзал дун'ёвий ғазалларнинг бир қисми тўла ва бир қисмининг матла'лари (бош байтлари) бизга етиб келганки, булар авторларининг кучли шоир бўлганларини кўрсатиб турдилар. Шу шоирлардан девонлари сақланиб қолган Амирий, Атоий, Лутфийлар ҳақиқий ғазални кенгайтириб юбориш блан бирга, форсий тилдаги ғазаллар блан тенглашаоладиган, мусобақалашадиган ға-

заллар яратдилар, ўз ше'рларини реал ҳаёт ҳақидаги тушунчалар, оригиналь ўхшатишилар блан безадилар ва бойитдилар. Бу ҳараратда эса халқ тили, халқ мақоллари, әртак ва афсоналари улар учун бой манба бўлди.

Мана шу ўзбек шоирларининг зўр сан'аткори Лутфийдир. Бу олижаноб шоир ҳақида, оз бўлса ҳам, дастлаб ма'lумот берган Алишер Навоий бўлди, сўнг Фиёсиддин Хондамир ва бошқалар. Лутфий ўзбек адабиёти тарихида муҳим ўрин тутган, ўзбек классик адабиётининг юксалишига катта хизмат қилган ажойиб суз устасидир. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳақида кенгроқ илмий текшириш ишлари олиб борилиши ва нашр этилиши кўпдан лозим бўлса ҳам, ҳозирча майдонда йўқдир, (ёки бизга ма'lум эмасдир).

Лутфий (1366/67—1465/66)<sup>1</sup> Темурйлар давлатининг марказла-ридан Ҳирот шаҳрининг четида Деҳиканор аталган ерда яшаб, фақирона турмуш кечирган. У, ёшлигидан билим олишга берилид, замонида ўқитилган фанларни ўрганди, йигитлик чоқларида дун'ёвий илмларни ўқиб, тўла таҳсил кўрди. Кейин машҳур сўфийлардан Мавлоно Шоҳобиддин Ҳиёбоний блан яқин муносабатда бўлди.

Қўлимизда бор биргина девонига суюниб, шуни айтаоламизки, Лутфий сўфийликдан ҳоли бўлмагани ҳолда, сўфизмнинг актив ташвиқотчилиридан бўлмаган бўлса керак, чунки унинг ғазалларида бу руҳ кўзга ташланмайди.

Лутфийдаги камтарлик, илм ва сан'ат аҳлларига ҳурмат-илтифот, ҳақ ваadolатни севучанлик, шафқат ва муруватни улуғлаш каби инсоний фазилатлари уни, феодализм шоирларининг кўплари-га характерли бўлган мансабдорларга ҳушомадгўй бўлишдан сақлаган. Лутфий ўз даврининг улуғ шоир бўлгани учун уни саройга чақирган бўлганликларини гумон қилиш мумкин. Лекин бизнинг дастлабки текширишимизга кўра у, феодал саройининг дабдабала-рига берилиб, у ердаги қарама-қаршиликлар, ҳақсизликлар, жабр-зулм, фисқ ва фасодлар ичидаги бўғилишни истамаган бўлса керак. Бу сўзлар Лутфийнинг Ҳирот саройи блан ҳечқандай муносабати йўқ деган гап эмас, албатта. Аммо Лутфийни сарой шоир дейишга асос ҳам йўқ. «Узбек адабиёти тарихи хрестоматияси»нинг I-инчи китобида (1941 йил) «Лутфий ўз умрини Темурйлардан Шоҳруҳ Мирзонинг саройида ўтказди. Ўзининг шўх ва сан'аткорона ғазаллари блан шоҳона ин'омлар олган бу шоир ба'зан сарой аҳли блан келишаолмай, ғамгин мисра'лар тизар эди» деб ёзилган. Лутфий ҳақидаги тарихий ҳужжатлар ва Лутфий ше'рлари орасида бу фикрни тасдиқловчи ҳечқандай далилни биз учратмадик. Бизнинг фикримизча, Лутфий девонида Шоҳруҳ Мирзога мадҳиядан ибо-рат бўлган биргина қасидага суюниб, уни сарой шоир қилиб қўйиши, «ўз умрини Шоҳруҳ Мирzonинг саройида ўтказди» дейиши

<sup>1</sup> Лутфийнинг туғилган ва ўлган йили ҳақида ёзилган ма'lумотлар бир-бирига зиддир. Бу масалага аниқлик киритиш учун мавжуд қарама-қаршиликлар ҳақидаги муҳокамаларимизни, бу мақоланинг ҳажмини тежаш тилати блан, қисқартириб, алоҳида нашр этишини лозим топдик.

мумкин эмас. «Хрестоматия»да айтилган у фикрлар уйдирмадир. Лутфий ғазалларида ижтимоий фикрлар, ўз ҳаётидан шикоятлар борки, биз уларни кейинроқ кўриб ўтамиз. Сарой шоири ижодига қарама-қарши тушган бундай сатрлар «ба'зи сарой аҳли блан келишаолмай, ғамгин мисра'лар тизар эди» деган хәёлий хуносани ҳам тўқишини тақозо қилган. Ўтмишни ўрганганида бундай «фантазия» тарихий фактларни қалбакилаштиришдан бошқа бир нарса эмас ва шунинг блан бирга илмий асарларда ва дарслерларда жуда зарарлидир.

«Лутфийким, ўчун<sup>1</sup> хонларини илмади кўзга» деган биргина сатрнинг ўзи ҳам текширучини бу ажойиб шоирга бошқачароқ қарашни талқин этади.

Алишер Навоий, аслан Шаҳрисабзли ўзбекдан чиққан машҳур Хисрав Деҳлавийни «Маликул Калом», «сўз сан'атининг шоҳи» деганидек Лутфийга ҳам шу буюк баҳони беради. «Мавлона Лутфий ўз замонининг маликул каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди»<sup>2</sup>.

Лутфий Форсичани ўз она тили каби билган, «Зуллисонайн» («икки тилли») аталишга лойиқ забардаст шоирдир. Унинг, қасидагўй устод шоирлардан кўпининг мушкил ше'рларига Форсий тилда назиралар боғлаганини, жавоб айтганини Навоий хабар беради<sup>3</sup>. Лутфий умрининг охирларида офтоб радифи блан форсича бир ше'р ёзган. Ше'рнинг матлаи (бошлангич биринчи байти) шундай:

«Э зи зулфи шаб мисолат сояпарвар офтоб,  
Шому зулфатро бажойи моҳ дарбар офтоб».

Ма'носи: «Сенинг тун каби (қоп-қора) зулфиндан офтоб сояди парвариш топди, сенинг қора зулфларинг қучоғида (орасида) ой ўрнида қуёш туради».

Бу байдга шоир ёрининг юзини қуёшга, зулф ва соchlарини қоронғи тунга ўхшатадики, бунда ҳечқандай янгилик йўқ. Лекин бу қуёш сояди парвариш топган дейдики, бу, ёрининг ёзи офтоб захмини кўрмаган, куймаган, оппоқ ва мулоим демак бўлади. Бу ерда яна чиройлик бир сўз ўйини бор. Юзнинг ўзи қуёш бўлатуриб у, қора зулфлар орасида яширган, я'ни қуёш, қуёшдан бекинган. Одатда кечада ой бўлмоғи керак, лекин Лутфий қора зулфлар қучоғида ой ўрнида қуёш туради деб, ажойиб бадиий сатр яратади. Сўзни сан'аткорлик блан бундай ўйнатиш ҳар шоирга мусассар бўлмайди, албаттада.

Бу ше'рга назира боғлаш учун XV асрнинг иккинчи ярмидаги Хуросон ва балки Мавораунаҳр шоирлари кўп уринганлар, ше'рлар, ёзганлар, лекин ше'рнинг матлаини ҳечким Лутфийча гўзал

<sup>1</sup> Учун — очун сўзининг диалектал бир шакли бўлиб, дун'ё ма'носидадир

<sup>2</sup> Навоий — «Мажолисун-нафоис». Иккинчи мажлис.

<sup>3</sup> Уша ерда.

айтаолмаган<sup>1</sup> Бу фактнинг ўзи ҳам Лутфийнинг «маликул қалом» лигига далолат қиласди. Лутфийнинг камолатга эришган шоирлигини Навоий «Мұхокаматул-лугатайн»да ҳам бирнече буюк шоирларга тенглаб, юксак баҳо беради. «...Форсигүй шуаро зухур қылдилар: Қасидада Хоқоний ва Анварий ва Камол Исмоил ва Захир ва Салмонбек ва маснавийда устози фан Фирдавсий ва нодири замон Шайх Низомий ва жоду' Ҳинд Мир Хисравдек, ва ғазалда мухтари, вақт Шайх Муслихиддин Са'дий ва ягонаи аср Ҳўжа Ҳофиз Шерозийдекки, буларнинг та'рифи юқорироқ чун шаммай сурулубдур ва васфлариға қалам уруулубдур». «...Сорт салотинидин ҳам султон Тўғруллек ва Шоҳ Шижо'дек... сипоҳлар рангин аб'ёт ва ширин ғазалиёт айтдилар ва замонларида машҳур бўлди ва рўзгорлари аврокида мастиур. То мулж араб ва сорт салотинидин турк хонларига интиқол топди. Ҳалику хон замонидин султони соҳибқирон Темур-Қўрагон замонидин фарзанди халафи Шоҳруҳ султоннинг замонининг охиригача турк тили била шуаро пайдо бўлдилар... Шуаро Саккокий ва Ҳайдар Хоразмий ва Атойи ва Муқимий ва Якиний ва Амирий ва Гадойидеклар. Ва Форсий мазкур бўлғон шуаро муқобаласида киши пайдо бўлмади, бир Мавлона Лутфийдан ўзга»<sup>2</sup>.

Алишер Навоий ўз илмий ва ижодий камолатининг чўққисида яшаб турган йилларида Лутфийга шу қадар юксак баҳо берган ёкан, бунда ажабланарли бир ҳол йўқдир. Бу баҳо тамом асосли эди ва Лутфий шунга арзир эди. Бунда ма'лум даражада муболиға ҳам бор, албатта Лекин Навоийнинг Лутфийга бўлган ихлоси, ҳурмати ва замонининг традицияси шуни тақозо қиласди.

Лутфий умрининг охирида ҳам форсича ше'р ёзиб турганлигини яна Навоий воситаси блан биламиз. Лутфий дун'ёда «ўтар вактида бу матла'ни деди, фурсат бўлмади тугатмоққа, васият қилдиким, Ҳазрат Маҳдумий нуран тугатиб ўз девонларида битсунлар деб, ул Ҳазрат ҳам тугатиб ўз девонларида битдилар. Ул матла' будурким, матла'»:

«Гар кори дили ошиқ боқафири Чин афтад,  
Беҳ зонки бададхўйи бераҳм чунин афтад».

(«Ошиқ дилининг иши Чин коғирга тушиб қолса,  
Бераҳм ва бадхўйнинг қўлига тушгандан бу яхшироқдир».)

Ҳақиқатақ ҳам, Абдураҳмон Жомийнинг ше'рлари тўпламида «афتاب» радифи блан етти байтдан иборат бир ғазал борки, матлаи Лутфийникидир<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Навоий — «Мажолисун-иафоис». Иккинчи мажлис. Мавлона Лутфий.

<sup>2</sup> Алишер Навоий — «Мұхокаматул-лугатайн». Тошкент, 1940 йил, бет 39, 68.

<sup>3</sup> Абдураҳмон Жомий (7, I, 1414—9, XI, 1492).

<sup>4</sup> Қара: Қуллиётини Жомий' (араб алифбасида).

Навоийнинг «Насоимул—муҳаббат»ида Лутфий блан Абдураҳмон Жомий ораларидаги самимий дўстлик ва ижодий ҳамкорликдан дарак берган, айни замонда Лутфийнинг зўр шогирдларини курсатадиган ажойиб бир воқиани ўқиймиз. «Тўқсон ёшидан тажовуп қилганидан ҳазрат Маҳдумий Наввара марқадаҳу нуран отига (я'ни Жомий отига X. З.) «сухан» қасида айтиб келтуруб өрдикни, замонининг хушгўйлари барча хўблатуқфа мусаллам тутдилар ва ул Ҳазрат даги инсоф бердилар ва аниг матлаи будур»:

«Зиҳи ҳадис лабат қуту жону руҳи сухан,  
Гули сухан чаман оройи бўстони сухан».

Ул ҳазрат шукургузорлиқ юзидин ма'зарат изҳори қилиб дедиларким, «бу ше'рни силаси (мукофоти — X. З.) уҳдасидан биз чиқаолмаймиз, магар муқобалада ҳам қасида Сизнинг отингизга айтқаймиз, Сизнинг кийган эски тўнингизни гадолик қилурмиз». Мавлона дедиларким, «Они Сизга осон қилурмизким, сила бўлғай» ул ҳазрат узурхоҳлик блан қисватни анга кийдурдилар<sup>1</sup>.

Бу сўзлар Лутфийнинг форсгўйликда ҳам камолатга эришган ва замонасининг фазилатларига манзур кўпгина форсича ше'рлар ижод эттан улуғ шоир эканлигини характерлайдилар.

Лутфийнинг форсича ғазаллари девон ҳолига келтирилмаган бўлса керак, ҳарҳолда улар бизга етиб келмаганлар.

Лутфий биринчи навбатда ўзбек шоиридир. Шунинг учун ҳам Навоий «форсий ва туркийда назири йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони машҳурдур» дейди. Туркий ше'ларининг девон ҳолига келтирилгани ва машҳурлиги нусхаларининг кўпайишини та'мин этганлар. Лутфий девони бизнинг замонимизгача етиб келган. Унинг ҳатто, Буюк Октябрь социалистик революциясидан кейин Тошкент котиблари томонидан кўчирилган нусхалари ҳам бор.

Лутфий лирик шоиридир. У, ше'рда туркий ва форсий адабиётдаги традицион тематикадан нарига ўтмаган бўлса ҳам, унинг ижодида ажойиб бир сан'аткорлик барқ уриб туради. Лутфий, ше'рда соддаликни севади, ше'рнинг ўқучига бориб етишини истайди. Лутфий ше'лари, ма'ноли, чиройлик ифодалар, гўзал ўхшатишлиар, ажойиб сўз ўйинлари, рангба-ранг бадиий бўёқлар блан ўйноқи ва оҳангдор ишланганликлари блан характерланаидилар. Шунинг учун ҳам унинг ше'лари Навоийнинг диққатини жалб этган эди, ва шунинг учун улар ўз замонида ше'риятни севучилар орасида кент тарқалиб, мақтovларга сазовар бўлган эди.

XV асрда улуғ олим ва фозил кишилардан ҳисобланган, айни замонда форсигўй ва туркигўй шоир, Навоийнинг мураббиси — Саид Ҳасан Ардашернинг Лутфий ижодига катта ҳурмат блан қараши бечиз эмас эди. «Турк ва сорт орасида андин тамомроқ киши

<sup>1</sup> Ма'носи: Лабоингдан чиқсан сўзлар, сўзнинг озиғи, жони ва руҳидир. Сўзнинг гули сўз бўстонини зиянатловчидир.

күрмабдурмен»<sup>1</sup> деб Навоий томонидан катта тақдир этилган Сайд Ҳасан Ардашер уйида «замонининг шуаро ва фузало ва зурафолари... шаҳарнинг созанда ва хонанда ва гўяндаси доим сұхбатда ҳозир бўлурлар» эди. Кечакундузлаб одатланган давомли бу сұхбатларда кўп ше'рлар ўқилар, адабий мунозаралар давом этар эди. Шу йигинларда Лутфий ғазаллари мақталиб ўқилганини Навоий хабар беради. «Туркигўй шуародин мавлона» Лутфий алайҳирраҳма ше'рларидан аб'ёт ўқурлар эди, ва бу матлаин та'риф қилиурлар эрдиким.

«Назиклик ичра белича йўқ тори гисуиي,  
Уз ҳаддини билиб, елидин ўлтурур қўйди...»<sup>2</sup>

Бу матла'ни Навоий «Мажолисун-нафоис»да ҳам Лутфий ҳақида тапириганда намуна сифатида келтирган эди. Лутфий ше'рларининг яхши билган Навоийнинг икки китобда ҳам айни матла'ни келтиришига сабаб «ёрнинг сочи шу қадар узунки, белидан пастга тушиб туради» деган содда фикрни чиройлик сўз оборотлари блан бадиий гўзал ифода этилишидир. Я'ни ёрнинг бели унинг социдан ҳам нозикроқдир, модомики бел нозик экан, у, сочга нисбатан му'табар саналмоги керак, «му'табарлар тўрда-юқорида бўлиб, соч ўз ҳаддига кўра қўйироқда турмоғи керак. Чунки, юқори даражадагилар тўрда, қўйи даражадагилар қўйида ўтирап эдилар. Шоир ўз замонасидағи турмушда мартабага кўра ўрин олишдан фойдаланиб, оддий фикрни поэтик традиция асосида ҳусни та'лил блан далиллаб, (ҳарчандки бу далилнинг асосий сабаб эмаслигини яхши билса ҳам) чиройли ше'рга айлантирган. Бу приём Лутфий ше'рларида кўп учрайди:

«Кун тушда кўргали сени тушди заволга,  
Ой тонтга қолди кеча боқиб ул жамолга».

Я'ни жамолнинг ўтакетган гўзаллигини — сенинг гўзал жамолингни тушда бир кўриш учун қўёш ухлагали кетди, ой эса тунда сенинг жамолингга боқиб, ҳайратда қолди» деб ажойиб оригиналь ифодалар яратади. Ҳусни та'лилни ўринли ва жуда усталик блан ишлатиш натижасида ажойиб муболага ҳам пайдо бўлади.

«Юзунгдин лола ранг элтиб, ўёлиб шаҳрға кирмас,  
Анинг бўйини киши боғлаб, кетурмагунча саҳродин»

Тўё лола ёрнинг юзидан қизил ранг олган, у, дилбардан уялганидан шаҳарда турмай, саҳрова бўлади, уни одамлар боғлаб (дасталаб) келтирмагунча, шаҳарда кўриш мумкин эмас...

Лутфий ўз ше'рларида реальлик беришга интилади, реаль турмушла бор ҳодисалар ва тушунчаларга кўпроқ э'тибор беради, я'ни фикрни реаль турмуш блан боғлаш учун уринади. Үхшатиш-

<sup>1</sup> Навоий — «Мажолисун-нафоис». Иккичи мажлис. Сайд Ҳасан Ардатмер.

<sup>2</sup> Навоий — «Ҳолат Сайд Ҳасан Ардатмер».

лар, муболагалар ва образларни шу турмушдан, ёки халқ ўргасида. кўплан сингиб қолган тушунчалардан олади, буларни жуда катта сўз усталиги блан бадий безайди ва шунинг блан фикрнинг жозибали равишда тез сингишини та'мин этмоқчи бўлади. Шоир бу ҳаракатда халқ тилидан, халқ ибораларидан, фольклордан кенг фойдаланади...

Бизда ёш болалар ўйинлари орасида бекинмачоқ, ёки яшинмачоқ деган ўйин жуда кенг тарқалган. Лутфий ёрнинг оғзи ниҳоят даражада кичик дейиш учун шу ўйиндан фойдаланиб ёзади:

«Тилаб кўнгул сенинг оғзингни топмас,  
Кичик учун магар ўйнар яшунмоқ».

Яна бир ғазалидаги:

«Кўнгулжиз этти кўзи ваҳ не бўлди, тенгри учун.  
Дудоғидин мени бир сув уруб даво қилса».

байтида «ёрнинг жамоли мени бехуш қилди, ёrim ўз дудоғидан менинг бетимга сув буркса, мен тузалар эдим» дейдики, бу халқ орасида ҳушдан кеттанинг бетига сув селишдан фойдаланганини кўрсатади.

Хушёрликка ундаған «Кутилмаган бало оёқ остида» мақоли, Лутфий ше'рида жуда ўринли ишлатилади.

«Фоғил ўлма ким, оёқ остидадур, э жон, бало».

Мақоллардан Лутфий жуда кенг фойдаланган. Унинг кўп ғазалларини халқ мақоллари безаб туради.

«Эл, юзига боқсалар ўлармен,  
Хуршидни нетай, яшурса бўлмас».

Бу байтиниг иикинчи мисра'и халқ мақолида «Қуёшни этак блан ёпиб бўлмайди», ёки «ойни этак блан ёпиб бўлмайди» шаклида машҳурdir. «Осмон узоқ, ер қаттиқ» мақолини Лутфий ғазалида:

«Ерга кирсам кошки, етмас ул ойга элик,  
Мушкул аҳволе тушубтур, ер қатиқу кўк йироқ».

деб ўқиймиз. «Кўздан узоқ-кўнгилдан узоқ» мақолини:

«Кўздан йироқ бўлса, кўнгилдан йироқ эмиш».

Лутфийда мақолларни ҷара-сирагина эмас, балки ғазалнинг ҳамма байтларига ҳам сингдириб ишлатилганини кўрамиз.

Яхши бир нарсани маҳтаганда халқ ўргасида «ўликни тирилтиради» деган та'бир юради. Лутфий мана шундан фойдаланиб чиройлик бир тазод ишлаган:

«Үлур тирик сени күрса, vale үлук тирилур».  
Кишининг бошига тушган мушкуллар ҳаддан ташқари кўп ва оғир бўлса, «менинг юқимни тоғ ҳам кўтараолмайди» деган образли ибора ҳалқ, ўртасида машҳурдир. Буни биз Лутфий ше'рида ҳам ўқиймиз:

«Сансизин қилмай таҳаммул нола қилсан, қилма айб,  
Гар бу юқ юкланса тоққа, келгай андин юз садо».

Халқ ўртасидаги ибораларни ғазалга сингдириш Лутфий учун жуда характерлидир.

Лутфий ўз ғазалларида ўқучига таниш афсоналардан ҳам фойдаланади ва буни ёзи икror ҳам этади:

«Лутфий фироқинг эмгакини дафтар әткали,  
Афсона бўлди эртагилар ишқ номаси».

Лутфий мутасаввуф олимдан та'лим олган, сўфиylарни ҳурматлаган, дарвишона умр кечирган бўлишига қарамай, унинг ше'рлари асосан реаль ҳаёт блан боғланган бўлиб, муҳаббат қўшиқлари дун'ё гўзалига атаб кўйланган, Лутфийнинг бу хусусиятини характерлаш учун ғазалларидан бир неча сатрлар келтиришга тўғри келади.

«Сен ҳусн ила бойсен, санги чун фарз дуур ҳаж,  
Кил, тенгри учун, ка'баи кўнглумни зиёрат».

Бу сатрларда шоир кўнглини ка'ба блан тенглайди. Шу жиҳатдан қуйидаги сатрлар ҳам характерлидир.

«Лайлутул — ме'режнинг шарҳи сочи тобинадур,  
Коби кавсайн иттиҳоди қоши миҳробинадур».

Ёки:

«Масиҳу Ҳизр эди оламда жонбахш,  
Алар улдамдау бу дамда сенсен».

Шариат талқинига кўра сув бўлмаганда тоза тупроқ блан таяммум қилиш мумкинки, бу таҳорат блан баробар саналади. Тоза тупроқ блан таҳорат қилишнинг жоиз бўлган сабабини, Лутфий, ёрнинг этаги тупроққа сургалиб, тупроқни тоза қилганидан деб ёзади.

«Ер уза этак судраб ўтубсен, онинг учун  
Тупроқ ила ҳар қайта раво бўлди таҳорат».

Ерга бош қўйиб ибодат қилишни ёрнинг оёғи тупроқни табаррук қилганидан деб шоир қатта жасорат кўрсатади.

«Қутлуғ аёғи ерга тегибдур, онинг учун  
Эл ерга құюб бош, қилур барча ибодат».

Мутассавуфлар дун'е гүзалига күнгил бермасликка ундаған бўлсалар, Лутфий дун'е гүзалидан завқ олади:

«Мени севди дебон ёзғурмағилким,  
Сени қим севмаса, динға зиёндур».

«Ишқдин ман' этса зоҳид, бўлмагил машғул ҳеч  
Ким өрур аҳмоқ жавоби—Лутфий, хомуш айламақ»

деб кескин сатр тўқийди. Дун'е гүзалига муҳаббат боғлаш зоҳид учун зарарли дейди ва ўзини улар қаторига қўшмайди:

«Мехроб қоши сори зинҳор боқма зоҳид,  
Вайрон бўлур намозинг барча қазо қилурсен».

Шу байтлардан кейин Лутфийнинг яна бир ше'ридин икки сатрини эслатиш лозим бўлиб қолади:

«Қибладин, ёраб, ўлар ҳолатда эврулсун юзум,  
Гар сенинг қошингдин ўзга бўлса меҳробим менинг».

Унинг яна бир гўзал ва характерли байтини келтирамиз:

«Не кетурдинг десалар, маҳшарда, Лутфий дун'ёдин,  
Кўргузай бағримдағи новакларинг пайконини».

Қиёматга ишонган бу шоир, «маҳшар куни» дун'ёдин ортдирғаним шу дун'е гүзалининг севгиси деб жавоб бераман» деган экан, реаль ҳаётга улуғ муҳаббат боғлаганини ва бунда мустаҳкам иродага эга бўлганини э'тироф этишга ҳақлимиз. Бу хусусиятлар у замондаги ҳоким тушунчага кўра нуқсон саналар эди. Шоир:

«Нуқсони кўп ҳар ишда бечора Лутфийнинг,  
Дилбар жамоли васфида лекин камоли бор»

байтида, мутаассиб тақводор бўлмаганини ҳам назарда тутган бўлиши иҳтимолдан ҳоли эмасдир.

Лутфий ғазалчиликда ўзбек шоирларининг энг усталаридан бўлиб етишди. Ўз она тилининг нозикликларини яхши билиши ва ҳаммадан имуҳими сўзни бадиий бўёқлар блан ишлатишда моҳирлиги, ғазал поэтикасининг қийин приёмларидан ғоят усталик блан фойдаланаолиши ше'рларини камолга эриштириди. Лутфийга қадар аруз вазнларидан фойдаланган бирқанча ўзбек шоирларининг ба'зи ше'рларида, зўракилик ва сун'ийлик сезилиб туради. Бу жиҳатдан Лутфий уларнинг ҳаммасидан ўзиб чиқди. У, ўзидан илгари

ўтмиш ўзбек шоирларига нисбатан, кўпроқ вазнларда ёзиш блан арунинг вазн талабларига мос ўзбек сўзларини топиб, ишлатиш ва равонликни та'мин этди. Шунинг блан бирга ғазалда радифни ўзбек ше'риятида силлиқлик ва изчилик блан та'мин этиш мушкул эди. Лутфий бунинг ҳам уҳдасидан чиқди, ше'рдаги оҳангдорликни кучайтирди, ҳатто, ба'зи ғазалларида сатрларнинг деярлик ҳаммасини радиф блан тизиб берди.

«Мени шайдо қилатурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,  
Хору расво қилатурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,  
Үқтек қоматимизни қора қошлиғлар учун,  
Муттасил ё қилатурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул,  
Мени ёзғурма севар дебки, менинг ҳаддим эмас,  
Ул таманно қилатурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.  
Борма дерлар эшики сори дамодам, нетайин?  
Кўп тақозо қилатурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.  
Тора мўюнг ҳаваси бирла қаронғу кечалар,  
Жонни савдо қилатурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.  
Душману дўст аросинда мени ғофилни,  
Бе сару по қилатурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул.  
Ўзгадин кўрмаки кўзунг ёшини, э Лутфий,  
Айни дар ё қилатурғон бу кўнгулдур, бу кўнгул».

Бу ғазалда қарийб бир сатрнинг 8 марта бағдарилиши ва ҳар сатрда кўнгул сўзининг кетма-кет икки даф'a келиши жуда усталик блан ёқимли тушгани учун радифнинг ва такрирнинг гўзал намунаси бўлаолгандир.

Лутфий ғазаллари бошдан-оёқ нуқсонсиз ҳам өмас, албатта. Унинг ба'зи ғазалларида, айрим сатрларда ножъя ўхшатишлар, сакталиклар, ора-сира зўракиликлар ҳам учрайди. Ўзбек тилида ғазалнинг тамом камолотга эришмаган бир даврида бундай ҳолларнинг бўлиши ҳам табиийдир. Иккинчидан, бир шоирнинг умр бўйи ёзган ҳамма ше'ри бошдан охирга ҳадар мукаммал ва гўзал, нуқсондан холи бўлиши табиий ҳол эмасдир. Алишер Навоий Лутфийни юксак даражага кўтариб мақтагани ҳолда, жойи келганда ўринли ва ҳақли равища танқид ҳам қилиб ўтади.

Лутфий ғазалларидаги сан'аткорлик Навоий — даражасига кўтарилаолган эмас, албатта. Лутфийда чиройли образлар, оригиналь образли ифодалар кўп бўлса ҳам, ғазалларида Навоийдаги чуқур мазмун, конкретлик кам кўринади, ундаги муҳаббат қўшиғи кўпроқ обстрак туслаки, Алишер бу жиҳатдан ҳам устозидан жуда ўзиб кетган.

Лутфий эпик гасар яратишга ҳам уринган кўринади. Унинг ўз замондошлари бу ҳақда ма'lумот қолдирмаган бўлсалар ҳам, у даврдан бизгача сақланиб қолган қўллэзма китоблар орасида «Гул ва Наврӯз» номли романик ўзбекча бир достон бўлиб, Лутфийга нисбат берилади. Алоий бинни Муҳиббий, Шайх Сулаймон ва бошқалар ўз асарларида лугат ва терминларни изоҳлагандан кейин

қисман «Гул ва Наврӯз»дан байтлар келтирганлар ва деярлик ҳар-бир мисолда бу асарни Лутфийники деб қайд этганлар. Ҳархолда ҳозир биз текшираётган масалада Алоий бинни Мұхіббийнинг аса-ри энг мұтабар манба' саналса бўлади. Чунки, унинг луғати энг эски манба'лардан бўлиши блан бирга (1560 йил), автор ўз луғати-ни тузишга киришишдан аввал Навоийнинг ҳамма асарларини қўл-га киритган ва шулар қаторида Хурросон ва Мовараўннаҳрининг туркӣгўй шоирларидан бир нечасининг ҳам асарларини тўплаган-ки, имисолларни шу асарлардан олганини ўзи сўзлайди<sup>1</sup>.

Туркий «Гул ва Наврӯз»нинг Алоий бинни Мұхіббийдан анча-гина илгари ижод этилганини шоир Мажлисий орқали биламиз. Мажлисий «Қиссаи Сайфулмулук»нинг муқаддимасида ёзди:

«Иигитлик вақти эрди, сўз манда,  
Бор эрди бир «Гулу Наврӯз» манда.  
Қилиб қуллут тавозе' ёр сори,  
Боқиб туур эдим дилдор сори.  
Тутуб эрдим, очиб кўрди ани ёр,  
Ўқудио очилди боғ, гулзор.  
Чу кўрди назм ноки турки тил ул,  
Мани девонага кўрсатди бу йўл»

Бу сўзлардан онглашиладики, туркий «Гул ва Наврӯз» XVI аср-нинг биринчи чорагида қўлларда ўқилиб юрган, жумладан Маж-лисийнинг ўзида бўлган ва «Сайфулмулук» қиссанини ўзбек тили-да ше'р блан ишлаб чиқиш учун «Йўл кўрсатган», демак — кучли та'сир этган. Бу ҳол мазкур муқаддимада иккинчи мартаба тасдиқ этилади:

«Буюрдиким, «Гулу Наврӯз» назмин,  
Анга мезон қилибон назм қилғин».

«Гул ва Наврӯз»нинг бизга ма'lум ягона ынусхаси қўлимиизда йўқлиги учун бу достон ҳақида кенгроқ фикр юритиш мумкин бўл-мади. Каттагина ҳажмни ташкил этган бу асар замонининг адабий традициясига кўра аруз вазнида, Маснавий шаклида ёзилган бў-либ, тили Лутфийга характерли соддалик блан ишланган. Бу дос-тондаги:

«Буюрдиким, бу гул фаслинда дарҳол,  
«Гулу Наврӯз»нинг афсонасин сол».  
«Тарих секкиз юз ўн тўрт эрди ҳижрат,  
Ки на'ш этгим бу манзури муҳаббат»

сатрлари асарнинг 1411 йилда ёзилганини билдиради. Бу тарих достоннинг шу бизнинг Лутфийники эканига ишончимизни мустаҳ-камлайди. Ҳархолда Лутфийнинг «Гул ва Наврӯз»и XV асрда На-

<sup>1</sup> «Абушқа», бет 23.

воийга қадар ўзбек тилида достон яратишининг якка ҳодиса бўлмаганини яна бир марта тасдиқлади.

/ Лутфийнинг таржимонлик йўлида катта бир хизматга бел боғлабганини Навоий воситаси блан биламиш. «Мавлононинг «Зафарнома» таржимасида ўн минг байтдин ортуқроқ маснавийси бор, баёзга ёзмаган учун шуҳрат тутмади» деб ёзади Навоий. Демак. Лутфий машҳур тарихшунос Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» отли асарини (1424 — 25 йилда ёзилган) форс тилидан ўзбек тилига маснавий тарзида ше'р блан таржима этган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини замонининг традицион талабларига мос ва китобхон фозилларига манзур бўладиган даражада ўзбек тилида таржима қилиш, катта ҳам мушкул иш эди; Навоийнинг бу таржимага этибор бериб қайд қилишига қараганда, Лутфий бу вазифани муваффақиятли бажарган деб ўйлаш мумкин. Броқ, шоирнинг бу хизмати ягона нусха ҳолида қолиб кетганки, ҳозиргача илм аҳлларининг қўлига тушмади, балки сакланмагандир ҳам.

Биз келтирган мисолларимиз Лутфийнинг XV аср сўз сан'аткори эканлигини ва уни «малиқул калом» дейишда Навоийнинг ҳақли эканини кўрасатиб берар ҳам Лутфийнинг адабиётимиздаги ўрнини белгилашга ёрдам берар деб ўйлаймиз. Шундай забардаст бир шоир ше'рларининг ўз замонида кенг тарқалиши ва замондошлари ҳам ўзидан кейинги шоирлар ижодига та'сир этиши табиийдир.

Навоий «Хутба давовин» асарида девон яратган шоирларнинг устодларидан Хисрав Деҳлавий, Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомийларни юксак баҳо блан тақдирлаб ўтгандан кейин ёзади:

«Туркий алфознинг булоғосиндин Мавлоно Саккокий ҳам Лутфийлариким, бирининг ширин аб'ётининг иштиҳори Туркистонда бегоят, ва бирининг латиф ғазаллиётининг интишори Ироқ ва Хурросонда бениҳоят дурур ва девонлари мавжуд бўлгай»<sup>1</sup>. Демак Лутфий ғазаллари Хурросондан Ироқгача жуда кенг тарқалган. «Мавлоно Лутфий сўз лутфида ягонаи даврон эди. Ундан илгари ҳечким туркий тилда ше'рни ундан яхшироқ айтаолмаган эди», деб ёзади, Хондамир<sup>2</sup>.

Алишернинг ше'р ёзабошлаган йилларида Лутфий 90 га кириб қолган тажрибали кекса шоир бўлганидан. Ҳиротда тезда ҳамманинг кўзига ташланган талантли ёш шоир Алишер Лутфийнинг лицқатини жалб этган. Ёш ва кекса бу икки шоирнинг дастлабки учрашувлари қайси йилда ва қандай муносабат блан бўлганини билмасак ҳам, уларнинг бир-бирлари блан тез-тез кўришиб турганликларини, шундайин бир-бирларига ҳурмат ва илтифотлари катта бўлганини, Навоий ва Хондамирнинг асарларига суюниб, қат'ий айтаоламиз<sup>3</sup>. «Бу фақир борасиға кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўқур ва дойим волида муловзаматига ризои хотирига тарғиб қилур эрди» деб ёзади Навоий<sup>3</sup>. Шундайин Лутфийнинг

<sup>1</sup> Навоий — «Чор девон», «Хутба давовин».

<sup>2</sup> Ғиёсиддин Хондамир — «Макоримул ахлоқ».

<sup>3</sup> Навоий — «Насоимул-муҳаббат . . .».

Алишерга ота ўрнида мураббийлик қилгани «Насимул мұҳаббат» даң онглашилиб туради. Бу самимий илтифот ёш Алишер ижодига, унинг ма'навий йўналишига, ўз она тилини улуғлаб, шу тилда юксак бадиий асарлар яратишдаги ҳаракатига, шубҳасиз, кучли та'сир этгандир. Лутфийнинг ёш Алишерга бўлган самимиятини кўрсатадиган ажойиб бир ҳикояни Хондамирнинг «Макоримул-ахлоқ»ида ўқиймиз.

«Олий Ҳазрат (Навоий — X. З.) ёшлари эндигина тўлиб, йигитлик даври бошланган пайтларда, бир куни Лутфий хизматига борди. Лутфий, «ўз нозик фикрларингизнинг натижаларидан юзага чиқсан бир ғазални ўқиши блан бизни баҳраманд қилсангиз» деб илтимос қилди. Ул Ҳазрат бир ғазал ўқиди, унинг матлаи мана шу:

«Оразин ёпқоч, кўзумдин сочишур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғач қуёш».

Мавлоний жаноблари бу алангали ғазални эшитиш блан ҳайрат денгизига чўмиб, шундай деди: «Воллоҳ, агар мусассар бўлса эди, ўзимнинг форсий ва туркий тилларида айтилган ўн-ён икки минг байтимни шу ғазалга алиштирадим ва буни зўр муваффақият ҳисоблардим»

Ҳали ёш, лекин махсус шароитда, шоирлар ва олимлар орасида ўсган, ижодий фаолияти жуда эрта бошланиб, тез етишган иқтидорли Алишерга бу қадар юксак баҳо, биринчидан, Лутфийнинг foят ринд ва ўтакетган камтарлиги, иккинчидан ёш шоирнинг қудрати ва маҳоратига астойдил тан бериш ва мазкур ғазалнинг чинакам бадиий юксак ше'р бўлишиндадир. Уша замонда бир ёш йигитнинг туркий тилда шу дараҷа мукаммал бадиий ва айни замонда дун'ёвий ғазал яратиши, шу йўлда умрини сарф этган кекса шоирни ҳайратга солиши ва қувонганидан чексиз оғаринлар ўқиши табиийдир. Ўзбек адабий тили ва дун'ёвий ғазалнинг фаол ӯрашчиси бўлган кекса Лутфий ўз адабий фаолиятининг самарасини Алишер Навоийда келажаги порлоқ умидлар блан барқ уриб турганини кўргач, ўз хазинасини бу ёш сан'аткорга бағишлишга тайёр эканини арз этишида ажабланарлик, ғайри табиий бир ҳол йўқдир. Унинг ҳамма бойлиги — қарийб бир асрлик умрининг меваси шу ше'рлари эди. Бу қадар илтифот — Алишернинг Лутфийга ҳурмат ва мұҳаббатини оширди. Навоийнинг Лутфий ғазалларига боғлатан мусамматлари ҳам шу самимий дўстлик ва мұҳаббат натижасидир. Бу ерда яна шуни эслатиб ўтиш керакки, Навоий ўзигача ўтган ёки ўз замонидаги туркигўй шоирлардан, Лутфийдан бошқа, ҳеч бирининг ғазалига мусаммат боғлагани ма'lум эмас.

Навоийнинг «Чор девон»ида Лутфий ғазалларига боғланган мусамматлар, биз кўрган қўлёзмаларда, бешта бўлиб, булардан учтаси мұҳаммас ва иккитаси мусаддасдир. Шулардан бир мұҳаммас 1465 — 66 йилгача ёзилгани аниқдир. Бундан биз Навоийнинг ёш йигит чоғларидаёқ Лутфий ғазалларига мусаммат боғлашга

тиришганини ва бу мушкул адабий приёмни яхши эгаллаб, а'ло даражада бажартганини кўрамиз.

Ўзбек адабиётининг равнақи ва ўзбек адабий тилининг тараққийси йўлида жон кўйдирган Алишер Навоийга XV асрнинг забардаст ўзбек шоирлари ва булар орасида, айниқса Лутфий ижоди зўр та'сир этди. Бошлиғич ижодини традицияга кўра форс тилида бошлиған Навоийнинг ўз она тилини улуғлаб, дастлаб ўз она тилида ше'р айтишига биринчи та'сирни Алишернинг оила муҳитида излаш керак бўлади, албатта. Унинг тоголари Мирсаид Кобилий ва Мұхаммад Али Ғарифийларга Навоийнинг ўзи томонидан берилган баҳо<sup>1</sup>, ёш шоирнинг оила муҳитида умуман ше'риятда ва шу блан бирга қадим ўзбек тилидаги бадиий сан'атга етакловчи омиллар мавжуд бўлганини кўрсатадилар. Лекин юқорида Хондамир ва Навоийдан келтирилган ма'lумотлар Навоийнинг ўспирин вақтидан-оқ Лутфий блан учрашиб дойим ундан баҳраманд бўлганини билдирадилар.

Еш Алишерга Лутфийнинг та'сири асосан реаль ҳаётни севиш, дун'ё гўзалини улуғлаш, мутаассиб сўфийларгининг, зоҳидларнинг кишини реаль ҳаётдан воз кечишга ундовчи тапвиқотларидан қочиши, ва айни замонда кишиликни орқага етакловчи бундай унсурларга қарши кескин овозлар блан тортинимай куйлаш, дун'ёвий ғазалга, уни такомул этдиришга бутун ижодий маҳоратини сарф этишда кўринади. Шунинг блан халқ тили, халқ та'бирлари, халқ мақол ва афсоналаридан фойдаланиш, этнографик деталларни ғазалга сингдириш, ўхшатишлар ва истиораларда реаль ҳаётдаги мавжудот блан боғлаш ва ҳоказо бир кўп бадиий приёмларда Лутфий та'сири сезилиб туради.

Лутфий ғазалнинг тематикасидаги тор рамкадан анчагина четта чиққан эди. У, ҳаётий манфаатларни ифодаловчи фикрларни ғазалга сингдириди, ижтимоий зарарли фикрлар ва қарашларни жасорат блан танқид қўйдики, биз бунинг ёрқин намуналарини унинг ғазалларида ора-сира бўлса ҳам кўрамиз. Лутфийнинг жасорат блан бошлиған бу ижодий фаолиятини Навоий сўзсиз қабул этди ва ижтимоий фикрларни ғазалга сингдиришни ўзига хос ажойиб талант блан юқори даражага кўтарди.

Лутфий реаль ҳаётта меҳр боғлади, дун'ё ғазалини севди, уни улуғлади деган эдик.

«Бурка'ни кутар, тенгри учун, эл сени кўрсун,  
Бу хусни малоҳат яна қайси кун учундур?».

деган Лутфий яна бир ғазалида:

«То зулфунгиздин боғладим зуннор тарсолар киби,  
Имоним ортар дам-бадам бу не ажаб зуннор эрур».

<sup>1</sup> Навоий — «Мажолисун нағоис». Иккинчи мажлис. Мұхаммад Али, Мирсаид.

деб ёзади. Унинг бунга ўхшаган жуда кўп сатрлари ўз замонаси-  
даги тақвонор чегарасидан ҳам чиқиб, шу дун'ёниг лаззатлари-  
дан баҳраманд бўлишга интилганини кўрсатадиларки, бу сатрлар-  
ни ёзиш учун катта жасорат керак эди.

Бундай сўзлар замонининг «юқори» табақасига, шубҳасиз, ёқмас  
эди ва шунинг учун унга танбиҳ ва насиҳатлар қилиниши табий  
эди. Лекин шоир ўз фикрларида эркин ва мустаҳкам эканлигини  
куйлади:

«Лутфий қул эрмас, ҳамоно кўп насиҳат қилмангиз  
Ким, анинг девона кўнгли ишқ фармониндадур».

Лутфий мустаҳкам фикрли ва мустаҳкам иродали шоирдир. У, фео-  
дализм даврининг бир жўн шоирларига ўхшаб, замонасидаги под-  
шолар, катта амалдорларнинг хушомадгўй маддоҳи эмас. Лутфий  
йўлидан борган дона Навоий ҳам хушомадгўйликни қоралайди.

«Чун хушомад демакни бошласа фош,  
Ким, тутулса дами, кесилса тили».

Кўрасизки, Навоий хушомадгўйнинг дами ўчсин, тили кесилсин,  
деб устодига нисбатан яна ҳам жасоратли чиқади ва кескин сатр-  
лар тўқиыйди.

Лутфий ше'рларида нас'яҳўрлардан нақд гўзаллар авто экани  
куйланади. Алишер ғазалларида ҳам унинг ўзига характерли сан-  
аткорлик блан ишланган шундай байтларни ўқиимиз:

«Масканинг истар Навоий, нас'ф жаннат, аҳли зуҳд,  
Мунча-ўқ, бўлур тафовут олиму жоҳил аро».

«Хури жаннат шаклидин ҳамдилрабо ҳуснинг латиф,  
Хулди ризвондин дағи қўюнг саро бўстони хўб.  
Дема бу оламда ул ой хўб, ё жаннатда ҳур,  
Кўрмамиш мен ондагин, бори эрур мундоги хўб».

«Ул санамға сажда қилсан, зоҳидо, худ не ажаб,  
Бутпараст ўлмоқ кўп ортуқроқки, бўлмоқ худ параст».

Навоийда Лутфийёна ше'рлар ва Лутфий фикрларининг инки-  
шофини жуда кўп топиш мумкин. Лутфийнинг Навоийга та'сирини  
ўрганиш алоҳида катта тема бўлгани учун биз бу ерда ба'зигар  
мисоллар блан чекланамиз.

Лутфий «менинг ёрим дун'ёдаги гўзалларнинг энг гўзали» де-  
ган фикрни айтиш учун шундай деган:

«Ўн жуз' турур эрди ўшал ҳусни малоҳат  
Кисмат куни ҳак тўққузини сизга берибдур.  
Бир жуз'ки Юсуфга тегиб эрди, чу борди.  
Онинг учун ул ҳам санга мирос қолибдур».

Навоий Лутфийнинг шу приёмидан фойдаланиб, дарду балони ўн қисмга бўлади, «тўққиз ярим улушки менга, ярим улушки инсонларга тегди, лекин у ярмини ҳам мен нотавонга бердилар» дейди:

«Чу ишқ дарду балони жаҳонға урди сало,  
Нахустроқ мени бехонумонға урди сало.  
Ман олдим ўн улушкин тўқиз ярим улушин,  
Яримки қолди ани инсу жонға урди сало,  
Анинг дағи яримин олди өфариниш эли,  
Яримни ҳам яна бу нотавонға урди сало».

Лутфий ўз фикрини онглатишда фольклор материалларидан қанча кўп фойдаланган бўлса, Навоий ҳам уларни жуда кўп ишлатади:

«Ул пари кўздин учар, кўз доги шавқидин учар,  
Ваҳки мен ҳам учқоли йўқтур эгнимда қанот.  
Кўздин итти ул пари, ваҳким анга етмакка бот,  
Қош қанингдек чиқса дермен икки эгнимдин қанот»

байтларида халқнинг достон ва эртакларидан фойдаланилгани кўриниб туради.

«Э Навоий, ақлдин яғмо қилур даврон мени,  
Чиқ равон бу базмдин, филжумла ҳушиңг борида».

байти «Эсинг борида этагингни ёп» мақолини эслатади.

«Ўқларинг кўнглумга тушгач қуйди ҳам кўз, ҳам бадан  
Ким куяр ҳўлу қуруқ чун найситонға тушти ўқ».

Бу байтнинг иккинчи мисраи «Тўқайга ўт тушса, ҳўлу қуруқ барабар ёнади» мақолининг ўзидир.

«Етти жон оғзимаким, чиқмас уйидин ул ҳур,  
«Чиқмағон жондин умид» ушбу масалдур машҳур»

байтида ҳозир ҳам айнан ишлатиб келганимиз «Чиқмаган жондан умид» мақол эканлигини Навоий ўзи эслатиб ўтади.

Лутфий, севган ёридан воз кечаолмаслигини шундай ифода қиласди:

«Ҳаттоки қилич келса бошимга эшигингдин,  
Йўқтур гузарим, хоҳ июн, хоҳ инонма».

Навоий бундан фойдаланиб, айни фикрни шундай беради:

«Бошима ёғса қилич ишқингдин,  
Бўлмасун бошим, агар қилсан ибо».

Лутфийнинг айрим сатрларини бироз ўзгартирилган шаклда Навоийда топамиз. Лутфийнинг бир ғазали шундай бошланади:

«Жоним чиқадур дард ила, жононима айтинг,  
Мен хаста гадо ҳолини, султонима айтинг».

Бу матла'дан фойдаланган Навоий уни шундай ишлаган:

«Жоним чиқадур ҳажр ила, жонон керак өрди,  
Кўнглум Ҳуядур дард ила, дармон керак эрди».

Бизнинг бу мақолада ёзганларимиз, дастлабки текшириш сифатида, Лутфий ҳам Навоийнинг бир-бирига муносабатини кўрсатиш ва бу масалани кенгроқ, чуқурроқ ўрганиш лозимлигини кўтариш учун кифоя қилар деб ўйлаймиз.

Алишер Навоий тожик ва озарбайжон классик шоирларининг бадиий маҳсулотларидан кенг фойдалангани каби, ўз ҳалқининг оғзаки ва ёзма бадиий ижодига катта ҳурмат блан қараб, ундан озиқланди, ўрни келганда унга әргашди, адабий миросга ўз замонасиининг талабларига кўра танқидий қараб, унинг фазилатларидан тўла фойдаланиш натижасида ўзи ҳам камолотга эришди. Шакл блан мағҳум бирлиги учун курашган Навоий XV аср ғазалчилигига ғазалга чуқур ма'но сингдиришда ўз замонасиининг маликул қаломларига устод даражасига кўтарилди. Ўтмиш адабиётда шаклга кўп э'тибор берганларидек, сўзнинг ким томонидан айтилганига қараб баҳо бериш ҳоким эди. Сўз, айтучининг «улуғ» шахс бўлгани учун ёки «улуғ» шахс ҳақида айтилгани учун улуғланар эди. Навоий бунга жиддий қарши чиқди.

«Чун ғараз сўздин эрур ма'но анга,  
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр;  
Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини,  
Кўрма ким дер, они кўргил ким не дер».

дебгина қолмади, балки ижтимоий фикрлар, прогрессив идеялар блан суғорилган чуқур мазмунли ғазалларни феодализм даврининг ўзбек шоирлари орасида ҳаммадан кўпроқ ва ҳаммадан яхшироқ яратди, ғазалларининг мазмундорлиги, шаклий гўзаллиги ва тил бойлиги блан ўз замонасида ва ундан кейин ҳам бирнечча аср давомида туркий тилдаги адабиётнинг тараққийси учун ўрнак ва жуда бой адабий замин бўлди.



## ШАЙХЗОДА

# АЛЕКСАНДР НИКОЛАЕВИЧ ОСТРОВСКИЙ

1823 — 1886

«Бутун халқ учун ёзишни билган ёзучиларнигина, тарих, улут ға геріал ёсучи деб атайды ва ўз юртида чинакам халқчил бўлган асарларнига асрлар мобайнида яшаб келгандар; бундай асарлар бориб-бориб бошиқа халқлар учун ҳам ва ниҳоят бутун дун'ё учун тушинарлик ва қийматли бўладилар.»

(А. Н. Островский.)

«... Сиздан кейин, бироз руслар, ифтиҳор блан айтаола-миз:—Бизнинг ўз рус, миллий театримиз бор! Ростини айтганда, бу театрни аслида «Островский театр» деб атаси керак эди».

(И. Гончаровнинг Островскийга ёзган маңтубидан).

### I.

Буюк рус халқининг бутун башарият олами учун илму-фан, маданият, сан'ат-адабиёт соҳасида яратган хазиналари ҳаммага маълум ва машҳурдир. Бу факт, рус халқининг порлоқ даҳосига яққолдалил ва ифтиҳор қилинишга лойиқ шарафли ҳақиқатдир. Бу факт, советлар иттифоқида яшовчи барча қардош халқлар учун ҳам боси-ифтиҳордир. Совет халқлари ва шу жумладан, ўзбек халқи Русланиянг маданият осмонида порлаган юлдузларини ҳурматлайди ва уларнинг сўнмас нурларидан файзиёб бўлади.

Буюк рус ижодкорлари, айниқса XIX асрда, инсониятнинг бадиий ганжинасида кўп қимматбаҳо инжуулар қўшаолдилар. Рус адабиёти жаҳонда энг олижаноб, виждонли, ҳурриятпарвар, жасур, халқчил адабиёт сифатида танилди. Унинг ростгўй ва ҳақиқатгўй шоирларини, адиларини дун'ёнинг пешқадам ва аҳли-вижден кишилари доимо қутлаб, ҳурматлаб келдилар.

Рус классик адабиётида, жамиятдаги ҳарқандай зулму жафога, пастлик ва қабоғатга, жаҳолат ва сотқинликка қарши кураш очиб, кишиларни ҳаётга, равшан ва тұғри ҳаётга, олижанобликка ва ҳақиқатпарварлықка чақырган буюк ёзучилар қаторида, буюк реалист драматург Александр Николаевич Островскийнинг ўрни ва хизмати бағоят шарофатли ва азиздир. Шунинг учун туғилганига шу йил, 125 йил тұлиши муносабати блан шу ўлмас драматургнің бутун советлар эли хотирлар экан, үзбек халқи ҳам Островскийнің ихтиром ва миннатдорчылық блан эсга олади.

Островскийнинг ҳаёти ташки воқиаларга унча бой әмас. У, 1823 йил, 12 апрельда Москва шаҳрида туғилди. Унинг отаси—сенат маҳкамасининг (хукумат судининг) ма'мурларидан Николай Федорович, илм ва адабиёттің қадрига етган киши бўлиб, катта хусусий кутубхонага эга эди. Александр болалик чоғларидан мутолаага катта иштиёқ блан киришганини ўзининг таржимай ҳолида хотирлаб: «Жуда кичиклик чоғларимдаёқ рус адабиёти блан ошна бўлдимда ва шунинг та'сирида, ўзимда ёзучиликка майл сездим» дейди. 1835 йилда Александр Николаевич I Москва гимназиясига кириб 1840 йилда уни битиради. Гимназияда у ўртача ўқиб кўпроқ вақтини бадиий адабиёттің мутоласига бергани учун битиручи 12 талабадан тўққизинчиси ҳисобланган.

Ўрта ма'lумотини тамом қилгач ўш Островский, иҳтимол, отасининг касбини әгаллаш мақсадида, Москва дорилфунунининг адлия (юридик) факультетига киради. Бу даврда у адабиёт ва театрта яна ҳам кўпроқ қизиқиб ўзидаги бадиий завқни юксалтиради. 1843 йилда у ўз хоҳиши блан дорилфунундан кетиб Инсоф судига мирза (мувши) бўлади. Инсоф суди (совестный суд) деб аталган маҳкама, асосан ота-оналар блан уларнинг болалари ўртасидаги молу-мулк жанжалларини кўришга мутасадди эди. Икки йилдан кейин (1845) Островский бу идорани ташлаб Москва тижорат (коммерция) судига котиб бўлиб ўтади. Суд бошлиқлари Островскийнинг «тажриба ва савиасини кўзда тутиб унга... тўрт сўм ойлик тайин қиласидилар. Лекин бўлажак драматургни бу суд маҳкамаларида бўлак нарса қизиқтиради эди, у ҳам бўлса — Александр Николаевич, ўз вазифаси туфайли, ҳархил шаҳар табакаларини, дворян, савдогар, буржуазия, мешчан, чиновник намояндадарининг хулқу-атворларини, феодал, капиталист унсурларнинг ўз кўзи блан кўрар ва ҳаёт саҳнасида бой тажриба ортдиради эди.

1851 йилда Островский бу хизматини ташлаб тамоман адабий-ижодий ишга ўтади. Зотан Александр Николаевич ўзининг суддати хизматидан кетмасидан илгари-ёқ, унинг бир неча кичик комедиялари матбуотда нашр этилган эди. Чунончи; 1847 йилда, (январьда) «Қурбсиз қарздор» комедиясидан саҳналар босилади, кейинча, 1847-48-49 йилшарда, ўша комедиянинг қолган саҳналари ҳам «Шаҳар варақаси»да нашр этилади. 1847 йилни Островский, ўз ҳаётида муҳим бир бурилиш даври деб ҳисоблар эди. Чунки биринчи асарларини (юқорида номи айтилган комедия ва «оила манзараси» деган пьесасини) бир қанча му'tабар адабиётшunosларга

ўқиб уларнинг мақтавига сазовар бўлган эди. Айниқса 1847 йил 14 декабрьда адабиёт профессори Шевиревнинг уйида бўлган ўқишидан кейин Островский ўзининг адабий қобилиятига қаттиқ ишониб қолган эди. У ўзи, мазкур кунни кўзда тутиб дейдик: «Ўша кундан э’тиборан мен ўзимни рус ёзучиси деб ҳисоблай бошладим ва ҳечқандай шак-шубҳасиз ўз исте’додимга ишондим».

1856 йилда Островский бир гуруҳ адабиётчилар блан бирликда адабий-этнографик экспедицияда иштирок этиб Волга дар’ёсининг бўйларига саёҳатга чиқади. Бу саёҳатдан фойдаланиб, у бориб кўрган жойларнинг тарихий ўтмиши ҳақида, халқнинг урфу-одатлари, жонли тили ва ҳоказо тўғрисида, кўп муфассал материаллар, тўплайди. Авторнинг кейинги пъесаларида сюжет, тип, мақол, қочирнқларни ишлашида бу материаллар катта ёрдам берди.

Бундан кейин Островский жуда ажойиб бир ғайрат ва меҳнат қилиб ўнларча пъесалар яратди ва Русия жамиятининг илғор доираларида энг буюк рус драматурги сифатида танилди. У умрининг кўп қисмини Москванинг Замоскворечье районида ўтказиб муттасил ижод блан шуғулланди. Москванинг бу районида, ўша даврда майда савдогарлар, хунармандлар, мешчанлар, кичик амалдорлар истиқомат қилиб, драматург учун, жуда мароқли бир типлар галлереясини ташкил этар эдилар. Аммо у икки марта, узоқроқ сафарга ҳам чиққан эди. 1862 йилда у икки шериги блан Европа саёҳатига чиқиб ўз хотирот дафтарида ва дўстларига ёзган мактубларида ўз таассуротини муфассал баён қилгандир.

Островскийнинг иккинчи сафари ўз акаси М. Н. Островский блан бирга Қавказга бўлган саёҳатидир. Ёзучининг акаси ўша пайтларда давлат мулқлари министри сифатида ўзига қарашли идораларни текшириш нияти блан Қавказга жўнаганида, Александр Николаевични ҳам ўзи блан бирга олиб борган эди (1883). Тифлисда (Тибилисида) гуржи жамоатчилиги ва актёрлари машхур драматург Островскийни қизғин кутиб олишлари уни шу қадар та’сирлантирган эдик, у Москвага қайтиб келгач, ўзининг бир хатида: «Тифлис аҳли мени шундай яхши кутиб олганидан илдомланиб, халққа муносиб ва сазовар бўладиган янги бир пъеса ёздим» дейдик, бу пъеса, унинг энг яхши асарларидан бири бўлган «Айбсиз айборлар» эди.

Островский мунтазам ижодий ишлари блан бир қаторда жамоат ишларига ҳам актив қатнашиб турар эди. Масалан 1859 йилда у, Чернишевский, Некрасов, Тургенев ва бошқалар блан бирликда «Муҳтоҷ адабиётчиларга ва олимларга нафақа уюштириш» жамиятини тузди. 1865 йилда у Москвада «артистик уюшма»ни та’сис этди. Яна унинг ташаббуси блан 1874 йилда Москвада «Рус драматик ёзучилари ва опера композиторлари жамияти» ташкил этилди. 1860—80 йиллар мобайнида Островский рус театрини кўтариш, миллий репертуар яратиш масалаларига доир кўп ташаббуслар қилиб катта ва муфассал лойиҳалар тузди. Умрининг сўнгги йилларида буюк драматург кенг омма учун Москвада чинакам миллий

халқ театри яратиш соҳасида кўп ҳаракат қилди. Аммо бу ажойиб ташаббусни тегишли ташкилотлар қўлламагани учун адебнинг бу азиз тилаги беоқибат қолди. 1886 йилда (1 ичи январьда) уни Москва театрларининг репертуар қисмига мудир қилиб тайинладилар. Броқ, муттасил ва зўр ижодий ишлар, узоқ йиллар ўз пъесаларини саҳнага қўйдириш учун цензура блан оғир олишувлар, машҳур драматург бўлишига қарамай, кўп вақтлар иқтисодий-моддий ташвиш ва етишмовчиликлар адебнинг сиҳатини бузди. 1886 йил 14 июнъда Островский вафот қилди.

Островскийнинг драматик мироси жуда катта бўлиб элликка яқин оригинал пъесалардан иборатdir. Бундан бошقا у Шекспирдан («Қайсар қизнинг ром қилиниши»), Плавтдан («Эшаклар ҳақида комедия»), Теренцийдан («Қайнона»), Итало Франкидан («Улуг бандир»), Макиавелидан («Мандрагора»), Давадассидан («Баядерка»), яна Сервантесдан, Гольдонидан, Кастельвеккиодан, Гоццидан ва бошқалардан кўп таржималар қилганки, бу фактнинг ўзи унинг Европа драматургиясини мукаммал билганини кўрсатади.

Островский ёзиб қолдирган асарларнинг ҳаммасига ҳатто қисқача аннотация бериш ўзи ҳам шу мақоланинг имкониятидан четга чиқади. У ўзининг ўлмас пъесаларида тўраларнинг, дворянларнинг, савдогарларнинг, косиб-хунармандларнинг, сан'аткорларнинг, янги етилган капиталистик буржуазиянинг, мешчанларнинг, интеллигентларнинг яккол ва чуқур типик образларини классик бир муқаммаллик ва реалистик бир ҳаққоният блан яратиб рус адабиётида бағоят бой бир типлар кўргазмаси қолдириб кетди. У рус жамиятининг ички юзини очиб феодал-патриархал ҳаётнинг, савдогар—бой гуруҳларнинг жирканч хулқларини ўткур заҳарханда блан фоши қилиб очиб ташлади. У Фонвизин («Недоросль»), Грибоедов («Ақллилик балоси») ва Гогольнинг («Ревизор»), драматургик традицияларини давом этдириб рус реалистик ва демократик драматургиясининг улуғвор ва ҳашаматли иморатини бун’ёд қилди.

Еш Островский ўзи адабиётда таңқидий реализм методининг вазифаларини аниқлаб ёзган мақоласида (1850) «Фош қилучи адабиёт»дан халқ, қуруқ ва’злар эмас, балки турмуш устидан, жонли ва нағис ифода этилган ҳукмни кутади, замонамиздаги қабоҳат ва камчиликларни тўлиқ образларга қўйиб беришни кутади, деб ёзганида, албатта ўзининг ёзучилек идеалини баён қилгандир. У ҳақиқатан ўзининг ижодий ҳаётидаги доимо бу шоирга, «Фош қилучи адабиёт» шоирларига содиқ бўлиб қолдики, бу нарса шубҳасиз, рус адабиётидаги Гоголь мактабининг традицияларидан келиб чиқар эди. Гогольнинг традицияларини ижодий равишда эгаллаб олгач, Островский ўз замонасисининг энг ўткур ҳаётий масалаларини, турмушнинг энг характерлик воқиаларини ўзининг асосий адабий темаси қилиб олди. Ма’лумки 50 йиллардан бошлаб Русияда янги капиталистик муносабатларнинг кучайиши блан синфий қарама-қаршиликлар ҳам ўткурлашади. Бу жараён бориб-бориб 1861 йилнинг деҳқон реформасида ифодаланади. Бу эса Русия тарихида бурилиш даври эди. «1861 йилнинг 19 феврали крепостнойчилик

давридан ўсиб чиқаётган янги, буржуа Русиясининг бошланишига аломат эди» (Ленин — асарлари, II нашр XV<sup>т</sup> жилд, 143 бет, «Деҳқон реформаси» сарлавҳали мақола). Шундай қилиб тарих саҳнасиға активроқ чиқабошлаган рус буржуазияси ўзининг синфи хусусиятлари билан: пултарварлик, «Оқча тўплаш-жамғариш» идеали, пул ва олтинни илоҳийластириш ҳислатлари билан чиқади. Бу синф вакиллари назаридаги бутун мавжудот ва воки'лик пул билан ўлчаниди. Бу ерда инсоф, дўстлик, қариндошлиқ, севги, ихтиром, хулласи-калом барча инсоний сифатлар барбод ва поймол бўлади. Островский буржуазия темасини шу нуқтаи назардан даҳшат билан фош ва масхара қиласди. («Банкрот» ёки «Бизку ҳешмиз — ҳисоблашамиз» пьесаси, 1850). Бу пьеса саҳнага қўйилганда Москва цензураси ва савдогарлар Островскийга қарши кампания бошлаб уни туҳматчиликда айблашди. Чунки, уларнинг айтишича, жамиятдаги энг «ҳалол» ва «му'табар» жаноблар саҳнага ўғри ва муттаҳам бўлиб чиққан эдилар. Бу комедияни саҳнага қўйиш ман' қилинди ва унинг нашр қилингани сиёсий хато деб топилди. Бу албатта тасодифий эмас эди. Чунки буюк рус революцион-демократи, машҳур танқидчи Добролюбов айтганда «Узимиз хешку — ҳисоблашамиз» комедиясининг моҳияти ижтимоий-сиёсий тузумни, ижтимоий шароитни танқид қилишдадир. Добролюбов та'бири билан айтганда, Островский пьесалари «киши хулқига ва умуман инсонга ҳурматни» тамошабинларга талқин қиласди.

1852—55 йилларда Островский қисқа бир муддатга славяно-филлар та'сирига берилиб жиддий иккиланишларга дучор бўлди. «Москвитянин» журнали атрофига тўпланган ёш славянофиллар, Русия капиталистик йўл билан ўсмай, ўзига хос босқичлар билан ва «славян халқларининг руҳий ҳислатлари»га мувофиқ қадимий патриархал тузумини доимо муҳофаза қилиб қолади, деган реакцион бир маслакка қойил эдилар. Бу даврда ёзилган пьесаларга славянофилликнинг муҳофазакорлик идеялари анча та'сир қилган. 52—55 йилларда ёзилган пьесалар («Ўзга отини минма», «Камбағаллик — айб эмас», «Хоҳишинг билан яшама»)-даги образлар ювоща тақдирга тан берган, ожиз кишилардир. Аммо шу билан бирга бу даврда Островский тамомила славянофил бўлиб кетди дейиш бутунлай нотўри бўлар эди. Чунки, ҳатто бу пьесаларнинг ўзида ҳам, Марья Андреевна, Дуня ва Любим Торцевлар, ўзларини эзиб турган шароитдан норози эдилар, улар эски савдогар — патриархал муҳитини асло идеаллаштирамайдилар, балки у муҳитга бутун қарши чиқадилар. Лекин улар актив эмас. Добролюбов, шу комедияларда «Оддий инсонларнинг» фожиасини кўра билди ва ҳақиқатан ҳам оддий тамошабинга бу комедиялар жуда яқин ва тушунарлик эди. Улар Островскийни, ўзларининг қадирдан драматурглари деб қабул қилидилар.

1855 — 56 йилларда Русияда сиёсий кураш активлашиб либераллар билан революцион-демократлар ўртасидаги принципиал зиддиятлар чуқурлаша ва аён бўлабошлайди. Островский ҳам слав-

янофиллар қарашининг тарихи пучлигини англаб «Москвитянин» тұғарагини ташлаб кетади. У, Некрасов блан танишиб революцион-демократ ёзучилар лагерига яқынлашади әраларниң журнали бўлмиш «Современник»да ўзининг қатор пьесаларини бостиради. «Овқатгача уйқу» (1857), «Мижозлари чиқишмади» (1858), «Дўстнинг икки янгисидан битта эскиси дуруст» (1860), «Кузъма Захарич—Сухорук» (1862), «Оғир айём» (1863), «Ҳазилкашлар» (1864) ва «Ҳоким» (1865) пьесалари бу даврнинг маҳсулдоридир.

Островскийнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари революцион демократия позицияларига яқынлашган сари унинг драматик ижодиётидаги таңқидий реализм методи ҳам шунчалик кескинлаша ва چұқурлаша бошлайди. Бу даврда ёзилган биринчи асари «Ўзгалар базмидаги хуморлик» (1856) даёқ драматург славянофиллик кайфиятларини емириб патриархал ҳәётнинг ваҳшат әва даҳшатларини, ёввойи савдогарлар муҳитидаги ўзбошимчалик, истибод әва худбинликнинг манфур кўринишларини очиб ташлаш блан ҳалол меҳнат аҳлига ҳурмат қилишни талқин этади (муаллим Иванов ва унинг қизи Лиза образлари). Илгариги, ба'зи пьесаларда, танты ва соддалдил «купец»лар ўрнига энди бой савдогар Тит Титич, Брусков сингари қайсар ва комик образлар кўпроқ учрай бошлайди. Ма'lумки ўз сиёсий душманларнiga қарши курашда Ленин бу образдан фойдаланган.

1857—59 йилларда Островский савдогарлар тематикаси блан чекланмасдан чиновниклар (тўра әва ма'mурлар) ҳамда дворянлар ҳәётига бағищлаб «Серкирим мансаб», «Мижозлари чиқишмади», «Асранди қиз» каби асарлар ёзадики, буларда автор ислоҳатдан илгариги Русиянинг ижтимоий қиёфасини беришга уринади. «Серкирим мансаб»да рус бюрократ доираларининг ички башараси фавқулодда бир маҳорат блан очиб ташланган. Пьесадаги порахўрлик мавзу'и, Чернишевский кўрсатиб ўтгандай, эски Русиянинг бутун ижтимоий—ахлоқий ан'аналари блан зич боғланган. Бу асардаги ижодий қаҳрамон зиёли Жадов яхши ҳаётлардан нарига ўтолмайди ва эски қабоҳатларни (шулар жумласидан порахўрликни) қонуний ва табиий бир нарса деб ҳисоблаганлар томонидан мағлуб этилади ва серкирим бирон амал сўрагани амакиси ҳузурига боради. Чунки бу ҳаёлпараст зиёли актив ижтимоий кучларга суюлмайди. Ўзи аниқ ижтимоий программага эга бўлган чинакам инқилобчи эмас. Зотан Островский шундай образни яратади ҳам. Чунки у ўзи революцион демократ эмас эди. Дворян образларини яратар экан Островский буларнинг текинхўрлигини тасвирлашда ҳечқандай бадиий рангларни аямайди. «Асранди қиз» пьесасида бой, помешчик хостин Уланбекова шундай қайсар, ноинсоф, тошюрак дворянлар синфининг яққол намунасидир. «Бу пьесада, биринчи саҳнадан то охиргача, кўзимиз олдида ҳақиқий турмуш, бизнинг (пьесадаги шахслардан бирининг айтганидай) сариқина турмушимиз гавдаланади» деб ёзар эди буюк Добролюбов.

Таажжуб эмаски, бу пьеса «зарарли ниятлари» ва «дворянлар

устидан масхара қылгани» учун ҳукумат томонидан ман қилинган эди.

Островскийнинг шоҳ асари бўлмиш «Момоқалдироқ» драмаси (1860) ҳақиқатан ҳам бу ўлмас драматургдаги реализмнинг чўққисидир. Бу асарда Катеринанинг ваҳшатгоҳ бир мудит блан тўқнашуви ажойиб бир маҳорат блан тасвирлангандир. Автор бу ерда, зулмга асосланган жамият ҳақиқий инсоний туйғуларга хилофдир, деган жуда муҳим холосага келади. «Момоқалдироқ» Островскийнинг энг ҳал қилучи асаридир, қайсарлик ва сукут ўртасидаги ўзаро муносабатлар бу ерда энг фожиона натижаларигача бориб етказилган» (Добролюбов). Шубҳасизки, реалист драматург ўз замонасидаги қарама-қаршиликларни чуқур мушоҳида қилиб олганлиги учун Катеринанинг фожиаси чинакам ижтимоий фожиага айланниб кетгандир. Чунки бу гўзал қизнинг фожиона ҳалокати «қоронғулик салтанати» даги манхус шароитнинг любид ва муқаррар бир мевасидай таъбир қилингандир. Олижаноб Катерина, иккисозламачилик на олдоқчиликка чулғаниб кетган муҳитга бўйсунишни истамайди. Чунки у ҳурриятпарвар, соғ ва тугал бир характердир. Шу ҳислатлар унга қаҳрамонлик қиёфасини баҳш этади. Бу қиздаги диний ахлоқ нормалари ундаги бутунлик ва олижанобликка қусур етказмайди. Ўзининг машҳур «қоронғулик салтанатида ёриғ нур» деган мақоласида Добролюбов «Момоқалдироқ» пьесасига жуда юксак баҳо бериб, Катерина характерини «фақат Островскийнинг драматик фаолиятидагина эмас, балки бизнинг бутун адабиётимизда олға бир қадам» деб тавсиф этган эди.

Островскийнинг драматик ижодиётида тарихий мавзу'ларда ёзилган драмалар алоҳида ўрин тутади. Умуман XIX аср давоминда тарихий тематика рус адабиётида ғоят катта ўрин олиб келди. Дворян ёзучилар рус тарихида ўз синфининг улугворлигини тасдиқ қиласидиган воқиалар изладилар. Айниқса XV—XVII асрларда Москва Русиясида юз берган ғалаён даври ёзучиларнинг диққат назарини ўзига кўп жалб этди.

Островскийда ҳам ўша давр воқиаларига бағишилаб ёзилган бир серия пьесалар борки, буларни у, «Волга бўйидаги кечалар» номи остида бирлаштирган.

Чунки бу мавзу'да пьесалар ёзиш нияти Островскийда юқорида айттанимиздай, бир гуруҳ адабиётчилар блан 1856 йилда Волгага саёҳат қиласидиган маҳалларида туғилган эди. Бу сериянинг биринчи пьесаси бўлмиш «Козъма Минин» 1862 йилда, «Сохта Дмитрий ва Василий Шуйский» блан «Тушино» — 1867 йилда, «Василиса Мелентьевна» — 1868 йилда ёзилган.

Бу пьесалардаги асосий хусусият, дворян ёзучиларининг бу тегмада ёзган асарларидан шу блан ажраладики, Островский ватан йўлида кураштан асосий куч деб, меҳнаткаш халқни олға суради. Шунинг учун ҳам оташин ватанпарвар Козъма Минин худбин ва сотқин боярларга (дворянларга) қарши қилиб жўйилтган. Бу пьесадаги демократик қарашлар цензурага мақул тушмагани учун уни саҳнага қўйишга ижозат берилмади. Бу серияга кирган бўлак пьеса-

саларда ҳам авторнинг меҳнаткаш халққа бўлган самимий рагбат ва муҳаббати жуда яққол акс этдирилган. Островский назарида ватанпарварликнинг ҳақиқий негизи халқдир.

1860 йилларнинг охирида Островский тарихий мавзу'лардан яна замона тематикасига қайти. Бундан кейин у, бир-бири кетин, «Донишманднинг содда бўлгани яхши» (1868), «Қизғин юрак» (1869), «Аҳмоқ пуллар» (1870), «Ўрмон» (1871), «Бўрилар ва қўйлар» (1875), «Сўнгги қурбон» (1878), «Сепсиз қиз» (1879), «Талантлар ва ихлосмандлар» (1882), «Айбизз айбдорлар» (1884) деган пьесаларни яратди. Бу асарлар Некрасов ва Салтиков-Шчедринларнинг «Ватан тазкиралари» журналида нашр этилган. Бу факт тасодифий эмас. Чунки бу даврда Островский ўзининг илгариги ғоявий ва бадий принципларида маъкам турган бўлиб революцион-демократларга анча яқинлашган эди. Островский ўзининг адабиётдаги мавқи' ва йўлини Некрасовга яқин бўлганини унинг касал Некрасовга ёзган мактубидан кўrsa бўлади: «Сизнинг ўлишингиз мумкинми ахир? — ундай бўлса адабиётдаги йўлдошим ким бўлади? Ахир, фақат сиз блан мен икковимизгина — чинакам халқ шоирларимиз, биз икковимизгина уни (халқни) биламиз, севамиз ва шаблон фарбчилик ҳамда болаларча славянчиликка берилмасдан унинг иҳтиёжларини юракдан сезамиз» деб ёзган эди. Бу мактубдаги фикрнинг чўқуригини қарангки; ҳақиқий ватанпарвар бўлган Островский, ҳатто ўша замонда, (ҳоким синфлар ва уларнинг интелигенцияси фарбий Европани кўр-кўронга тақлид қилган пайтда), фарбга муридчиликни ва қолоқ славянчиликни рад этади.

Бу даврда Островский янги ва «маданий» буржуазияни тамоман очиб ташлаб, чиройли, лекин соxта гаплар остида эксплоатациянинг янги шаклини келтираётган капиталистларнинг ахлоқ ва инсонпарварликка тўғри келмайдиган мағизларини танқид қиласди. Энди у пулнинг ҳукмронлигини, бойлик орзу-ҳавасларини аёвсиз равишда фош қиласди. Пул салтанатига қарши авторнинг этироzi айниқса «Қизғин юрак», «Аҳмоқ пуллар», «Сепсиз қиз» ва «Сўнгги қурбон»да яққол ифодаланган. Пул ва давлат соҳибларининг «фалсафаси»ни, «Сўнгги қурбон» пьесасидаги судхўр Салай Салтанич бир иборада шундай характерли мулоқазала баён қиласди:

«Пули бор одам, пули йўқ—латта!», «Қизғин юрак»даги Куроспелов бўлса шундай дейди: «Пул топсанг — ана сенга шарофат ҳам тайёр! Капиталинг қанча кўп бўлса шарофатинг ҳам шунчалик кўпроқ бўлур!».

«Сепсиз қиз»да биз худди шу молу-пул ҳукмронлигининг киши ҳиссиятларини қандай қилиб бўғаётганини кўрамиз. Лариса муҳаббатни иқтисодий-моддий манбаатлардан юқори, азиз бир туйғу деб билади. Аммо муҳит, ва шу жумладан унинг ўз онаси, қизни сатиладиган бир аш'е деб ўйлайди. Ларисанинг фожиаси атроф муҳитдаги манбаатпастлик, ғаддорлик блан соғ орзулар ўртасидаги зиддиятдан келиб чиқади. Авторнинг бу даврдаги пьесаларида буржуазиянинг йиртқич характерини очиб ташлаб ҳақиқий инсонпарварлик қайғуси блан куйганини кўрсатади. У либераллар-

ни, реакционерларни, янги буржуазияни, унга мослашаётган дворянларни, қўрқоқ, принципсиз «ширин сухан» интеллигентларни инсоний фазилат ва мазийятлардан маҳрум бўлган «инсоннамо» маҳлуқлар сифатида қоралайди. Унинг ҳамма таважжухи ва муҳаббати эзилган, ҳақоратланган «кичик одамлар» томонида, Островскийдаги гуманизм ва демократизмнинг туб мағзи ҳам шунда.

Қайси шаклда бўлмасин, зулм ва жафодан, эксплоатация ва ҳақоратлардан нафрат қилиш Островский ижодиётининг бош ва асосий ҳислатидир. Гарчи, юқорида кўриб ўтганимиздай, айрим даврларда драматургда ба'зи бир иккиланишлар юз берса ҳам, бу ҳолат унинг ижодининг асосий йўлини ўзgartираолмас эди.

Мана, буюк рус драматургига хос бўлган юксак гуманизм ва ҳалқпарварлик ўз даврининг чегараларидан ошиб чиқиб, биз учун, совет ҳалқи учун ҳам азиз ва табаррук бир мирос, тарбиявий бир қурол бўлиб қолди.

Островскийни бир ёзучи сифатида характерлайдиган ҳолатлар, ҳалқни, ҳалқ ҳаётини ва ҳалқнинг тилини мукаммал билиш, буюк драматургик маҳорат, улуғвор ва пешқадам ғояларни ижодга пойдевор қилиш — бу кунги совет адабиётининг арбоблари учун мукаммал бир мактаб ролини ўйнайди.

Ўзбек ҳалқи, Буюк Октябрь социалистик революциясидан кейингина, ажойиб рус драматургининг дурдоналари блан танишувга муваффақ бўлди. «Момоқалдироқ» ва «Сепсиз қиз» каби пьесаларда ўзбек тамошабини ўз ҳалқининг бошидан ўтган аччиғ захматларини кўргандай бўлиб бу кунги ҳур ҳаёт ва баҳтиёр Ватан учун яна ҳам чуқурроқ муҳаббат блан хизмат қилишга онт ичади. Островскийнинг гўзал асарлари тамошабин ва китобхонда шу буюк виждонга ташаккур ва миннатдорчилик туғдиради.

Ана шунинг учун ҳам, буюк рус драматургининг туғилишига 125 йил тўлиши муносабати блан ўтказилаётган юбилей, ўзбек совет миллий маданиятининг ҳам тўйидир.

И. РАСУЛЕВ, Т. ФОЗИБОЕВ.

## „БОҒБОН“<sup>1</sup> ПОЭММАСИ ҲАҚИДА

ВКП(б) Марказий Комитетининг адабиёт ва сан'ат масалалари ҳақидаги қароридан сўнг бутун совет адабиёти тараққиётида катта бурилиш ясалди. Шу жумладан, ўзбек совет адабиётида ҳам жiddий ўзгаришлар юз берди, ёзучиларимизнинг тоғийий-сиёсий савияси ошди, уларнинг замонавий воқиаларни умумлаштириб кўрсатиш қобилияти кучайди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг тарихий қарорига қадар ўзбек совет адабиётида тарихий темаларга, фольклор сюжетларига қизиқиши, ҳамда ва'зхонликка берилиш, тор лирик-шахсий ҳиссиятларни куйлаш тенденцияси устун турган бўлса, бу тарихий ҳужжатдан кейин Узбекистон ёзучилари ўз ижодиётларини жонли ҳаётга, совет воқи'лигига, оламшумул мазмун, қаҳрамонлик, муazzам ижодий ҳамлаларга тўла давримизга қат'ий равишда бурдилар.

Ёзучиларимиз совет халқини ва ёшларни тарбиялочи совет ватанпарварлиги руди, тоғийий темаларни яратишга киришдилар. Бу бурилиш ўзининг илк меваларини берабошлиди. Кейинги даврларда шоир ва ёзучиларимиз орасида катта формалар учун кураш, ҳамма жанрларда йирик эпик полотнолар яратишга жасур интилиш мушоҳида қилинмоқда.

Еш бўғинга мансуб бўлган шоирларимизнинг аксари қисми ўз ижодиятлари устида жiddий ишлаб, катта ше'рий асарлар яратишга, янги йўллар, бадиий воситалар излашга уринмоқдалар. Булардан ба'зилари ўзларининг илк йирик асарлари—достонларини китобхонга тақдим этдилар. Булар орасида шоир Мирмуҳсиннинг «Уста Fiёс», Асқад Муҳторнинг «Пўлат қуючи» достони, Жуманиёз Шарифийнинг «Максим Горький» номли асари шундай асарлардандир.

Шу ёш бўғинга мансуб бўлган шоирларимиздан Мамарасул Бобоев ҳам кўп лирик ше'рлар яратиш блан бирга, кейинги даврларда катта ше'рий асарлар ижод этишга киришди. Унинг «Боғбон» номли поэмаси шоир М. Бобоевнинг ижодида жiddий ўсиш юз берганини кўрсатучи далилларнинг биридир.

<sup>1</sup> М. Бобоев. «Шарқ Юлдузи» 11 — 12 сон 1947 йил.

Мамарасул Бобоевнинг бу поэмасида тахминан 1943—1947 йиллар орасидаги воқиалар тасвирланади. Шоир бу асари орқали колхозчиларимизнинг Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги даврдаги ҳалол ва фидокорона мөҳнатини, жонажон ватанимизга бўлган муҳаббатини, Ленин-Сталин партиясига бўлган абадий содиқлигини, социализм даврида етишган колхоз ва умумхалқ иши учун фидокор ва жонкуяр янги кишиларни, уларнинг турмуши ва мөҳнат самараларини, Улуғ Ватан уруши фронтларида кўрсатган қаҳрамонликларини тасвирлаб беришни ўзига асосий вазифа қилиб олган.

Асарнинг бош қаҳрамони бўлган Собир образи орқали шоир мөҳнатга, колхоз курилишга, Улуғ Ватанга содиқ бўлган оддий ўзбек колхозчисининг портретини чизиб беради.

Собир асли Фарғонали йигит бўлиб, Мирзачўлнинг Сирдар'ё томонларига ўз қишлоғидаги колхозчилар блан бирга кўчиб келган. У бошқа колхозчилар блан бирга «Тўқай ва шўр-нообод бир ер»ни обод пахта майдонига айлантиради. Кўп ўтмай Собир Тошкентга бориб ўқийди ва қишлоққа боғбон-агроном бўлиб қайтади. У қамиш ва шўр босган ерни боққа айлантирабошлайди. Ана шу вақтда улуғ Ватанимизга душман уруш очади. Бошқалар қаторида Собир ҳам Совет Армияси сафига чақирилиб, Ватан мудофаасига жўнайди. Фронтда кўп қаҳрамонликлар кўрсатади. Собир фронтда тезда старший сержантлик даражасигача кўтарилади ва бир ҳужум вақтида у ўлган командирининг ўрнига командир бўлиб, жангчиларни: «Дўстлар, олға, ўлиш ёки енгиш!» деган нидолар блан жангга бошлайди ва румин қишлоғини немислардан озод қиласди, қўмандонликнинг ташаккурига сазовар бўлади. Унинг қаҳрамонлиги блан ҳамқишлоқлари ва бутун қуролдош дўстлари фахрланади. Унинг қаҳрамонлиги колхозчиларнинг руҳини кўтаради ва уларни янада зўр бериб ишлашга ўйлайди. Собир ғолибона жант блан Карпат тоги, Будапешт, Вена ва Берлинда бўлади. У минглаб қишлоқлар, шаҳарларни босиб ўтади. У кўрган қишлоқ ва шаҳарлардаги асабий савдогарлар, унинг юрагида сўнмас ғазаб; очлар, эркизлар эса шафқат туғдиради:

Мана, тўрт йил бу ерларни қўймасб соғинди.  
Татимади минглаб қишлоқ бўғиқ шаҳарлар.  
Юрагида сўнмас ғазаб, шафқат қолдирди  
У асабий савдогарлар,  
эрксизлар,  
очлар...

Собир румин деҳқонларининг ва фақир кулбаларини кўради ва уларнинг бу ҳолини социализм мамлакатидаги деҳқонларнинг фаровон ҳаётини блан солиштириб, колхоз тузумининг нақадар афзалигини тушунади ва улуғ Ватанимизга бўлган муҳаббати янада куяяди. У, колхозчиларимизнинг тўқ ва баҳтиёр турмушини румин

дәхқонларининг қашшоқ, оч ва яланғоч турмуши блан солишириб, жангчи дўстларига шундай дейди.

Мана, румин дәхқонлари, кўриб турибсиз...  
Коҳзоз учун арзир экан қурбон қилсан жон!  
Еримизнинг, сувимиизнинг хўжайини йўқ!  
Биз булардай оч-яланғоч яшарми эдик!  
Эгнимиз бут.

Вахтимиз хуш,  
Рўзғоримиз тўқ;  
Дунё кезиб кўрдик, мана —  
қадрига етдик!

Ким нолирди ўз кунидан, айтинг?  
Йўқ, ҳеч ким!

Собир фронтдан ғолиблар қаторида ўз қишлоғига қайтади:

Жангдан, мана, ғолиб қайтди,  
худди Берлиндан.  
Юзи ёруғ,—ана қишлоқ,—хурсанд, мағрур, тик!

Собирга колхоз раиси омборчи бўлишни таклиф этади. Собир бунга этироуз билдириб, шундай дейди:

Омборчилик ярашади Нишон болага,  
Дам олгани келибмизми, опа, войнадан?!  
Энди кўриб турибсизми бизни? А, нега?  
Ундей эмас, кучга тўлдик, мана, қайтадан!  
Софинганмиз, омон бўлсин, қадрдан кетмон  
Ота касб, шукур, соғмиз ва ёшмиз ҳали.  
Коҳзозимиз, ўз еримиз, эмасмиз меҳмон.  
Иш қиласайлик,

энди, мана, меҳнатнинг гали..  
Узим чала ташлаб кетган боғда ишлайман  
Меҳнат сингган!

Энди битта боғ ҳам керак-да.  
Бир боғ қиласай! Хўп десангиз, опа, бошлайман».

Юқоридаги мисра'лар Собирнинг колхоз иши учун қанчалик жонкуяр, фидокор, меҳнатсевар киши эканлигини кўрсатади.

Бу ўртоқ Молотовнинг қўйидаги сўзларининг нақадар тўғри эканлигини яна бир марта исбот этади:

«Чет эллардаги сотқин буржуа ёзучилар уруш даврида совет кишилари ўз ҳарбий юришлари вақтида Фарbdаги тартиб ва маданият блан танишиб, Европанинг кўп шаҳарлари ва пойттахтларини кўрганларидан кейин, худди шундай тартибларни ватанларида жорий қилиш истаги блан ўз юртларига қайтадилар, деган эдилар. Хўш, оқибат нима бўлди? Армиядан бўшаган солдат ва офицерлар ўз ватанларига қайтганларидан кейин совет ватанпарварларининг

биринчи сафларига ўтиб, зўр ғайрат блан колхозларини мустаҳкамлашга киришдилар, фабрика ва заводларда социалистик мусобақани ривожлантирабошладилар»<sup>1</sup>.

Собир меҳнат қилиш блан бирга колхознинг ташкилий ишларига ҳам ёрдам беради. Колхоз раиси Жўрахон опага йўл-йўриқлар кўрсатади, маслаҳатлар беради. Жўрахон опанинг «ишчи кучи кам, шунинг учун боғ қилиш масаласи анча оғир масала», деган сўзига Собир шундай маслаҳат беради:

Райондаги чойхонада битта киши бас,  
Юнуспир ҳам, одам ахир, колхозга келсин,  
Табельчи ҳам керак, тўғри, аммо Мирсаид  
Ҳеч иш эмас, бўш вақтида боғда ишласин...  
Камайтириинг оғир усти, енгил остида —  
Юрганларни!

Одамимиз етар, мана тайёр ҳисоби.  
Солдат каби турсин ҳарким ўзин постида.

Собир ақлли ва меҳнатсевар киши бўлиши блан бирга тарбияловчи киши ҳамдир. У Юнуспир сингари беданага ишқибоз, дун'ёнинг завқи фақат бедана уриштириш ва уни сайратишдан иборат деб, кетман чопишдан кўра самоварчиликни афзал деб ўйловчи, колхоз иши учун жон куйдирмозчи кишиларни тарбиялаб, актив, фидокор колхозчи қилиб етиштиради.

Собир колхоз ишини ўз иши деб, колхоз турмушини ўз турмуши деб ҳис қилучи кишидир. У Юнуспирга қараб шундай дейди:

Колхоз мулки, насибамиз, ўртадаги нонимиз,  
Сен қилмасанг, мен қилмасам, ким қилар ахир?  
Бордир колхоз дафтарида қатор номимиз.

Бундан ташқари Собир фақат колхоз боғидаги ишлари блангина чегараланмасдан бўш вақтларида колхознинг пахта соҳасидаги ишларига ҳам ёрдам беради.

Собир ватанпарвар колхозчи, қаҳрамон жангчи, ақлли ва доно йигит, меҳнатсевар ва колхоз иши учун жонкуяр киши бўлиши блан бирга самимий муҳаббат эгаси ҳамдир.

Лекин Собир образи асарнинг охирларида бутунлай иккинчи даражали қаҳрамон даражасига тушиб қолади. Унинг ўрнига Жўрахон опа образига кўп ўрин берилади.

Асарнинг асосий образларидан яна бири Умри образидир. Умри ҳам Собир сингари актив колхозчи, колхоз иши учун жонкуяр, фидокор, меҳнатсевар қиз бўлиб, колхознинг донгдор звено бошлиқларидан биридир. Унинг звеноси ҳар йили ўз планини ошириб бажалади.

<sup>1</sup> В. М. Молотов, Улур Октябрь Социалистик революциясининг XXX йиллиги. 1947 йил 6 ноябрьда Москва Советининг тантанали мажлисida қилган доклади.

ради. Умрини фақат звено а'золаригина эмас, балки бутун колхозчилар севади. Собир ҳам ўзининг Умриси блан фаҳрланади, автор Умрининг колхоз иши учун қанчалик жонкуярлигини «Пахтакор ва боғбон» эпизодида жуда яққол кўрсатади.

Мана, донгдор звенога бошлиқ Умрихон  
Бу ҳам, қаранг шулар каби содда,  
Кулча юз  
Тўллагина, қоши туташ, буғдойранг, чаққон  
Ҳамма севар, ақли расо, меҳнатсевар қиз!

У, иш қистов вақтида, кечалари ҳам ухламай ўз пахтасини ўйлади. Ҳатто, сувчи Чўлпон отага ишонмай, ярим кечада ғўзанинг суроилган, суроилмаганлигини текширади:

Лекин, автор бу образни асарнинг охиригача ўстириб бормайди. Асарда Умри звеноси қизил байроқли Онахон звеносига ютқизгандан кейинги натижага кўрсатилмайди. Аксинча, бу ерда иккенидан бир-бирининг ютиб чиқсанлиги кўрсатилиши керак эди. Чунки, ўқучи асарнинг охиригача натижанинг нима бўлишини зўр қизиқиши блан кузатиб боради. Афсуски у ҳечқандай холосага эга бўлмайди.

Асарнинг марказий образларидан яна бири Жўрахон опа обрасидир. Жўрахон опа иш процессида ўғсан, чиниқдан, оддий колхозчиликдан раислик даражасига кўтарилган, колхознинг ишончли раҳбарига айланган, колхоз тарбиялаб етиштирган, актив колхозчи аёлдир. У колхоз раиси Йўлдош aka фронтга кетгач, колхозга раис қилиб сайланади. Бу пайт меҳнат азаматлари урушга кетган, аммо колхоз олдида пахта ҳосилини ошириш ва фронтни кўплаб озиқовқат блан та'минлашдек катта вазифалар турган бир пайт эди. Жўрахон опанинг бутун фазилатлари мана шу қийинчилкларни енгиш учун бошланган курашда очилади. Раис қилиб сайланган куни Жўрахон опа мажлисда колхозчиларга колхозни мустаҳкамлаш, фронтга ёрдам бериш, юртни сақлаб қолиш, колхоз ишини янада яхшилаш ва колхозчилар ишончини оқлашга ва'да бериб, шундай дейди:

Хўб, ўртоқлар, бўлсам бўлай колхозга раис,  
Аммо, менга кетмондан-ку тинчи йўқ асли..  
Эрларимиз қон тўқмоқда!..

Давлатимиз таянган!..

Шундай эмасми?

Уч йил, мана, шу алпозда кунни кун демай,  
Меҳнат қиддик. Кетмаяпти, ахир, беҳуда.  
Ҳам роҳатдан кечдик, тўғри, кўп ичмай, емай.  
Юртимизни сақлаб қолсак,

Бахт бизга шу-да.

Жўрахон опа ҳақиқатан колхозчиларнинг ишончини оқлайди.

Шунинг учун ҳам колхозчилар уни ҳурмат қиладилар. Унинг сўзи-ни икки қилмайдилар, кексалар унга умр тилайдилар, ундан беҳад миннатдор бўладилар. Жўрахон опа иш процессида анча ўсади, партия сафига кириб, тарбияланади, унда аввалги тортиночоқлик, уятчанглик каби хусусиятлар йўқолади. Хатто, унинг ташқи томони ҳам, я'ни гапириш усуллари, кийиниши ҳам бутунлай ўзгаради:

Пайкол бўйлаб ана, келар Жўрахон опа,  
Билаклари шимарилган, кенг оппоқ кўйлак  
Кунда баттар қорайипти хушқомат, тўла  
Қўлларида газета ва оқ кийгиз телпак.  
Ҳар кишининг меҳрибони. Ишchan. Коммунист.  
Ақли ўткир. Ишда унум. Халқда э'тибор.  
Унинг сўзин иккита қилмас ҳар йигит, ҳар қиз  
Умр тилар кексалар ҳам беҳад миннатдор...

Жўрахон опа пахта ҳосилини ошириш блангина чегараланиб қолмасдан, колхоз қишлоғини обод қилиш, бекор ётган тўқайзор, ёнтоқзор ерлар ҳисобига экин майдонини кенгайтириш, мактаб, докторхона, электростанция қуриш, гўзал мевазор боғлар яратиш ишлари блан ҳам шуғулланади.

Лекин Жўрахон опа образи тўлиқ ва мукаммал ишланмаган. Унинг колхоз раиси қилиниб сайланишидан олдинги ҳаёти қисқа қилиб бўлса ҳам берилмаган. Бундан ташқари Жўрахон опанинг колхоз ишини тўғри ташкил қилиш, меҳнатни тўғри йўлга қўйиш, ишчи кучидан тўғри фойдаланиш соҳасидаги ташкилотчилик роли яхши ва бўрттирилиб берилмаган.

Асарнинг ютуқларидан бири шуки, шоир колхозчиларнинг меҳнат процессини кўрсатиш блан бирга уларнинг янги меҳнат ва муносабат жараёнидаги катта фикрий юксалиш ва мукаммалланиш процессларини, уларнинг онгидаги эски феодализм қолдиқларининг борган сари йўқ бўлаётганлигини, уларнинг онг-тушунчаларининг ўғсанлигини ҳам кўрсатиб ўтади. Бу нарса, айниқса, Даврон ота образида яқол берилган.

Даврон отанинг қизи Умрихон Собирни севади. Бутун уруш йиллари бир-бирини кутишган бу икки ёш энди турмуш қурмоқчи бўладилар. Буни эшигтан Даврон ота хотинига шундай жавоб беради:

Яхши, — деди Даврон ота, — жавоб берабер.  
Кизинг рози бўлса, бас-да.

Мен рози, майли..

У хотинининг:

Олиқ-солиқ деган гап бор. Вакти бор сағал,  
Елғизимиз. Қандай бўлар орзу-ҳаваси?  
деган э'тиrozига қарши Даврон ота:

Кимдан кам у?  
Асл йигит. Меҳнаткаш ўзи

Армиядан келган, бақувват, әпчил, ғайратлик...  
Обрўйи бор. Кўп севади. Не дейсан тағин?..  
Шукур, тинчлик, ма'мурчилик. Не керак тағин?  
Кўмиласан иккисининг топган молига,

дейди.

Асарда Улуг Ватан уруши даврида совет халқлари ўртасида мустаҳкамланган биродарлик, дўстлик, умуман интернационализм идеяси ҳам берилган. Бу ўзбек Собир, қозоқ йигити Соғиндиқ, тоҷик Ражаб, украин жангчиси Светанко ва рус гвардия подполковники образлари ва улар ўртасидаги муносабатлар орқали берилган.

Асарнинг энг яхши хусусиятларидан яна бири шуки, бу шоирнинг бой ўзбек фольклорида бўлган қўшиқлар ва мақоллар жанридан ўринли ва жуда яхши фойдаланаолганидир.

Шоир ўз достонида ўзбек фольклоридаги тайёр қўшиқлардан олиб ва ўзи ҳам шу қўшиқларнинг форма ва мазмунидан фойдаланиб, ёки уларга ўхшатиб қўшиқлар яратган.

Булардан энг чиройли ва характерли ҳисобланган қўйидаги парчаларни кўрсатиш мумкин:

Оқ товордан қўйлагим,  
Кўк тиканлар илмасин,  
Ораламанг, ўртоқлар,  
Чаногида қолмасин.

Дилбаржон, дилбар.  
Дилбаржон, дилбар

Ой нури, тангга-тангга,  
Ерим йўлладим жангга.  
Кай жангидан қолишай,  
Жоним фидо Ватанга!

Дилбаржон, дилбар,  
Дилбаржон, дилбар..

Гулзор қилдик чўлини  
Билдиқ бахтнинг йўлини.  
Кўзимизга суртайлик  
Бориб доҳим қўлини.  
Саҳарда турган шамол  
Гул ҳидини сочади  
Ҳалол меҳнатинг бўлса,  
Масков йўлин очади.

Шоир бу қўшиқларни танлаш ва яратишда асарнинг мазмунига, воқианинг характерига ва замонга қараб, иккига бўлиб бўради. Уларнинг бир гуруҳи уруш давридаги колхозчи қизларнинг ички кечирмаларини, душманга бўлган нафратини, айрилиқ мотивларини ва армонларини англатади:

Фонаръ ёнар ёғ блан,  
Душман ўлсин дод блан.

Тўйиб-ўйнаб кулмадим  
Ўзим суйган ёр блан...

Дилбаржон, дилбар!  
Дилбаржон, дилбар,

Уларнинг иккинчи гуруҳи эса, урушдан кейинги ҳозирги даврдаги колхозчиларнинг аҳвол-руҳияларини очиб кўрсатучи қўшиқлардирки, буларда колхозга, меҳнатга ва бу баҳт-саодатли турмушнинг ижодчиси доҳи Сталинга бўлган муҳаббатлари куйланади:

Ҳайдар қокилинг узун,  
Ювиб тарагин, ёрим.  
Дангаса деб койима  
Чекка қарагин, ёрим

ва бошқалар.

Поэмада учраган табиат тасвирлари, колхоз қишлоғининг чироили манзаралари жуда ўринли берилганки, бу асарнинг мазмунининг ҳаётий чиқишига катта ёрдам берган:

Ҳаво иссиқ. Қимиrlамас терак барги ҳам,  
Жимир-жимид ялтуғланар осмон, айлана.  
Полизларда теракларнинг барги сўлган-ҳам.  
Атроф жим-жит. Тандир каби қизиган дала,  
Дараҳтларнинг таг-тагида ғужум соялар.  
Корли тоғнинг чўққилари олипти кулранг,  
Хў, қўриқда ёзилишиб ўтлар подалар,  
Катта йўлда машинани қувар бўрсук чанг.  
Дала чайла тепасида мусича «қур-қур»  
Холдан тойған капалаклар учар соялаб.  
Паровози қулун каби тутун-ёл бурқиб,  
Поезд ўтар, хў олисдан қичаб, жадаллаб.

Яна:

Кишлоқ пасти.  
Кенг паҳтазор. Кўкда тўлин ой.  
Ойдин кўлдай ғўзаларни ўйнар шаббода,  
Атроф жим-жит, фақат пастда шовуллайди сой.  
Оқаришиб кўринади дараҳтлар, йўллар.  
Чироқ ёниқ отхонанинг баланд томида.  
Басма-басга «чаҳ-чаҳ»лашиб сайрар булбуллар,  
Электрлар чарақлаган колхоз боғида.

Яна:

Кенг далада меҳнат қайнар. Звеноларда —  
Кўринади баланд-баланд пахта хирмони.  
Ана, борар қатор-қатор пункт йўлида —

Мамлакатта совға ортиб байрам карвони.  
Томарқада саратондан бери тик қотган  
Олтин сочли жүхорилар қилипти ёнбош.  
Полиизларда шакар қызлар күрпасин отган.  
Куз лабидан әнтикади ҳар уват, ҳар рош.

«Боғбон» поэмаси шоир М. Бобоев ижодида йирик түнгіч асар бўлиши ва ҳажм жиҳатдан анча катта бўлганлиги учун юқоридағи ютуқлардан ташқари унда айрим камчиликларнинг бўлиши ҳам табиийдир.

Асарнинг энг катта камчиликларидан бири шундан иборатки, колхоз омборчиси Нишонбой колхозчиларга хиёнат қилиб, колхоз мулкини талон-торож қиласди. Бу нарса Собирнинг қуидаги сўзларидан ҳам ма'лум.

Омборчи эдинг. Иш пачава ...

Тер тўқ бўлмаса ...

Сен омбордан ...

Одамга ҳам керак виждон, ор ...

Омборчи колхоз мулкини талон-тарож қилгани, я'ни қишлоқ хўжалик артели уставини бузгани учун, қаттиқ жазога тортилиши керак эди. Аксинча колхоз раиси унга ҳечқандай жазо бермасдан, Собирнинг бригадасига табельчи қилиб тайинлади. Ҳатто Собир ҳам омборчининг ишига э'тиборсизлик блан қарайди ва ўзига кузда, я'ни иш кўпайган вақтда ҳисобчи қилиб олмоқчи ҳам бўлади. Бу колхозчиларни ва асарнинг бош қаҳрамони Собир ва колхоз раиси коммунист Жўрахон опани, Нишон омборчи каби қишлоқ хўжалик артели уставини бузучиларга хайриҳоҳ қилиб қўяди. Бундай кўрсатиш бутунлай нотўғридир.

Асарнинг катта камчиликларидан яна бири шуки, асарда партия ташкилоти ва коммунистларнинг колхоз ҳаётидаги етакчилик роли берилмаган. Ваҳоланки, партия ташкилоти колхоз ҳаётининг асосий ўзаги ҳисбланади. Бусиз колхоз ҳаётини тасаввур қилиш мумкин ҳам эмас.

Булардан ташқари асарнинг энг қизиқ ва муҳим интегрияси бўлган Собирнинг армиядан қайтгандан кейинги Умри блан учрашуви берилмаган, ваҳоланки, ўқучи буни зориқиб кутади.

Асарнинг охирроғида автор Фарҳод ГЭСи ҳақида бир эпизод берадики, бу асар мазмунига боғланмаган ва асарнинг композициян тузилишига ёпишмайди.

Асар ҳажм жиҳатидан анча катта бўлишига қарамай, шоир асарни ма'лум бир қофиялаш тартиби блан бераолган. Я'ни ҳар бир банднинг биринчи мисра'си блан учинчи мисра'си, иккинчи мисра'си блан тўртинчи мисра'си қофияланни келади.

Айрим чекинишлардан қат'ий назар, мана шу система асарнинг охиригача сақланган. Лекин, қофиялашда айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилган:

Кўз олдида кенг паҳтазор, чанқоқ ғўзалар,  
Шундай пайтда хит қиласи сувнинг этаги..  
Чўлпон ота бегам! Балки ухлаб қолгандир?  
Сув-да ҳозир ғўзаларнинг айни кераги!»

Бу бандда «этаги» сўзи блан «кераги» сўзи, «ғўзалар» сўзи блан «қолгандир» сўзи бир-бирига қофиядош қилиб олинган

Албатта, бу ерда «ғўзалар» сўзига «қолгандир» сўзининг қофиядош бўлиши ҳеч мумкин эмас. Бундан ташқари «раиса» сўзига «биносига», «керак-да» сўзига «ота», «жим» сўзига «ем», «Умри» сўзига «кулги» сўзлари қофиядош қилиб олинган.

Бундан ташқари поэманинг вазнида ҳам айрим камчиликларни учратиш мумкин. Я'ни мисра'лар бўғинларнинг сони жиҳатдан бири иккинчиларидан ошиб ёки камайиб кетган. Ваҳоланки, одатда бармоқ вазнида ёзилган ше'рларнинг ҳарбир мисра'си бўғинларнинг сони жиҳатидан бир-бирига баробар бўлиши керак. Чунки бармоқ вазнида ритм мисра'лардаги тенг бўлакларнинг, я'ни бўғинларнинг бир текис тақоридан ҳосил бўлади.

Бундан ташқари мисра'лардаги бўғинлар миқдорининг бирхил бўлиши ше'рнинг оҳангдорлиги, музикавийлигини ва равон ўқилишини та'минлайди. Асар вазнининг айрим жойларда бузилганлигига қўйидаги парча мисол бўлаолади.

Ўзи шўтқор, аскиячи; ҳазил қилсанг, бас (13 бўғин)  
Ҳаммасини унутади, қотиб-қотиб кулади... (15 бўғин)

Асарнинг тили жуда содда, равон, ҳамма учун тушунарли, оддий колхозчилар тилига яқин. Шоир асарнинг қаҳрамонлари колхозчилар бўлгани учун ҳалққа хос сўзлар блан ибораларни ишлатган. Содда, лекин чиройли бўлган ҳалқ тили бойлигидан жуда яхши фойдаланган.

Аммо шунинг блан бирга асарнинг тилида ҳам анча нуқсонларни учратиш мумкин.

Асарнинг тилида адабий тил рамкасидан четга чиқиш ҳоллари кўп учрайди. Ҳатто, буни автор тилида ҳам учратиш мумкин.

Масалан: «ва'да» сўзи «вағда» (94 б. 11 сон, 1947 й), «сал» сўзи «сағал» (13 б. 12 сон, 1947 й) формасида ишлатилган ва бошқалар.

Булардан ташқари асарда қўпол матбаа хатолари ҳам кўп учрайди.

Асарнинг айрим жойларида ўрин-пайт келишиги қўшимчаси ўрнига жўналиш келишиги қўшимчасини ишлатиш каби грамматик хатолар ҳам бор:

Бугун нега кенг далага қўшиқ янграмас

Юқоридаги камчиликларга қарамай, М. Бобоевнинг «Боғбон» поэмаси унинг ижодиётида тўнғич йирик асар бўлиши жиҳатидан, колхоз ҳаётидан олиб ёзилганлиги муносабати блан, ҳамда фольклор жанрларидан ўринли ва муваффақиятли фойдаланаолганлиги жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган асардир.

Бу поэма М. Бобоев ижодининг ўсганлиги ва гуллашидан дарак беруви қалдирғочdir.



## „ПҮЛАТ ҚУЮЧИ“ ПОЭМАСИННИГ ТИЛИ ХАҚИДА БА’ЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Устоз Горький: «Тил характерлар ва манзаралар яратиш воситаси

дириш» — дейди.

Ҳақиқатан, сўз—тил орқали характер, манзара, шулар воситаси

да адабий асарда образ яратади.

Образни рассом, ҳайкалтараш ҳам яратиши мумкин. Аммо, бадиий адабиётнинг ўзига хос специфик хусусияти: унинг сўз-тил орқали образ яратишидир.

Ёзучилар халқда бор бўлган сўзларни, айрим халққа хос бўлган ибораларни, халқнинг мақол ва ҳикматли сўзларини ўзларининг ижодий меҳнатлари блан бадиий асарлари учун фойдаланадилар. Тилнинг яна бойиши учун ўз ҳиссаларини қўшиб ғорадилар. Бу блан кучли оммабоп бадиий тилни яратаборадилар.

Демак, шундай бўлар экан, ёзучиларимизнинг тил хусусиятларини, улардаги стил, ба’зи грамматик, лексик ютуқ ва етишмовчиликларни текшириш, кўрсатиш зарур бўлади.

Ҳозиргача ўзбек тил билимида бирор бадиий асарнинг тилини текшириб, мукаммал бир қарорга келган биронта илмий асар йўқ. Шундай бўлишига қарамай, бошланғич тажриба учун Асқад Мухторнинг «Пўлат қуючи» поэмасининг тили ҳақида ба’зи мулоҳазалар юритмоқчимиз.

Бу кичкинагина текширишда, асосан, қуйидаги томонларга э’тибор бериш кўзда туғилади:

Поэманинг тилида мақоллар ва халқ ибораларининг ишлатилиши ҳам поэманинг стилистик, грамматик ва лексик қурилиши.

Бу текшириш шу икки масала юзасидан олиб борилган кузатувни озми-кўпми баён этишдан иборат бўлади.

Сўз сан’атининг боши бўлган фольклорга марксизм классиклари, айниқса Горький, жуда катта э’тибор берар эди. У—оғзаки ижодиётнинг ёзма адабиётга та’сири айниқса катта ва баҳосиадир—деган эди, ва:

«Мен мақоллардан, бошқача айтганда: афоризм тушунчаларидан жуда кўп нарса ўргандим»—дейди. (М. Горький «Адабиёт ҳақида» бет 221).

Ҳақиқатан фольклор материалларининг ихчам, аммо жуда кенг ма'ноли бўлиши ёзучиларимиз яратмоқчи бўлган образни ҳар томонлама очишда жуда қулай келади ва фикрнинг бақувват бўлишини та'минлайди. Ўринли ишлатилган ҳарбир фольклор элементи асарнинг салобатини ортиради.

Ўзбек ёзучи ва шоирлари ҳам, мана шу фольклорнинг баракали та'сиридан баҳраманд бўлабошлидилар, улар фольклордан манба' сифатида фойдаланиш блан бирга фольклордаги элементларни (мақол ва бошқаларни) қайтадан ижодий ишлаб, ўз асарларининг ажралмас қисмларидан бирига айлантиридилар. Бу ҳол Асқад Мухторнинг «Пўлат қуючи» поэмасида ҳам учрайди, масалан:

1. «— Айтилган сўз—ўқ»

1. «Яхши ният — дейди—яrim мол».

Мана булар ҳалқ орасидаги «Айтилган сўз—отилган ўқ», «яхши ният, яrim мол» мақолларининг айни ўзидир.

Завод қуришга аҳд қилишни ва Шомурод — полвоннинг ишончини беришда шоир юкоридаги мақоллардан кучлироқ жумла топомлас эди. Шунинг учун ҳалқ исте'молидаги мақолларга мурожат, қилди. Яна «Гул тиконсиз бўлмас, дур садафсиз» ёки «Тиконсиз гул бўлмас, машаққатсиз ҳунар бўлмас» мақолини Асқад Мухтор ўзининг ижодий ғалвиридан ўтказади, ва поэмада «Гул ҳам бўлмайди-ку тиконсиз...» тарзида ишлатади.

Юкоридагидек, ўринли ишлатилган мақоллар поэма тилига файз қўшади.

Бундан ташқари поэмада ўзбек тилидаги ҳалқ иборалари ишлатиладики, булар поэма тилининг моҳияти ва миллӣ руҳини кўрсатиша, ғоявий-бадиий та'сирчанлигини оширишда хизмат қиласади.

Масалан:

«Сизга оқ йўл бўлсин тош кесар эрлар».

«Одамга бош эгсин қақраган ерлар».

«Шамол тикка урар афтига»

«Хўрозқанд ушлатиб касб ўргатмаймиз»

«Ҳадди сиққанидан айтади».

«Шомурод астойидил боғлади белин».

Бундай ҳалқ иборалари поэма тилини яна бойитади, асарнинг мазмунини ҳаётий қиласади.

Энди, поэманинг стилистик, грамматик ва лексик қурилишига келайлик. Поэманинг грамматик ва лексик қурилишидан олдин унинг стили ҳақида бироз гапириш керак бўлади. К. Федин—«Езучининг сан'ати унинг стили блан белгиланади...» — дейди.

Ҳақиқатан стил — асарнинг жумла қурилишида ибораларнинг силлиқ, жумланинг сиқиқ, мазмуннинг кенг ва чуқур, сўзларни ўринли ишлатиш блан белгиланади.

Юкоридагидек ҳолатларни бир асарда мужассам топиши, ёзучи ёки шоир стилини равон эканлигини, унинг ёзучилик сан'атининг юксак эканини кўрсатди. Ўринли ишлатилган ҳарбир ҳалқ исте'молидаги, аммо, поэзияда «хашаки» деб қаралган, бадиий содда сўз стилини равонлаштиради. Уқучига та'сирли ва тушунарли бўлиши-

ни та'минлайди. Уша жимжимадор бўлмаган сўзлар асар тилига хаётий мазмун беради.

«Соддалик сўз бойлигини, образли эканини бўшаштирмайди. Балки, меҳнаткаш омманинг тўла тушуниши учун ҳалал берадиган сўз ва образларни чегаралайди, халос...» (Е. М. Рит, «Ленин тил ҳақида ва Ленининг тили ҳақида» — бет 130).

Шоир Асқад Мухтор асарнинг стилига бир қадар э'тибор бергани, унинг бадиий содда ва равон ше'рий тилидан кўриниб турибди.

Поэмадан дадиллар келтирамиз:

«— Яна кўк чой беринг, самоварчи!  
— Қаққа ичаяпсан, Шомурод—полвон?  
Юрак-пурагингга ўт кетдими дейман,  
Тўртта дамлаб бердим, чой дейсан ҳамон.  
— Ўчоғингиз эмас, мартен дейди уни».

Яна:

«Чуқурликдан сакраб тупроқ чиқади.  
Тўзон кўтарилар осмонга.  
Ел тинган.

Янги кун туғилар.

Янги кун».

«Излаб тополмасам ҳаётда сени,  
Ўйлаб ҳаёлимда яратардим...  
Кел!»

Юқоридаги мисолларда шакл сиқиқ, ма'но кенг, ҳаётий, кундалик учраб турган турмуш кўз олдимизга келади. Бу мисоллардан кўринадики, поэма стилистик равон.

Ба'зан бир ма'нонинг бошقا шаклларда такори ҳам поэмада учрайди. Такорнинг ўринли ишлатилиши ма'нони чуқурлаштиради ва та'сирчан қиласи:

«Ҳамма тинч,  
Ҳамманинг дами ичидা».  
«Карвонлар,  
Карвонлар ўтар бетиним» каби.

Аммо, поэмада учраган бир хил шаклдаги қўшимча қабул қилган сўзларнинг кетма-кет такори ма'нони чигаллаштиради, стиля футур етказади.

Масалан:

«Келиб кўриб кеча бош инженер».

Икки равишдошнинг қават келиши ўқишининг равонлигини бузади. Бундай ҳолда шаклларни ўзгартиришга ҳаракат қилиш керак. Бу блан яна тилдати силлиқликни сақлаб қолиш мумкин.

Бундан ташқари поэмада ба'зи стилистик етишмөвчиликлар учрайдики, уларни бирма-бир күриб чиқайлик.

Масалан: «Дод солса, ҳалқуми тиқилар эмиш». (?)

Бизча, ҳалқум тиқилмайди, балки ҳалқумга нафас тиқилади. Зотан, ҳалқум тиқилса, қаерга тиқилади?

Яна:

«Қочса — жилолмасмиш жойидан,  
Терлаб пишган эмиш...

Аммо бир овоз  
Түқ-түқ эшитилармиш ғойибдан...»

Бу мисолдаги кейинги икки мисра' ма'но жиҳатдан ортиқча.

Бу мисра'лардан шоир нимани кўзда тутади? Шомурод кўз очгавидан кейин эшигтани тонг саҳарда ҳарсон тошларни қўпараётган кишиларнинг ҳайқириқлари ва ломларнинг гурс-гурс овозларини унинг тушидаги акси деб бермоқчими? Ҳар ҳолда ноаниқ.

Яна:

«Шомурод бўйнининг иссиқ билакларга  
Чирмashiб кетганин пайқамай қолди».

Бу мисра'ларда Асқад Мухтор катта стилистик хатога йўл қўяди. Ма'нонинг бутунлай бошқа тус олиб қолганини сезмай қолади.

Юқоридаги бандда шоир жуда чирайли фикрни кўзда тутади.

Унингча: «Шомурод бўйнига иссиқ билакларнинг чирмashiб кетганини билмай қолди»—демоқчи. Аммо, контекстда аксинча бўшиб чиқади. Ма'нан: «бўйин билакка чирмашади».

Бу хато, келишик қўшимчаларининг ўз ўрнида ишлатмаслик орқасида содир бўлгандир. Бу жумладаги грамматик камчилик ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Поэманинг стилида сўз тартиби ҳам катта роль ўйнайди. Ўринсиз равишда сўзларни тартиблиш, яна стилистик хатога олиб боради.

Тўғри. Поэзияда нормал тартибни истаганча инверсияга упратиши мумкин. Албатта бу ҳам эви блан. Чунки, ўзбек грамматикаларида тартибни ўзгартилса, ма'нога футур етадиган бирикмалар санаб ўтилган. Бундай муносабатларни ҳам билганимизча тартибни ўзгартираберсак, грамматикамиздаги сўз тартиби ҳақидаги қонун-қоидамизни ўқучиларнинг тушинишига анча қийинчилик келтириб қўйган бўламиз. Чунки, ҳарбир бадиий асар, уларнинг грамматикамиздаги қоидаларни мукаммал ўрганишда, мустаҳкамлашда қўлланма бўлиши керак. Аксинча уларнинг фикрларида қоидаларимизга зидлик туғдирмасин.

Асқад Мухторнинг поэмасида мана шундай инверсиялар, ўринсиз тартиблар кўзга ташланиб қолади:

«Шомурод кун узун қўйди оина».

Мана бу бирикмадаги сифатловчи, сифатланмишнинг ўрин олмаштириши — инверсияси ма'нони хидалаштирган.

Хақиқатан, грамматикамизда сифатловчи, сифатланмиш ўрин олмаштираолмайдилар. Алмаштирап эканлар сифатловчи, сифатланмишликтан чиқиб қоладилар.

Инверсия одатда тасвир ва ифодани кучли эмоционал, кўтаришка қилиш учун ишлатилади. Ҳатто инверсия прозаик асарлардаги эмоционал нутқларда, ёзучининг лирик тасвирларида ҳам учраши мумкин.

Аммо, поэзияда ше'рий талаб, айниқса, туроқ, вазн, қофия талаби блан кўпроқ учрайди.

Асқад Мухторнинг поэмасида учраган ба'зи юқоридагидек инверсия на туроқ, на вазн, на қофия талаби блан бўлади.

Демак шундай экан:

«Шомурод узун кун қўйди оина» қилиш керак эдик, бу блан ше'рий унсурларга ҳеч зарар етмас эди.

«Узун кун» каби бирималар ше'рий талаб блан ҳам инверсия қилинмайди, қилинса ма'нога ҳалал етади.

Энди поэманинг ба'зи грамматик тузилишига келайлик. Поэманинг грамматик тузилишида, синтаксистик қурилишида шоир анча ютуқларга эришган. Шунга қармай поэма ба'зи морфологик камчиликларга эга. Шунинг учун биз унинг ютуқларини эмас, балки оа бўлса ҳам камчилик деб ҳисоблаганимиз ба'зи томонларни кўрсатиб ўтсак фойдадан ҳоли бўлмас.

Поэмада: ўрин келишиги қўшимчаси ўрнида, чиқиш келишиги қўшимчаси ишлатиш, контекстда мазмунан жўналиш келишиги қўшимчаси талаб қиласиган сўзга, қаратгич келишиги қўшимчасини, мазмунан қаратгич келишик қўшимчаси олиши керак бўлган сўзга, жўналиш келишик қўшимчасини қўшиб қўйиш каби ҳодисалар учрайди. (Бунинг орқасида стилистик камчиликлар рўй берганини юқорида айттан эдик). Яна қаратгич келишик қўшимчаси зарур бўлмаган ўринда ортиқча ишлатилиши каби морфологик етишмовчиликлар бор.

Мисоллар келтирамиз:

1. «Сирдар'ё тўлқини ўйнар шу'лаланиб  
Пўлат шаҳарининг чироғларидан».
2. «Ичидан қарғади ла'нати чўлни»
3. «Ўзини «номард!» деб сўқди ичидан» каби.

Юқоридаги мисолларда ўрин келишик қўшимчаси «да» ўрнида, чиқиш келишиги қўшимчаси «дан» ишлатилади.

Келишик қўшимчаларни ўринсиз ишлатиш орқасида, ҳам стилистик, ҳам морфологик хато бўлиб қолган, юқорида айтганимиз мисолни кўрайлик:

«Шомурод бўйининг иссиқ билакларга  
Чирмashiб кеттанин пайқамай қолди».

Бу мисол бир қарашда ҳеч қандай камчиликсиздай кўринади. Синчиклаб қаралса, қўшимчаларни нотўғри ўрнатилгани сезилади.

Бу ма'нони тамоман бузади. Шунинг учун 1—мисра'даги келишик қўшимчалар («нинг» ва «га») ўрнини алмаштириш керак, я'ни:

«Шомурод бўйнига иссиқ билакларнинг...» тарзида берилиши тўғри бўларди.

Поэмада қаратғич келишиги қўшимчаси ортиқча ишлатилганини кўрамиз:

«—Пўлат деган нарса худди Сизнингдай  
Забардаст қўлларни яхши кўради».

Бунда 1 — мисра'даги «нинг» ортиқча.

Гарчанд «нинг» бўлар экан демак у қаратғич, унинг қаралмиши ҳам бўлиши керак. Аммо, қаралмиши 1—ва 2—мисра'ларда йўқ. Шундай экан «сизнингдай» эмас, балки «Сиздай» қилиш керак эди.

Одатда, грамматикамиизда, шарт эргаш гапнинг қўшма кесимиға қўшилган шахс билдиручи қўшимча, ёрдамчи фе'лга эмас, шарт формасини олган асосий фе'лга қўшилади.

Шуниси қизиқки, Асқад Мухторнинг поэмасида шарт эргаш гапнинг қўшма кесимиға қўшилган шахс билдиручи қўшимча ёрдамчи фе'лга қўшиб қўйилади.

Масалан:

«—Борди-ю мен бунда бўлмаса эдим,  
Нима қилар эдинг, Мария?»

Бу мисолда шарт қўшма фе'лнинг шахс билдиручи қўшимча блан турланишини хато қўрсатилганини исботламоқчимиз. Бунинг учун:

«Бўлмаса эди» қўшма фе'лини шахс блан грамматикамиизда қўрсатилганича турлаб кўрайликчи:

I.—Мен бўлмасам эди.

II.—Сен бўлмасанг эди, каби

Шундай экан, мисолимизнинг I—мисра'и қуйидагича бўлиши керак:

— «Барди-ю мен бунда бўлмасам эди...»

Ба'зи кишилар юқоридагидек грамматик етишмовчиликларни «арзимаган нарса» деб қарайдилар. Уларча, бу камчиликлар асарнинг бақувват идеяси, етук образлилиги, салоботлилиги, та'сирчанлиги, актуаллилиги олдида арзимаган нарса каби кўринмай кетар эмиш.

Барди-ю, асар ўша «арзимаган» грамматик камчиликларга эга бўлса, у асар қандай қилиб бақувват, образли, та'сирчан бўлаолади.

Ахир ўша «арзимаган нарсалар» асарнинг стилини белгилайдику.

Энди, поэманинг лексик бойлигига келайлик. Поэманинг лексикаси ниҳоятда бой. Поэманинг бу сўз бойлиги Совет интерна-

ционал сўз ва терминлар ҳам янги ма'но олган архаик сўзлар ҳи-  
собига бўлган. Интернационал сўз ва терминлар социалистик ту-  
шунчаларни ифодаловчи бир омиллирларки, улар поэмага ҳусн  
қўшади.

Поэмада: машина, информбюро, солдат, шинель, артель, завод,  
домна, инженер, паровоз, вагон, эшелон, цех, поезд, метр, минут,  
мотор, мастер, мартен, ток, печь, цемент, танк, газ, металлург,  
агрегат, корпус, трактор, машинист, армия каби совет интернаци-  
онал сўз ва терминлари учрайди. Булар ўринли равишда поэманинг лексик таркибиға сингиб кетганлар.

Поэмадан мисоллар оламиз:

«Информбюронинг хуш хабари бор!»  
«Солдат шинелини ечиб ташлади».  
«Азамат домналар ёқилган куни».  
«Инженер чизғичин олди қўлига».  
«Қизил армияга ҳадия!»

Бундан ташқари поэмада айрим сўзларнинг муваффақиятли ишлатилиши прэма тилининг бадиий завқини оширади:

«Тоғ чўққисин тўсган девқомат цехга»  
каби.

«Пўлат қуючи» поэмасининг тилида архаик сўзларни қадимги ма'ноларида эмас, балки янги ма'ноларда қўллангани кўринади.

Бу ҳол поэманинг лексик бойлигини яна оширади.

Мисоллар кўрамиз:

«Шу томчи сингди-ю  
Ла'натланган чўлга,  
Ҳар сиқим, тупрогин табаррук этди».  
«Ана Мария қиз, олов ҳукмдори»,

Бу мисоллардаги «табаррук», «ҳукмдор» сўзлари поэмада замонавий янги ма'но ташиган сўзлардир.

Бу сўзлар «казиз» ва «оловга бас келадиган, жасур» ма'нолари-ни беради.

Поэмада омма тушинмайдиган сўзлар йўқ даражада. Бу эса поэманинг зўр ютуғидир.

Шу блан «Пўлат қуючи» поэмасининг тилидаги нуқсон ва ютуқ-  
ларни оз бўлса ҳам ўқучиларга бирқадар тушунтиргандирмиз деб ўйлаймиз.

Булардан ташқари поэманинг тилини ўрганишда бир қатор муҳим ва зарурӣ масалалар борки, булар, поэмадаги образларнинг тили, бадиий тил элементлари, бадиий сўзнинг асар мазмунига муносиблиги масалаларидир. Булар эса келгуси ишларимиз бўлур.

Шоизар Шоабдураҳмонов  
ЎзССР Фаялар Академияси Тил ва  
Адабиёт институтининг аспиранти.

# МУНДАРИЖА

Бет

АЛИШЕР НАВОИЙ. Разаллар (Чор Девон)дан.	3
УЙГУН. Фарҳод ше'рларидан	15
К. МУҲАММАДИЙ. Колхоз боғбони. Ше'р.	17
ЖЕЙМС ГОУ та АРНОД ДЮССО. Чуқур иллизлар Пьеса.	18
Ю. ҲАМДАМ. Булоқбоши кишлогида.	70

## ЁШЛАР СОҲИФАСИ

Ю. ШЕРЖОН. Тракторчига. Ше'р.	76
П. МҮМИН. Сталини чакирамиз меҳмонга. Ше'р.	77
М. ФАНИ. Бегобод. Ше'р.	78
Қ. ҲИҚМАТ. Икки ше'р.	78
М. ИКРОМ. Мөхр. Ше'р.	79

## ТАНҚИД ВА ПУБЛИЦИСТИКА

Ҳ. ЗАРИФ. Лутфий ва Навоий	80
ШАЙХЗОДА. А. Н. Островский	97
И. РАСУЛЕВ ва Т. ФОЗИБОЕВ. „Боғбон“ поэмаси ҳақида.	106
Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ. „Пўлат Қуючи“ поэмасининг тили ҳақида баъзи мулоҳазалар.	117

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:** Ойбек (мас'ул муҳаррир), Рафур Ғулом, Яшон, Улғун, Абдулла Қаҳдор, Шайхзода, Ж. Шарифабд, М. Ашрафабд, Саман Абдуллаев. Мас'ул секретарь: Ма'руф Ҳакам.

На узбекском языке

## „ШАРК ЮЛДУЗИ“

№ 4

Орган Союза советских писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кызыл Узбекистан“  
Ташкент—1948

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:  
Ташкент. Биринчи май қўчаси, уй № 20. Телефон 32-689.

Босимга руҳсат атилди 26/V-1948 й. Р0:304. Корос формати 80x92/16. Босма листи 7,75  
Бир листда 47000 дарф. Тиражи 6000. Изд. № 324. Баҳоси 5 сўм.

Ташкент „Киёнил Узбекистон“ ва „Правда Востока“ наприёти босмахонаси. Заказ 436.